

Muassislar:  
**O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,**  
**O'zbekiston yoshlar ittifoqi**

1982-yildan chiqq boshlagan.

Tahrir hay'ati:  
**Sirojiddin SAYYID**  
**Minhojiddin MIRZO**  
**Nodir JONUZOQ**  
**G'ayrat MAJID**  
**O'razboy ABDURAHMONOV**  
**Farrux JABBOROV**

Jamoatchilik kengashi:  
**Qahramon QURONBOYEV**  
**Iqbol MIRZO**  
**Abdurasul ABDULLAYEV**  
**Rustam NOSIROV**  
**Rustam QOBILOV**  
**Ahmad OTABOYEV**  
**Shuhrat SIROJIDDINOV**  
**Serobiddin ISMOILOV**

Bosh muharrir:  
**Faxriddin HAYIT**

Bosh muharrir o'rinbosari:  
**Nurilla CHORI**

Mas'ul kotib:  
**Sa'dulla QURONOV**

Adabiy muharrir:  
**Husan MAQSUD**

Mas'ul muharrir:  
**G'iyosiddin O'NAROV**

Badiiy muharrir:  
**Akbarali MAMASOLIYEV**

Muharrir:  
**Yahyoxon FAYOZ**

Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Alisher Navoiy nomidagi Milliy bog', Adiblar xiyoboni,  
Yozuvchilar uyushmasi binosi.  
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz  
Veb sayt: www.yoshlikjurnali.uz  
Tel.: (0371) 231-20-58, 231-20-59

Navbatchi muharrir: H. Maqsudov  
Bosishga 27.07.2018-yilda ruxsat berildi.  
Qog'oz formati: 30x42 1/4  
Nashriyot hisob tobog'i: 8,7  
Indeks – 822  
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007-yil 4-mayda  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi  
tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga  
olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda  
"Yoshlik" dan olindi" deb izohlanishi shart.  
"SILVER STAR PRINT" MChJ  
bosmaxonasida chop etildi.  
Buyurtma № 63. Adadi: 2610  
Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-mavze,  
17-uy.

**JARAYON**  
**3 Nurilla Choriyev**  
Qo'llaringni bergil menga,  
shirinzabonim!

**NAZM**  
**7 Xurshida**  
Yo'q vafodan o'zga  
matlabim!

**52 Jahongir Sharofboyev**  
Har giyoh atrida jannatiy ifor

**NASR**  
**10 Eshqobil Shukur**  
Akam kelyapti  
**50 Iqbol Mirzo**  
Zarb

**"YOSHLIK"**  
**XAZINASIDAN**  
**14 Ibrohim G'afurov**  
Zamonlarga yo'llovchi  
mayoq

14



40



57



20-51

10

- QALDIRG'OCH**  
**19 Ro'zika Qo'shjonova**  
 Tabiat mo'jizasi  
**34 Baxtiniso Mahmudova**  
 Tag'in qaytgan  
 emish bog'larga bahor...  
**35 Asrorbek Solijonov**  
 Tush kabi jimirlar  
 bu harir kunlar  
**52 Ma'mura To'rayeva**  
 Mag'lubiyat

- MUNOSABAT**  
**54 Anna Ouldfiyeld**  
 Tarjima – ikki madaniyat  
 ko'prigi

- 57 TADQIQOT**  
**Bibi Robi'a Saidova**  
 Uslubiy  
 va g'oyaviy  
 hamohanglik

- 62 XORIJDAGI TENGDOSH**  
**Aziza Lalayeva**  
 Sarxush

- 64 HANGOMA**  
 Bir kuni  
 Mark Tven...



**Muqovada:**  
 Respublika yosh  
 ijodkorlarining  
 Zomin seminari  
 ishtirokchilari.  
**Bobur PO'LATOV**  
 olgan surat.

## “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига

Хурматли конференция қатнашчилари!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз азизларни – дунёнинг олис ва яқин турли қитъа ва минтақаларидан юртимизга ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларимизни бугунги адабий анжуманнинг очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларнинг ушбу нуфузли халқаро конференциядаги иштирокингизни биз биринчи навбатда ўзбек халқига, унинг қадимий ва бой маънавий меросига, замонавий адабиётига бўлган чуқур ҳурмат ва эътиборнинг амалий ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Биз сизларнинг ҳар бирингизни ўзбек адабиёти ва маданиятининг моҳир билимдони ва жонкуяр тарғиботчиси, Ўзбекистоннинг чинакам дўсти, маънавият соҳасидаги ишончли ҳамкоримиз деб биламиз ва сизларнинг олижаноб фаолиятингизни юксак баҳолаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий адабиётимизни ўз юртингизда ва халқаро майдонда беғараз тарғиб ва ташвиқ этиб келаётганингиз учун барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

### Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Гоят муҳим ва долзарб мавзуга бағишланган ушбу конференция Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга.

Бундан йигирма етти йил олдин халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва азму қарори билан қўлга киритилган миллий мустақиллик биз учун жаҳон халқларининг эркин ва озод оиласига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш, дунё ҳамжамияти билан барча соҳаларда, жумладан, маданий-гуманитар соҳада самарали ҳамкорлик ўрнатиш имконини яратиб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак босқичга қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан – миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу улуг мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб



яшаш, очиқ демократик жамият қуриш, ҳаётимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини биз яхши англаймиз.

Айни шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўпқиррали бу мавзунини бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш, ўйлайманки, катта аҳамиятга эга.

Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган эътиборга молик ишлар, хусусан, илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини изчил ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитида илм ва ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини ошириш каби вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани ҳақида сизлар конференция иши давомида етарлича маълумотга эга бўласиз, деб ўйлайман.

Бу ҳақда гапирганда, бир фикрга алоҳида урғу беришни ўринли, деб биламан.

Биз Ўзбекистонда “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” деган чуқур маъноли тамойилга амал қилган ҳолда, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадиий таржима ва таржимашунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бир қаторда, асарлар давомида комил инсон тарбияси, адолатли жамият, шахс эркинлиги, Ватан озодлиги, бунёдкорлик, бағрикенглик ва байналмилалчилик, одамийлик каби ўлмас фазилатларни тараннум этиб келаётган мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўгириш ва чет элларда тарғиб этиш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар

амалга оширилмоқда.

Бу борада республикаимиз таълим муассасаларида ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, тожик, қozoқ, қирғиз, туркман тилларида таълим бериш йўлга қўйилгани, олий ўқув юртларимизда инглиз, француз, немис, испан, япон, хитой, корейс, араб филологияси махсус фан сифатида ўқитилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда бу соҳада ҳам олдимизда кўпгина долзарб ва муҳим вазифалар турганини ҳам қайд этиш зарур. Хусусан, ҳозирга қадар жаҳон адабиётидан она тилимизга таржима қилинган аксарият асарлар восита тиллар орқали амалга оширилган ва бу ҳол бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Ёш таржимонларимиз аслият тилини яхши билсалар-да, кўп ҳолларда уларда бадиий маҳорат етишмаяпти. Худди шундай ҳолатни ўзбек адабиёти намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Бугун мамлакатимизда сизларнинг фаол саъй-ҳаракатингиз билан биринчи бор ўтказилаётган ушбу халқаро конференция мана шундай муҳим ижодий муаммоларни атрофлича муҳокама қилиш, бу борада халқаро тажриба, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, дўстлик алоқаларини тиклаш ва мустақамлаш, ижодий уюшмалар, адабий нашрлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро борди-келдиларни йўлга қўйишга доир амалий таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Бу муҳим йўналишда биз сизлар билан ҳар томонлама самарали ҳамкорлик қилишга доимо тайёرمиз. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида сизларнинг иштирокингизда Ўзбек адабиётининг хорижий дўстлари кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш бу йўлдаги дастлабки амалий қадам бўлиши мумкин.

### Муҳтарам дўстлар!

Бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди.

Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қиммати-ни йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди.

Мана шундай эзгу ва шарафли ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, ижо-

дий ютуқлар, бахт ва омад, конференция ишига муваффақият тилайман.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ**



# Но'қ vafodan o'zga matlabim!

Турсун АЛИ

Накурт

1

Накурт – тоғ қишлоғига биринчи борган Оллоёрбой  
ота руҳига бағишланади

Қутурган тўлқинда сузаётган кемадек  
Чайқалиб-гайқалиб борар йўловги,  
Тошлар айқаш-уйқаш,  
Ўйилган кўзлардек ўнқир-гўнқир йўл,  
Икки тараф тепалар – гўё ўлик туялар,  
Адир қоялари –  
Бамисли лангарлар,  
Ҳар ер – ҳар каваклар  
Оғизлари ланг оғиқ,  
Қай бир ерин тирмаб олган гангаллар,  
Худди ўсиб ётган гипқонлар,  
Асрларни қаритган  
Сертирноқ тошларни борар босиб йўловги,  
Гўё дорда кетаётир у,  
Теграсида эсар шамоллар,  
Турар ўлим ёнма-ён,  
О, йўловги шиддаткор,  
Худо унга мададкор,  
Бешбармоқ қояларин қўзмоққа,  
Орзу қанотида угар у,  
Ана,  
Манзил кўринар алҳол,  
Шундоқ яқиндан  
Чангалларин гўзар қоялар...  
Не тонг,  
Тўрт тараф тоғ ўрмони -  
Ёввойи дарахтлар сурони,  
Тўлганиб ётар қамишзор...



Турсун АЛИ

1952 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган.

“Юракдаги сўзлар”, “Ёруғ кўнлар”, “Ёлғизим”, “Уйгоқ суқунат”, “Сокин хайқириқ”, “Сайланма”, “Қуш пати” каби шеъррий тўпламлари нашр этилган.

Уни илонлар,  
 Чаёнлар,  
 бақалар,  
 бўрилар,  
 айиқлар,  
 тулкилар айлаган макон.  
 Ўйлар гирдобига тўмар йўловги,  
 Тин оладир пўлат каби оғир.  
 Бешбармоқ қояларига тикилар Йўлов-  
 ги,  
 Меҳри товланар Қуёшдек.  
 Игида уйғонар овги,  
 Бас, кўнгли сари борар у...  
 Адо бўлар тўқайзор,  
 ва текинар ёввойи махлуқлар.  
 Илонлар дўст бўлур,  
 Товушқонлар бўлур дўст.  
 Бешбармоқ қоялари олар бағрига.  
 О, Накурт тортадир сеҳрига.  
 Тортадур гаройиб меҳрига.  
 Бас энди,  
 Бас, энди Йўловги эмас, у.  
 Унга макон,  
 Унга жон Накурт!  
 Унга жон Накурт!

## ШОИР БОЛАЛИГИ

2

Жавзо қуёши остида,  
 Эгнида терлик,  
 Жиккаккина бола  
 Тошлардан тошларга сакраб,  
 Қўй-қўзилар ортидан угар.  
 Соябон бошида оқ булут,  
 Оппоқ булут.  
 Қариган тоғларни қуғар  
 Лабидан таралган най садоси.  
 Хув, настда эса,  
 Бош уриб тошларга  
 Қайгадир ошиқар телба сой,  
 Чўққилардан қайтур акс садоси.  
 Чўпон бола,  
 Тоғлар адоси.  
 Сурув ҳайдар,  
 Йўқдек Вақт ибтидоси.  
 Ана,  
 Қуёш ёнбошлар уфққа,  
 Соғиб алвон лолалар.  
 Қўнар оқшом Борлиққа,  
 Қанот ёзган қаргадек.  
 Четан девор иғига  
 Чўпон бола қамар қўй-қўзиларин.

Энди,  
 Ойнинг ойдin ёдусида  
 Тоғлар ила сўзлашур,  
 бўзлашур.  
 Ажаб,  
 Ҳар сўзига тирмашур қофия  
 Мисоли занжир.  
 Вужуд-вужудидан қайнар туйғу,  
 У балки  
 бахш этиб она тоғларга  
 Тўқир шеър.  
 У балки  
 Бобоси ёдлатган Яссавий,  
 Навоий,  
 Машрабдан ўқир шеър...  
 Тун ярмидан оққанда,  
 Юлдузлар ҳайрат-ла боққанда,  
 Бош қўйиб тошларга  
 Тоғдек орзулари оғушида ухлар.  
 Унинг-ла тонггага кафтида ухлайди илон.  
 Капалаклар,  
 Тўрғайлар,  
 Фурраклар қаноти сасидан уйғонар саҳар.  
 Яна тўққилар сари,  
 Қуёш нурун симириб сутдек,  
 Сурув ҳайдар.  
 О, унинг қалбида тоғларга бошқага меҳр  
 Ва гирмаб олган гаройиб сеҳр.  
 Бир кун машҳур шоир бўлар у,  
 Кўзларида кўрдим Шеърини қасрин.  
 Бир кун юрагининг туб-тубидан отилгай вулқон,  
 Шеърга тўмар Накурт тоғлари буткул.

ЭЗ

1

Саратон...  
 Ўт-ўланлар саргайган,  
 Тоғлар боқар мунгайган кўйи.  
 Қўй-қўзилар мағрар,  
 Сукунатнинг бузилган уйи.  
 Қанотларин қоқади каклик,  
 Балки тўққилардан топади ором.  
 Сояда мудрайди ит шўрлик,  
 Тушовда от депсинар беором.  
 Иссиқнинг дамидан гатнайди тошлар,  
 Накуртсой бўйида гуллаган ялпиз.  
 Яктада нуроний бош қашлар,  
 Қум йўлакда илон қолдирган ёрқин из.  
 Ажаб,  
 Бир тароват ила кегар тоғларда ёз,  
 Матога сизмайди манзарасин тизсам гар.  
 Мен ўтли нафасим ростлаб бир оз,  
 Ёз сувратин юрагимга кўгиришим муқаррар...



2

Ёз,  
 Ёмғир қуйди шаррос.  
 Ё фалак,  
 Кўнглим осмонини босди  
 Қора булутлар.  
 Руҳим тоғларидан угди бургутлар.  
 Жилдираб гўққидан сариқ жилғалар,  
 Саратон ифорин таратди.  
 Сўнгра,  
 Осмон нилий рангларга бўяла,  
 Чўғели қуёш кўрсатди бўй-бастин...  
 Ажабо,  
 Кўнглим ҳам ёришди осмондай  
 Тоғ ҳавосин туюб.

3

Накурт.  
 Ҳансирайди ҳаво.  
 Ҳансираб тоғу тошлар...  
 Бунда Қуёш ёнар.  
 Сукунатга гўмган боғлар  
 Тилла меваларин кўз-кўзлар.  
 Ҳассага таянган дарахтлар пойида  
 Қирмизи олмага қўл гўзар  
 Ялангоғ болакай энтика.  
 Бироқ етмай интиқ қўллари  
 Қизқириб уйғотар Накуртни.

4

Накурт оқшомлари...  
 Бўлурман ошиқ,  
 Сержилло юлдузлар рақсга торлар.  
 Фариб юракларда уйғотади ишқ,  
 Ёзги кегалар, о, кундуздай порлар.  
 Нақадар гўзалдир тоғлар сояси,  
 Шаббода кўксимга бош қўяр майин.  
 Тонггага тугамас тоғ ҳикояси,  
 Азим сой гартамас галишдан найин.

Сеҳрга боғланди ошуфта кўнглим,  
 Игимдан вулқондай тошар ҳайқириқ.  
 Уғиб гўққиларга қуш каби руҳим,  
 Сайрайдир,  
 севгидан қуйлайдир қўшиқ.

5

Тоғлар қугогида дуркун гўзган бўй,  
 Оқ тераклар,  
 Гўё ям-яшил дунё.  
 Япроқлари галар бир гаройиб куй,  
 Тунлар огушига тушар Сурайё.  
 Ёз...

У тоғлиқларга берар кўланка,  
 Ёнаётган офтоб селида ўктам.  
 Тераклар бўйлари адл ва тикка,  
 У тоғлиқ йигитлар сингари кўркам.

6

Қари харсанг паноҳида  
 Бўй гўзибди,  
 Ёзги булут –  
 Оптоқ гул.  
 Бахш этар  
 Эпкинлар унга ҳаловат.  
 Ёз нафаси  
 Бахш айлар жон.  
 Зеро,  
 Гўзаллик улайди тошларга Гул.

7

Офтобнинг ўтли нафасида  
 Тоғлиқ бола йўртар эшагин.  
 Воҳ,  
 Пойида харсанглар.  
 Қайққа кетмоқда, ёху?  
 Эргаштириб соясин  
 Кўнгли сари бораётир у!

8

Накуртда  
 Ёнгоқзор ўсар тоғлардек баланд,  
 Шохлари залворли,  
 Япроқлари ям-яшил.  
 Ором олар қўйнида ёз шамоли.  
 Тошларни тирмаган томирлари бақувват.  
 Шунданми,  
 Тошлардек бадани ҳам метин.  
 Шундайми,  
 Ашаддий бўронлар синдирилмас.  
 Шунданми,  
 Новдаларин уролмас тақмоқ.  
 Шунданми,  
 Тик тепасида Қуёш ҳар куни,  
 Шунданми,  
 Ой бағрида қувнар ҳар туни.  
 Шунданми,  
 Устида булутлар йиғлар.  
 Шунданми,  
 Пойида ариқга жилдирар.  
 Шунданми,  
 Шохида белангак –  
 Қиқирлар болакай!



**Эшқобил ШУКУР,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

1962 йили Сурхондарё вилоятида туғилган.

Ўзбекистон Миллий университети (аввалги ТошДУ)нинг филология факультетини тамомлаган.

“Юракни ўрганиш”, “Сочлари сумбул-сумбул”, “Тунги гуллар”, “Яшил қушлар”, “Ҳамал айвони”, “Кўз очиб кўрганларим” шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

“Кўҳна бог ривоятлари”, “Оқибат оқшоми”, “Падаркуш”, “Дунёнинг кўчиши”, “Кўриқхонада”, “Пул санаётган одам” каби қисса ва ҳикоялари чоп этилган.

Eshqobil  
SHUKUR

**Akam  
kelyapti**

*Hikoya*

Ўн олти қаватли бинонинг ойнаванд эшигидан кира-кира чап томондаги пластмасс девор билан ўралган кўчма хона туйнугидан келди-кетдини кузатаётган милиционер билан иримига салом-алик қилиб, ўнгга бурилгач, уч поғонали зинадан кўтарилиб, сарғиш лифт ёнига келдим. Чап томонда мармар тусли яна иккита лифт бор. Йўқ, уларга чиқмайман. Менга салкам ўзим билан тенгдош эски лифт ишончлироқ. Янги лифтларнинг бирига чиқиб, эллик минутча қамалиб қолганим, сира эсимдан чиқмайди. Шундан кейин мармар тусли лифтни кўрсам, душманимни кўргандай бўламан.

Мен отамзамондан қолган эски лифтни танладим. Чақирӣқ тугмачасини босдим. Мени кутиб турган эканми, ўн сонияга қолмай, лифт етиб келди ва менга қучоқ очди. Шу тобда лифт “ассаломалайкум” деб тиржайиб тургандай туюлди менга. “Ваалайкум ассалом” дегандай, лип этиб ичкарига кирдим. Биринчи ишим чап томондаги тугмачалар орасидан ўзимга зарур рақамни босиш эди. Мен излаган рақам энг юқоридаги “15”. Мен “15” рақами ўйиб ёзилган оқ тугмачани босишим билан лифт эшиги кимгадир дўқ қилгандай, “қўясанларми-йўқми”, дегандай тақира-туқур овоз чиқарди-да, аста ёпилди. Эски лифт норози оҳангда гўнғир-гўнғир қила тепага ўрлади. Ўнг томондаги тутқичдан ушлаб, қаршимдаги каттагина ойнага қарадим ва ўзимдан хафа бўлиб кетдим. “Хотиним тўғри айтади. Спорт билан шуғулланишим керак. Анчагина семириб, бағбақам ҳам осилиб қол-япти. Ўзимга қарай олмаяпман. Нима қилай, вақт йўқ. Бекорларни айтибсан. Ҳамма айб ўзингда”.

Шунда ногаҳон лифт деворидан ёқимли бир овоз таралгандай бўлди. Ие, лифтга радио ўрнатишибди-ку?. Географияда ажаб янгилик. Йўқ, бу радио эмас эди. Радио бундай ёқимли гапиролмайди. Мен узоқ-узоқдан, олис далалардан келаётган қадрдон бир мусиқий тирик овозни эшитдим: **А к а м к е л я п т и...**

Ҳушёр тортдим. Йўқ, мен шунчаки ҳушёр тортмадим, ўша ёқимли ва қадрдон овоз руҳимни уйғотгандай бўлди. Секин-секин овоз лифт ичида мусиқа каби сокин жаранглай бошлади: **А к а м к е л я п т и!**

Шунда мен бу овознинг тўрт-беш яшар қизалоқ овози эканини, бу овоз менга таниш эканини сездим.

\*\*\*

Кўкаламда бедазор жуда файзли бўлади. Ҳеч қаерда яшил ранг бу даражада мардонавор тантана қилолмайди. Айниқса, эрталаб йўнғичқаларнинг тангадай баргларига олмосдай осилган шудринглар уларга янада гўзал тус беради. Шудринг тушган ям-яшил йўнғичқазор олмос тўкилган ям-яшил бахмалдай ярқираб ётарди. Йўнғичқазор оралаб беш яшар Хосият югуриб борарди. Унинг қизил кўйлаги яшил йўнғичқазор узра байроқдай ҳилпираб сузаётган эди... Тобора олислаётган Хосият ғаройиб ям-яшил кенглик устида қизил капалакка айланган митти шамолдай еларди. Хосият югура-югура шамол товушида “Ота! Ота!” дея қичқирарди. Унинг ёқимли овози чексиз йўнғичқазор узра тўлқин-тўлқин тараларди. Бу пайтда дала ўртасидаги уватда қоратолдан кўтарилиб, бўйра билан ўралган чайлада мулгилаётган отам Хосиятнинг чақирғидан уйғониб кетди. Отам ўрнидан туриб, шошилиб қизига пешвоз чиқди. “Қизим, нима гап?” деди. Хосият бу пайтда чайлага етиб қолган эди.

– Ота... Отажон... – деди у ҳаяжонланиб...

Отамнинг кўзларида меҳр порлади. “Қизим...” деди-да, икки кўлини икки ёнга ёйиб Хосиятга бағрини очди. Хосият отамнинг бағрига тўлди. Отамнинг ўксиган бағрига шамол тегди.

– Нима гап қизим? Тинчликми? – деди яна отам.

Хосият эса ўпкаси тўлиб, ҳаяжонланиб деди:

– Акам келяпти! Ота... Акам келяпти...

Отамнинг меҳнатда қотган чайир қўллари титрай бошлади... Ички зилзиладан елкалари булқиллади. Отам жиққа ёшга тўлган кўзларини аста Хосиятдан олиб қочди. Қизининг самимий нигоҳлари эса ота қошида порлаб турар эди. Оғир сукутдан сўнг охири отам сўз қотди:

– Аканг келяптими?

– Ҳа, ота, акам келяпти.

– Қачон... келяпти?

– Бугун йўлга тушади.

Отам Хосиятдан бунга қандай билганлигини сўрамади. Бунга зарурат йўқ эди. Чунки Хосият фаришталар билан гаплаша олишини отам биларди. Шунинг учун у сўзсиз, сўроқсиз Хосиятга айтдики:

– Тез бобонга ва катта энангга хабар бер. Акангнинг олдида чиқишимиз керак. Чоп, қизим, тезроқ хабар бер.

– Ҳозир айтаман ота. Бобоотамгаям, катта энамгаям айтаман.

Хосият яна қизил капалакдай яшил йўнғичқазор бўйлаб елиб кетди.

\*\*\*

Мен бу пайтда 15-қаватга кўтарилиб, хонамга кириб улгурган эдим. Ишим кўп эди. Қадимгилар Ҳайитни қандай байрам қилишгани ҳақидаги бир мақолани ўқий бошлаганимда яна деворлар орасидан ўша овоз эшитила... йўқ, тарала бошлади: А к а м к е л я п т и.

Котибани чақирдим.

– Сокина, сиз қандайдир овозни эшитмаяпсизми?

– Ташқарида шамол... Бу шамолнинг овози... – деди у.

– Ҳа...тўғри айтасиз... шамолнинг овози... Шамол акасини излаяпти, шекилли. Шамол акасини кутяпти.

Сокина менинг охири гапларимни умуман тушунмади ва нима ҳақда гапираётганимни сўрашга ботинолмади.

– Дурбек қаерда? – дедим унга.

– Маҳалла ҳақида мақола ёзиш учун маҳаллаларга кетган.

– Дурбек бўлганда эди, бу овозни эшитармиди.

Сокина дафтарига ниманидир ёзмоқчи бўлди, тайинли топшириқ йўқлигидан бир муддат жим турди-да, сўнг чиқиб кетишга изн сўрагандай кутиб турди.

– Майли, сиз бораверинг. Дурбек келиб қолса кирсин...

\*\*\*

Бу пайтда Хосият йўнғичқазор одоғидаги бо-боотасининг чайласига яқинлашиб қолган эди. У оёғи остида шовирлаётган йўнғичқаларга ҳамоҳанг йўқотган ўйинчоғини топиб олган боладай қичқирарди.

– Бобоота! Катта эна!

Бобоотам чайладан чиқди. Яшил йўнғичқазор шамолда сокин денгиздай бир маромда чайқалиб турарди. Хосият эса жаннат қушидай тинмай живирларди.

– Бобоота, бобоота, акам келяпти.

Кўпни кўрган бобом гўё шундай бўлиши керак, дегандай хотиржам кўринарди-ю, лекин... барибир қўллари қалтирарди.

– Ўзинг акангнинг олдида чиқ! – унинг овози титради: – Катта сойликдан ўтиши билан у сенга дуч келгани маъқул. Сени кўрса бирдан хурсанд бўлиб кетади. Биз кейинроқ.. йўнғичқазор бўйида уни кутиб турамыз. Ўзинг олиб келасан уни бу ерга.

Яшил йўнғичқазор узра мовий туман туша бошлади. Хосият туман оралаб ғойиб бўлди.



\*\*\*

Мен кабинетда нималар биландир андармон бўлгандай бўлдим, лекин ҳеч нарса билан машғул эмаслигимни ўзим яхши билардим.

– Сокина, бугун синглимнинг туғилган куни. Унга кўйлак олиб келсангиз...

Котиба қиз одатига кўра қалин дафтарини қўлига олди-ю, ёзишга чоғланди:

– Синглингиз неча ёшдалар?

– Беш ёшда.

Сокина довдираб қолди.

– Беш ёшда?.. Беш ёшда.. деяпсизми?

Мен эса дунёдан юз ўтирган Суқрот каби хотиржам эдим. Шунинг учун ўта сокин, тўниб қолган булутдай жавоб бердим:

– Бугун Хосият бешга киради. У менинг синглим.

Котиба қиз ҳам ҳайратини яширолмади. У мени гангияпти деб ўйлаган эди.

– Бу бўлиши мумкин эмас. Набирангизми ё синглингиз? Тушунмадим.

Мен уни тинчлантирган бўлдим:

– Синглим беш ёшда. Унга яшил рангли чиройли кўйлак билан ироқи дўппи олиб келсангиз, тезлик билан Чорсуга боринг. У ерда ҳамма нарсани топса бўлади... мен унинг туғилган кунига етиб боришим керак. Вақтим тигиз.

Фаросатлигина Сокина ортиқча гап сўрашни ўзига эп кўрмади.

– Хўп бўлади. Ҳозир бориб келаман.

Котиба қиз чиқиб кетиши билан хона деворларидан яна ўша муסיқа каби ёқимли овоз тарала бошлади: А к а м к е л я п т и...

Мен шунда деворнинг нафақат қулоғи, тили борлигига ҳам ишондим.

\*\*\*

Чексиз йўнғичқазорнинг бир буржида Отам билан Бобом гаплашиб ўтирарди. Жонҳалак Хосият эса яна йўнғичқазор узра ўйноқи капалакдай шодмон сузиб юрарди. Отам соқолини силаётган бобомга қараб:

– У келяпти. Эшқобил келадиган бўлди, – деди.

– Хосият билади, унга фаришталар айтган, – деди бобом.

– Онаси йиғляпти, – деди-да, отам чеккага қаради.

– Момоси ҳам.. йиғляпти... – деди-да, бобом кўзини олиб қочди, – тоғалари Катта сойлиқ томонга кетишди, ўзимиз кутиб оламиз, дейишди. Мен бормадим. Менга қийин у ерда. Келганида кўришармиз.

– Хосият қанот қоқиб юрибди, – деди отам, – гўдак-да, акаси келиб қолса, акаси билан ўйнамоқчи. У акасини ҳалиям олти яшар деб ўйляпти. Акасининг ёши мендан анча ўтиб кетганини қайдан билсин. У олти яшар акасини кутяпти...

Мен унинг олдига чиқмасам бўлмайди. Келиши билан мени сўрайди.

\*\*\*

Стул устидаги қоғозларга кўз югуртириб, гоҳ унисини, гоҳ бунисини қўлимга олиб кўрдим. Йўқ, ҳозир ишлай олмайман. Хаёлим қочяпти. Болалик йилларим кўз олдимдан лип-лип этиб ўта бошлади. Гўё мен ўн бешинчи қаватдаги кабинетда эмас, олисларда қолиб

кетган ўша манзаралар ва ҳолатлар ичида эдим. Ана... Оппоқ қор қоплаган кимсасиз дала... Дала ўртасида мен Хосиятни эргаштириб боряпман. Қалин сатин чопонга ўраниб олган беш яшар синглимнинг бошига ўралган гулдор жун рўмол ичидан қоп-қора кўзлари ва жажжигина бурни кўринади, холос. У менинг ўнг кўлимдан маҳкам ушлаб олган. Жимгина ортимдан эргашади. Қор устида майда қадам жажжигина мўкки излари экилиб қолади. Даланинг бир четидан малларанг бир кучук югуриб ўтади. Уни кўриб Хосият кўлимни қаттиқроқ қисади. Кўзлари жавдираб менга қарайди.

Кейин яна бошқа бир манзара ичига тушиб қоламан. Саҳарда мени Беккам холам уйғотди. Чопонимни кийгизди. Уйдаги йиғи-сиғи товуши мени сергак торттирди. Лекин ҳеч нарсани тушунмадим. Ташқарига чиқдик. Тоғаларим, аммаларим, қўшилларимиз ва бошқа қариндошларимиз тўпланишибди. Бироздан сўнг иторқа уйимизнинг ёнига сариқ рангли ГАЗ-21 волга машинаси келиб тўхтади. Ҳамма машинага қараб юрди. Машинадан Қаҳҳор бобом жун рўмолга ўралган болани кучоқлаб йиғлаб тушиб келарди. Отам ва онам у кишига йиғлаб эргашган эдилар. Шунда Қаҳҳор бобомнинг бағридаги гўдак Хосият эканлигини сезиб қолдим. Болагина кўнглимдан чирт этиб нимадир узилиб кетди. Узи-или-иб ке-етди! Шундан кейин мен уни кўрмадим. Шундан кейин мен... қорли далаларни бир ўзим кездим, кўм-кўк кўкламларга бир ўзим чиқдим, саратоннинг хурпиллаган иссиқ тупроқларида бир ўзимнинг изларим қолди.

\*\*\*

Икки соатдан сўнг Сокина хонага кириб келди. У хонага кирди-ю, ҳамма қизлар ва аёлларга хос қизиқувчанлик билан елим халтадаги яшил кўйлакчани олиб, қайтадан текшира кетди.

– Эшқобил ака, яхши кўйлак. Тозаси. Синглингиз кийса, яшнаб кетади. Қаранг, қандай чиройли. Ёқалари ҳам дид билан тикилган. Парпаралари ҳам меъёрида. Мана бу дўппини қаранг. Қандай чиройли-я.

Ҳақиқатан, дўппи ҳам, кўйлак ҳам жуда чиройли эди. Шу дамда яна деворлардан ўша майин ва ёқимли овоз кела бошлади: Акам келяпти

Ҳамон бозордан сотиб олиб келган нарсаларига маҳлиё бўлиб ўтирган қизгинадан сўрадим:

– Сокина, сиз барибир деворлардан келаётган овозни эшитмаяпсиз-да?

У ниманидир эшитмоқчи бўлгандай жим қолди-да, сўнг болаларча соддадиллик билан ажабланиб сўради:


– Қандай овоз? Ҳеч нарса эшитмапман.

– Мен ҳам шу пайтгача ҳеч нарса эшитмаганман. Лекин деворларнинг ҳам тили бор экан. Деворлар жуда ёқимли куйлар экан. Энди билдим.

Сокина ҳеч нарсани тушунмай менга ажабланиб қаради-да, бозордан олиб келган нарсаларини халтага жойлаб стол четида қолдириб, жимгина чиқиб кетди.

Ташқарида мен билган ҳаётдан бошқа ҳаёт борлигини сезиб турардим. Ўрнимдан турдим-да, кучоқ-кучоқ нур тўкилиб ётган девор-дераза томон бордим. Деразадан нарида... ўн бешинчи қаватнинг деразалари пойига туташиб кетган ям-яшил йўнғичқазорни кўрдим. Вожаб... Пастда шаҳар йўқ эди... Ҳамма томон қуёш нурида ярқираб ётган ям-яшил йўнғичқазор эди. Узоқдан отам ва бобом кўлини пешонасига соя қилиб мен томонга қараб туришарди. Йўнғичқазор узра сокин бир муסיқа каби ўша ёқимли овоз тараларди: А к а м к е л я п т и!





Ibrohim  
G'AFUROV

## Zamonlarga yo'llovchi MAYOQ

**И**броҳим ГАФУРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
санъат арбоби.

1937 йили Тошкент шаҳри-  
да туғилган.

Ўзбекистон Миллий уни-  
верситетини (аввалги ТошДУ)  
нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

“Ўзгалликнинг олмос қирралари”, “Унутилмас бог”, “Жозибба”, “Она юрт куйчиси”, “Ёнар сўз”, “Ам-яшил дарахт”, “Ўртоқ шоир”, “Юрак – аланга”, “Прозанинг шоири”, “Лириканинг юраги”, “Шеърят – изланиш демак”, “Илтижо”, “Ўттиз йил изҳори”, “Дил эркинлиги”, “Хаё – халоскор”, “Мангу латофат”, “Таржима назариси”, “Паривашлар мажлиси” сингари адабий-танқидий мақола, эссе, мансура ва ҳикоялардан иборат китоблари чоп этилган.

Ч. Айтматов, Ф. Достоевский, Ж. Жойс, Конфуций, Г.Г. Маркес, Г. де Мопассан, Ф. Нитше, В. Распутин, Ж.П. Сартр, А. Солженицин, Э. Хемингуэй сингари адиб ва мутафаккирлар асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўғирган.

Иброҳим Гафуровнинг мазкур мақоласи биринги марта “Ёшлик” журналининг 1982 йил 7-сонида эълон қилинган. Мақолада мутолаа маданияти ҳақида сўз боради. Шу билан бирга муаллиф ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини ҳам ўртага ташлайди. Аммо ўтган йиллар муаллифнинг фикрларини тархлаган, унинг қарашларини ўзгартирган бўлиши мумкин. Шу сабабли биз мақоладаги айрим ўринларга муаллифдан изоҳ сўрадик.

Инсондаги энг олий шодлик – ўз руҳий дунёсини бойитишдан, демакки, башар манфаатлари билан яшашдан келиб чиқади. Бундай олижаноблик ёнингдагиларнинг эҳтиёж ва манфаатларига эътибордан, ўзгалар тақдирини ўзингники деб англашдан бошланади. Маданий тараққиёт гултожи ҳисобланмиш китоб ҳам аслида ана шундай энг олий маънавий эҳтиёж маҳсулидир. Бинобарин, ҳар қандай яхши китоб инсонга эътибор, яъни инсон ҳаётини маърифат нури билан ёритиш ишқидан туғилади.

Мен Собинтоғ хотирагоҳида ўқ тешиб ўтган китобларни кўрганман. Босқинчи фашистларнинг ўқлари бу ерда одамдан олдин китобга теккан. Улар китобларни худди тирик одамлар каби отган ва ўтда ёққанлар. Инсониятнинг барча душманлари, аввало, китоб душмани сифатида таниладилар, ўз ёвузликларини китобни топташдан бошлайдилар. Лекин маърифатпарвар инсоният доимо уларни тараққиёт йўлларидан улоқтириб ташлайверади.

Йигирманчи аср – китоб асри. Газета-журнал асри. Телевидение, кинематография асри. Спорт томошалари асри. Буларнинг ҳаммаси учун вақт керак. Вақт – умр эса чекланган. Биз китобни қанчалик севмайлик, баъзан унга ажратадиган вақтимиз етмаётгандек туюлади.

Телевидение ўз жозибаси билан тинимсиз чорлаб туради. Оқибатда, Жомий ва Навоий, Сервантес ва Шекспир, Толстой ва Достоевский бизни дўконларда, китоб жавонларида кутиб қоладилар. Аммо бу тўғри йўлмикан?! Биз камолот йўлини тўғри танладикмикан?!

▽ Бу саволнинг қўйилиши ўша замонлар нуқтаи назаридан ҳам кишини ўйлантиради. Китоб ўқиш ҳақида фикрлаётган мақола игига бу кутилмаган савол худди гўлага пона урилгандай ёриб киради. Гап шун-

даки, ўша саксонинги йиллар арафасида ва бошларида Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев каби яқин, дилдош адиблар даврасида “тараққиёт йўли” – миллий, ижтимоий, сиёсий, эркин-демократик тараққиёт йўли ҳақида кўп баҳслашардик. Барга гапларимиз, суҳбатларимиз ҳар сафар, албатта, шу бизни қаттиқ қизиқтирадиган, жонимизни оғритиб, вужудимизни ларзага солиб турадиган масалага келиб тақаларди. Боши берк кўгада бошимиз метин деворга урилгандай бўларди. Ижтимоий нидо жонимизда-қонимизда безовта яшарди. У нидони қандайдир тарзда ўқувчига етказишга интилардик. Натижани адабиётдан, санъатдан, мумтозлардан, таржималардан қидирардик. Зарбулмасал Эзопга савол ўша пайтлардаги кайфиятимизнинг бир шингили бўлиб бу мақола игида бўзлаб турибди... ▷

Менимча, яхши китобнинг ўрнини ҳеч қачон ҳеч нарса боса олмайди. Китоб, телевидение, кинематография, спорт... Инсон маънавий ҳаётида буларнинг ҳар бири ўз ўрнига эга. Аммо улар инсон ҳаётидан бир-бирларини суриб чиқармасликлари, аксинча, муттасил суратда бир-бирларини тўлдира боришлари зарур. Яқинда кекса бир ишчидан хат олдим. “Бўш қолдим дегунча, қаттиқ безовта бўлавераман, – деб ёзади у. – Худди мени биров кутиб тургандай. Мени кутиб турган ўша ҳабибим эса китобдир. Мен китобдан маърифат – ҳаёт ҳикматларини излайман. Уларни топча-



нимда кўнглим уйи ёришади. Мен қариб қолдим. Бу ҳикматларнинг нега кераклигини билмайман. Аммо уларсиз ҳам яшолмайман”.

Кекса китобхоннинг мана шу ҳаяжонли сўзлари давримизнинг улкан шоираси Зулфиянинг бир суҳбатда айтганларини ёдимга туширади: “Мен ўзимда доимо улғу шоирлар билан учрашиб туришга энгиб бўлмас бир эҳтиёж сезаман, – деган эди у. – Бутун икир-чикирлардан, ҳар қандай майда ташвишлардан пок-фориг бўлиб, уларнинг китобларини кўлимга оламан. Юксак ўйлар, жўшқин эҳтирослар, ажиб кечинмалар оламига фақат покиза ўй билан, тозарган хаёл билан кириш мумкин. Шунда улғу шоирлар маънавий дунёси менга янада тўлароқ, янада нозикроқ очилади”.

Китоб ўқишда ҳам ўқиш бор. Шундай китобхонлар борки, улар қўлларига нима тушса, шуни ўқийдилар. Бировлар фақат эл орасида шов-шув кўзгатган китобларнигина ўқишга интиладилар. Яна бировлар ўз соҳаларига оид китоблар билангина танишиб борадилар. Яна бир турли ўқувчи борки, улар китоб деганда мактаб ёхуд олий ўқув юрти дарслиklarини тушунадилар. Дарсликни ўзлаштириб олгач эса бўлди, иш битди, дейдилар-у, бошқа ҳеч қачон қўлга китоб олмайдилар. Баъзан айрим раҳбар ходимлар ҳам ана шундай фикрда бўладилар. Афсуски, савиясиз, тайёргарликсиз китобхонлар бизда ҳали анчагина. Зотан, улар кўпчилик бўлмаганларида, жаҳон классик ҳамда замонавий адабиётининг энг нодир намуналари ҳозир китоб дўконлари тоқчаларида чанг босиб ётмаган бўлур эди.

▷ Китобларнинг ўша йилларда дўконларда “ганг босиб ётиши” бизни қийнар, худди ёзувчилик меҳнатига берилаётган оғир баҳодай дилимизни оғритарди. Аммо шу билан бирга ном қозонган адибларимизнинг китоблари 60 минг, ҳатто 90 минг нусхаларда тарқаладиган қувонгли ҳолатлар ҳам йўқ эмасди. Хемингуэй, Мопассан, Достоевский, Есенин асарларининг таржималари дўконларда ётмас, тез тарқаларди. Китоб маданияти асри бошланаётгани сезилиб турарди. Яқинда тенгдош, сафдош қаламкашларнинг олтмишинги йилларда гикқан биринги китобларини қизиқиб қайта ўқиб гикдим. Нимадан қандай бошлаганимизни яна қайта бошдан кузатгим келди. Жуда бегубор ва содда экан у замонлар, у кайфиятлар ва жавоб топиш қийин. Ҳатто мумкин бўлмаган саволларга тўла экан... Социалистик тараққиёт игида саволларимиз ҳаммиша жавобсиз қолар эди, ўртар эди, ўртар эди. У саволларга жавобни ва нажотни яна эркин китоблардан излардик... ▷

Йигирманчи аср – маданий аср. Маданийлик эса ҳамма нарсада мунтазам изчилликни яхши кўради. Мунтазам изчиллик билангина ҳаётда кўзланган мақсадларга эришмоқ мумкин. Бинобарин, китоб ўқишда ҳам мунтазам изчиллик даркор. Назаримда, чинакам мутолаани қадимги дунё бадиий обидаларидан бошламоқ зарур. Шу билан бирга, замонавий ҳамда илғор жаҳон адабиётини мунтазам равишда ўқиш керак. Мумтоз адабиётини чуқур ўзлаштириш, Михаил Шолохов, Леонид Леонов, Александр Твардовский, Константин Паустовский, Мухтор Авеов, Берди Кербобоев, Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Чингиз Айтматов каби улкан санъаткорлар ижодини қайта-қайта ўқиш, бугунги адабиёт намояндларининг энг яхши асарларидан хабардорлик, ёшлар адабиёти билан қизиқиш – ўқишни маълум бир изга солади. Бадиий асардан олинадиган маънавий завқни онгли оқимга киритади.

Мен учун ҳар бир улкан ёзувчи, шоир, санъаткор ижоди, уларнинг шоҳ асарлари кўп қаватли улуғ бинога ўхшайди. Йиллар, асрлар ўтган сайин бу бино қаватлари ажиб бир шиддат билан юқорилаб боради. Ҳажман унча катта бўлмаган “Игорь полки жангномаси” ҳақида яратилган асарларнинг ўзи ҳозир тўрт қаватли кутубхонага сифмайди. Пушкиннинг буюк достони “Мис чавандоз” ҳақида жаҳон адабиётида олиб борилаётган илмий кузатишларнинг миқёси ҳам ана шунга яқинлаб қолди. Ваҳоланки, тадқиқотчилар “биз ҳамон “Мис чавандозининг ҳамма қатламларига етиб улгурганимизча йўқ”, деб эътироф этмоқдалар.

Бугун – йигирманчи асрнинг саксонинчи йилларида, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор сингари улкан ўзбек санъаткорлари янгидан кашф қилинмоқда. Инсонни тушуниш ва англаш, дунёни таниш фикри кучайиб, чуқурлашган сари, бу адиблар илгари сурган ғоялар, улар яратган миллий характерлар ҳам кўз ўнгимизда янгидан-янги қирраларини намоён қилмоқдалар. Зеро, ҳар бир давр улуғ адибларни янгидан очади.

Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романини ўсмирлик пайтларим, талабалик чоғларимда ҳам неча бор ўқиганман. У ҳар гал менга бошқача ҳаяжон, бошқача завқ бағишлаган. Лекин романни бир сабаб билан яқинда яна қўлга олдим. Энди менда бутунлай бошқача таассурот уйғотди. Романда тасвирланган миллий характер ва қаҳрамонлар аввал мен тасаввур қилгандан кўра, ўн чандон бой, қиррадор экан. Йўлчи онгидаги ҳаракатнинг нечоғли кучли

шиддат билан ўсаётганлигини лоақал бир воқеа ичида кузатайлик. Йўлчи Абдушукур билан бойларнинг зулми ҳақида гап талашиб, ундан қаноатланарли жавоб ололмади. Аксинча, Абдушукур Йўлчини чалғитишга, озодлик кураши йўлидан қайтаришга уринади: “Оламдан хабардор, кўзи очиқ одамларимиз бор. Юрт қайғусига улар чора кўради. Санга нима! Сан ўз тирикчилигини қил. Қош қўяман деб, кўз чиқарма! Заволли Туркистон учун бойлар керак!” Йўлчи Абдушукурнинг

▽ “Қутлуғ қон” романидаги Абдушукур, “Сароб”-даги Саидийларнинг автор талқинидан игим оғрирди. Халқимиз, миллатимиз угун жонларини фидо қилган жадидларнинг карикатура қилиб тасвирланишини ҳет онгимга сиздирилмасдим. Бу ишроларнинг машъум сиёсати зиёлиларни икки қарама-қарши қутбга ажратиши оқибатидан эди. Аммо ноҳақликларга тўла дунёда ҳақиқат жуда-жуда узоқ айлана йўлларни босиб ўтаркан. Лекин барибир юзага чиқаркан. ▽

кимлигини ана шундагина тушуниб етади, унинг қошидан этак силкиб чиқиб кетади. Худди шундан сўнг, устод Ойбек чойхонада бўлиб ўтган бир воқеа тасвирини келтиради.

Абдушукурнинг айтганларини ўйлаб, чойхонадаги тахта каравотда оёғини узатиб ўтирган Йўлчининг елкасини биров қаттиқ туртди. “Йўлчи аланглаб қаради: чойхонада ҳамма тик туради, қўллар қовуштирилган, кўзлар қўрқувли, нотинч. Йўлчи ўзидан бир неча қадам нарида хўмрайиб, ҳаммага разм солган шоп мўйлов, юмалоқ, сариф полиция бошлиғини кўриб қолди... Йўлчи илгари, ҳамма каби, ноилождан унга салом бериб юрар эди. Ҳозир унинг заҳарли назари остида, секингина ерга тушди, лекин қўл қовуштиради, қандайдир хомушлик, бепарволик билан жимгина турди”. Қўйдек юввош “сарт”дан бундай муомалани кутмаган полиция бошлиғи тутайиб Йўлчининг юз-кўзи аралаш қамчи сола бошлайди. Бу орада бир чол вазиятни ўнглаш учун орага тушиб Йўлчи учун узр сўрай бошлайди.

– Ота, – деди Йўлчи чолга бориб, – раҳмат сизга, лекин заҳарини солган илонга ялиниш ярамайди!

– Узр айт, болам. Золим билан тенглашма! – деди чол.

– Нима гуноҳ қилдим! Қамчинга узр сўрайманми!

Аммо Йўлчи “ўзи туфайли бир тўп одамларнинг айбланиши мумкинлигидан қўрқди”, полиция бошлиғининг қамчисини қўйиб юборишга ва ўрнидан туришга мажбур бўлади.





Одамни анча ўйлатади бу парча. Йўлчининг юрагидаги олижаноблик, дарҳол вазиятни баҳолагани ҳолда, бир фикрга келиши одамни ҳайратга солади. У ўзини эмас, бир зумда халқни ўйлайди. Ҳозир полиция бошлигини кўтариб ерга урса, анча одамлар гуноҳкор топилиб, қамалишини англайди, ўзини тияди. Шу бир воқеада миллий характер ифодаси нақадар теран ёритилмоқда. Шу билан бирга халқда, униинг илғор, зийрак вакили Йўлчида янгича қарашларнинг шаклланиши ҳаётнинг тарихий ҳақиқатидан келиб чиқиб, усталлик билан кузатилади. Бу парчада келтирилган қаҳрамонлар ҳолатини бир зум диққат билан, синчков назардан ўтказайлик. Уларнинг ҳолат ва вазиятлари бизга етилиб келаётган гоят улғувор ҳодисалардан дарак беради. Йўлчига назар ташланг... У илгарилари полиция бошлиғига салом бериб юрарди. Лекин нега бирдан шу тобда, кун заволга кирган чоғда, осуда чойхонада у одат тусига кириб қолган саломдан бош тортди. Нега бу сафар аввалгидек қўл қовуштирамади! “Бепарволик билан жимгина турди!” Ойбек унинг руҳиятидаги бу ўзгаришларни муаллиф тилидан изоҳламайди, сабабларини заррача бўлсин тушунтирмайди. Ҳолатни узундан-узоқ таърифлаб баён ҳам қилмайди. Унда, хаёлан Абдушукурнинг ҳозиргина айтиб кетган сўзлари, ачимсиқ, калтабин фалсафаси билан қизгин баҳслашиб ўтирган Йўлчида, нечун, кутилмаганда, бунчалар зўр, қудратли ўзгариш содир бўлди!

Бу қаҳрамонимизда пайдо бўлаётган янги хислат – фикрлаш натижаси эмасмикан!

Бу миллий онгнинг уйғониб келиши, янги сифат даражасига кўтарилишдаги кескин тарихий босқичи эмасмикан!

Бу исён эмасми!

Шундай бўлса, Ойбек Ўрта Осиёнинг забун, меҳнаткаш йигити қалбида куртаклаган янги ижтимоий ҳиссиётларни нақадар теран акс эттира олган!

Абдушукурнинг камбағалларни ерга уриши, уларга бамисоли қул деб қараши Йўлчига шу қадар қаттиқ таъсир қиладикки, у энди мана шу “майда буржуз фалсафаси” билан олиша туриб, бу фалсафанинг халқни камситиш ва ҳақоратлашга қаратилган маъзини чақа туриб, ўзида уйғонган қаршилик туйғусини сезмай қолади. Шу туйғу полиция бошлигининг оддий халққа қилаётган дағдағасини кўрганда, исёнга айланади.

Абдушукур оддий халқни ўз фалсафаси билан таҳқирлаган бўлса, полиция бошлиғи халқни ўз хатти-ҳаракати билан топтамоқда. Йўлчи бу ерда зулмнинг икки даҳшатли кўринишига дуч келиб турибди. Миллатчиларнинг халқни оёқос-ти қилувчи зулми, унинг ёвуз жиҳати – халққа, халқнинг ижодий кучлари, ижтимоий қудратига ишонмасликда, унга бениҳоя паст назар билан қарашида намоён бўлади. Полиция – террор апаратининг зулми: у халққа зугум, зўравонлик кўрсатиш, уни, буткул забун этиш, мутелар подасига айлантириш истагида намоёндир.

Йўлчи бу зулмларни ўз кўзи билан кўриб, ўз бошидан кечирмоқда. Зулмнинг бир равишини кўриб, уни англашга уринаётган чоғида, иккинчиси билан омонсиз тўқнашмоқда.

Бу чинакам бедодлик эди. Тенгсизлик, ҳуқуқсизлик, ғариблиқдан туғилган бедодлик. Йўлчи шу бедодлик қаршисида бирдан барваста қоядай юксалади. Унда ҳали ўзи ҳам тўла англаб етмаган бир куч – қаршилик кучи уйғонади. У биринчи марта полиция бошлиғи қаршисида эгилмайди. Тобеликни бажо келтирмайди. Қамчилар зарбидан ҳам эсанкирамайди. Қамчи тушгандан, букилиб қўя қолмайди. “Қамчин унинг баданини эмас, кўнглини тилиб ўтгандай бўлди”... Йўлчидаги ўзгариш қатъий тус олади. Кўнгли тилинган одам исёнга шайланади. Ниҳоят, исён унинг тилига ҳам кўчади: “Заҳарини солган илонга ялиниш ярамайди!”, “Нима гуноҳ қилдим! Қамчинга узр сўрайманми!” Йўлчидаги исён ҳисси жуда изчил, лекин жуда ҳам вазминлик билан етилади. Аввало қўл қовуштирмасликда, сўнг қамчинга парво қилмасликда, сўнг айтилган аччиқ сўзларда, сўнг қуллуқ қилмай, яна секингина ўз жойига ўтиришида – туриш-турмушида тобора оловла-ниб бораётган исён намоён бўлади.

Полиция бошлиғи бундай бўлишини сира ҳам кутмаганлиги кўриниб турибди. У йигит

бошига уст-устига қамчи тушира бошлаганида, Йўлчи ўз исёнида яна бир қадам ташлайди. У қамчини ушлаб қолади. Полициячи силтаб тортишига қарамай, қўйиб юбормайди. Бу ҳалигача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ботирлик эди. Шундагина полиция бошлиғи Йўлчининг онгли суратда қаршилиқ кўрсатаётганлигини англагандай бўлади. У атрофдаги одамларга, булар ҳам шерик эмасмикан, дегандек кўзларини олайтиради.

Айни ўринда Ойбек ўзбек халқининг миллий психологияси, онгига шуъла ташлаб, ўткир нур билан ёритади. Халқда зулм, хўрликка нафрат етилиб келаётган эди. Лекин ҳамон нафратдан кўра, қўрқинч, ҳадиксираш ҳисси кучлироқ, жаҳолат, билмаслик – онгдаги қоронгилик қўрқинч ҳиссига стихияли тус берган эди.

Бунинг устига шарқона андиша!

Йўлчининг андишаси... “У ўзи туфайлигидан бир тўп одамларнинг айбланиши мумкинлигидан қўрқди”. Бу қўрқинч ҳисси айни пайтда халқ психологияси билан ҳамоҳанг, у халқ қўрқинчидир. У андишадан туғилган. Андиша бу ерда исён ўтини ўчиради. Миллий характернинг тарихий шароит тақозосига кўра, намоён бўлиши бу: Йўлчи қамчинни аста қўйиб юборди. Ўрнидан ҳам турди. Лекин барибир “қўл қовуштирадик Миллий курашчи характерида ана шу тариқа қатъият, ирода, зулмга тоқат қилиш, аммо унга энди сира ҳам бўйсунмаслик ишончи туғилади. Бу – кўз ёши ва хўрликлар, ҳар томонлама зулм ичидан қад ростлаб келаётган халқнинг илк иродаси, қасоси эди.

Китоб ўқиганда, улкан адиблар биздан ҳар бир сўзга тийрак кўз билан қарашни талаб қилдилар. Шундагина китоб бизнинг бебаҳо дўстимизга айланади, ўзининг нозик сирлари, мўъжизаларини саховат ила тортиқ қилади.

Хассос ва устоз шоира Зулфиянинг юқорида келтирганимиз сўзлари китоб мутолаасига қадар ҳам ўқувчида жуда катта маънавий-руҳий тайёргарлик бўлиши зарурлигини кўрсатади. Ўсмирлик йилларимда ана шундай тайёргарлигим бўлмагани учун ҳам, мен кўп нарсаларни тунунмай қолганман... Гулнорнинг Йўлчибойга ёздирган мактуби ёдингизда бўлса керак. Мактубни саводсиз Гулнорга ўртоғи Зайнаб ёзиб беради. Келинг, аввал ана шу мактубга бир қулоқ тутайлик:

“Кўз қорачигим, дардли ёрим Йўлчибойга.

Жоним, ман мунча бахти қора яратилган эканманки, Худо шўрлик бошимга шунча кулфатларни солди. Кошки туғилмасам, кошки сиз-

ни кўрмасам эди. Ўшал куни Шоқосим аканинг ҳужрасида сизни пойлаб қишлоққа учишга қанотланиб ўтирганимда, дадам билан маҳалла эллик-бошиси офатдай бостириб келишди. Дод-фарёдимга қулоқ солмай, дадам қўлимдан судраб уйга олиб кетди. Қайси бир раҳмсиз, ноинсоф малъун биз турган жойни уларга етказганлигини билмайман; бундан кейин кўрган азобимни Худо ҳеч бандасининг бошига солмасин. Бунга баён қилишга қалам ҳам ожиз, тил ҳам ожиз. Бир ой ўн кундан буён фироқ ўтида қовриламан. Қанотим йўқки, бойнинг зиндонидан учиб чиқиб ёнингизга борсам, бу ерда бир меҳрибоним йўқки, манга кўмаклашса. Дунёда ягона меҳрибоним, офтобим сиз эдингиз, бахти қоралик орамизни кесди. Бундан бир қанча илгари Унсинойдан айрилдим. Унинг кетишини эшитиб, кўнглим яна бузилди, ялиниб-ёлвориб олиб қолмоқчи бўлдим, аммо қизнинг ҳам сизнинг раъингизга тўсиқ бўлишни муносиб кўрмадим, ҳам бу уйдаги хотинлар Унсинни оғир юмушларга сола бошладилар, бунга кўриш манга жуда оғир эди. Майли, Унсиной сиз билан бирга бўлсин. Ёлғизман, гариб-бенавоман, лекин кўнглим сизда, фикрим, хаёлим сизда. Кеча-кундуз ёдингиз билан яшайман. Ботир ёрим, биламан, сиз қайғу дарёсига мандан чуқурроқ ботгандирсиз. Энди ёлғиз муродим – сизни бир кўрмоқ, сиз билан икки оғиз сўзлашмоқдир. Агарда бу бахтсиз дўстингизни унутмаган бўлсангиз, хатни ўқитдиргандан сўнгра Унсинойни юбориб, бу тўғрида ўз фикрингизни билдирасиз. Дардли кўнглимни хушнуд қилгайсиз. Гулнорингиздан салом. Ушбу номани ёзиб бергувчи кўзи ёшли, кўнгли нолон бир қиздан ҳам Йўлчибой акага салом, қитмир-қитмир...”

Ёт пошналар остида эзилган чашмадан тинимсиз оққан кўз ёшларни Ойбек ана шундай қоғозга туширган. Лекин менинг хаёлимда бу “қитмир-қитмир” ўрнашиб қолганига кўп замонлар бўлди. Хат сўнгидаги бу “қитмир-қитмир” ҳар гал менга жуда сирли бўлиб туюлар, аммо унинг маъносини билмасдим. Анча-мунча одамлардан сўраб ҳам жавоб ололмадим. Луғатлардан ахтариб ҳам луғавий маъносини тополмадим. Лекин ҳар гал шу сўз эсимга тушса, худди қилинмай қолиб кетган зарур бир ишдек армон уйғотарди менда. Нима экан-а, бу “қитмир-қитмир” дегани! Ўзимча, кўп маънолар бериб чамалаб кўрар, лекин ҳеч биридан қониқмасдим. Бунга қарангки, яқинда Москвада икки жилдлик “Дунё халқларининг афсоналари” деб аталмиш ноёб бир қомус нашр этилди. Мазкур қомуснинг биринчи жилдини варақлаб ўтириб, Асҳобул

Каҳф деган мақолага кўзим тушди. Унда, таъқибчилардан қочиб, мағорага кириб кетган етти йигит ва уларнинг қўриқчи ити ҳақидаги жуда қадимий ривоят маълумотлари келтирилган. Бу итнинг оти Қитмир экан. “Баъзи бир мусулмон мамлакатларида, – деб гувоҳлик берилади китобда, – мактуб йўқолиб кетмаслиги учун унинг тагига яхши ният билан, “Қитмир” деб ёзиб қўяр эканлар”. Мана шу маълумотни ўқиганимдан

▽ “Қитмир” сўзининг маъносини қидирганман. Уни илк бора болалигимда аммамдан эшитганман. Аммам саводхон аёл – аёллар даврасида Аллоҳнинг муборак исмларини қироат билан ўқир, маъноларини тушунтирар, Қуръон ривоятларини айтар эдилар. Диний эътиқоди угун таъқиб қилинган йигитлар қиссасини ҳам йиғлаб-йиғлаб ўқир, тафсир қилардилар. Бу йигитларни горда қўриқлаган итнинг лақаби Қитмир дердилар. Қитмирда илоҳий бир мужда бордай сўйлардилар. Қитмир илоҳиятнинг сирига бурканган эди. У ахир имон-эътиқодни қўриқларди. Ўша вақтларда бу сўз ўзининг ноёблиги билан, жарангдорлиги билан ёдимга қолган эса-да, мен унинг маъносини тушуниб етмаганман.

кейингина, Гулнорнинг мактуби сўнгидаги сўз маъносини тушуниб етдим. Аммо шу бир сўзни тушуниб етгунимча, орадан неча ўн йиллар ўтиб кетди... Чиндан ҳам, устоди комил Фафур Фулом айтганидек:

*Беш йиллаб шогирдлик умрин яшайди  
Созга қўшилгунга най бўлиб гаров.*

Билдим деб, хотиржам бўлмаслик ва билмадим деб, бутунлай ташлаб қўймаслик – маърифат ҳам камолотнинг узун, туганмас нурли йўли назаримда мана шу. Ёш Дўстларим буни доимо ёдларида тутсалар экан...

Зотан, замонлар қаъридан бизгача етиб келган бирдан-бир маънавий мерос ҳам, замонларга биздан етиб боргувчи бирдан-бир маънавий мерос ҳам – китоб!

У замонларга йўлловчи маёқдир.

“Ёшлик” 1982/7-сон



*Р*ўзика ҚЎШЖОНОВА  
2002 йили Хоразм вилоятида туғилган.

## *Т*АБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

*Т*абият бағрида ором олар тоғ  
Руҳимни уйғотиб илҳом келади.  
Куйлайман гулларнинг ифорин ҳидлаб,  
Шамол соғим силаб майин елади.

*Қ*ушлар жўр бўлади қўшиқларимга,  
Шеърларимни тинглаб, ором олади.  
Тогдан тушаётган зилол сув бирпас  
Тўхтаб, ашъоримга қулоқ солади.

*З*улфимни тарайди, ўрар булбуллар,  
Бутун борлиқ, олам бугун ўзгага,  
Баҳор таровати менинг боғимда,  
Хазонрезгилик, энди, хайр кузгага!



**Абдуқаноим Йўлдош,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими

1962 йили туғилган. Тошкент  
политехника институти (ҳозирги  
Тошкент давлат техника  
университети)ни битирган.  
“Сунбуланинг илк шанбаси”,  
“Тимсоҳнинг кўз ёшлари”, “Бир тун  
ва бир умр”, “Алвидо, гўзаллик”,  
“Банкир”, “Пуанкаре”, “Ҳали вақт  
бор” каби китоблари чоп этилган.

Расмларни Аслиддин Калонов тизган.

Abduqayum  
YO'LDOSH

O'zbekiston xalq shoiri

Osmon  
og'ushi

Qissa

Адирда ўтлаб юрган молларга Аваз қараб турадиган бўлгач, болалар чувиллаб тепаликка кўтарилишди.

Собир белига боғланган арқонни ечиб, сарғайган майсалар устига узун қилиб ташлади. Қолганлар мана шу ўзига хос старт чизигига юмалатиб келинган трактор балонлари ичига кўзойнакли Усмон билан Эралининг жойлашиб олишига кўмаклашишди.

Собир бир қўлини юқорига кўтариб буйруқ берди:

– Диққат! Кўзни юмиш йўқ. Бир, икки, уч, етти... Кетди!

Балонлар куч билан қуйига юмалатиб юборилгач, болалар бақирчақир билан уларнинг ортидан чопишди.

Йўлидаги дўнгчаларга, тошларга урилиб, сакраётган балонларнинг тезлиги тобора ошиб борарди. Уларнинг ичида ғужанак бўлиб кетаётган, кўз олдиларида еру осмон шиддат билан айланаётган Усмон билан Эралига ҳавас қилиб бўлмасди.

Ниҳоят балонлар ялангликка тушиб келгач, тезлиги пасайди, чайқалиб, майсалар устига қулади. Уларнинг ичидан Усмон билан Эрали гандираклаб чиқиб келишди. Бироқ ҳали синов тугамаган эди. Собир арқонни яна ерга ташлади:

– Етти қадам. Тўғри ўтган ютади. Бошладик!

Турган ўрнида чайқалиб кетаётган Усмон арқонни босиб юра бошлади, Эрали унга эргашди. Болалар гала-говур билан далда беришарди:

– Бўл!.. Оз қолди, Усмон!.. Олдинга қара, Эрали!..

Арқоннинг ярмига етганда Усмон гандираклаб, бир томонга сурилиб кетди, оёғи чалишиб, ерга ўтириб қолди. Болалар афсусланиб гувранишди:

– Эҳ-ҳ... Етай дегандинг-а!..

Эрали қийналиб бўлса ҳам тўғри юришда давом этди. Нафаси ичига тушиб кетган болалар энди унга диққат билан қараб туришарди. Ахийри Эрали арқоннинг охирига етиб келди, ҳансираб, чуқур нафас олгач, энгашиб, қўлларини тиззасига тиради. Болаларнинг шодон ҳайқриқлари янгради:

– Қойил!.. Дорбоз бўлиб кет-э!

Жаҳддан ранги кўкариб кетган Усмон жўрабошига им қоққанди,  
буни тушунган Собир дарҳол қўлини кўтарди.

– Жим! Ҳали ўйин тугамади! Бу биринчи тур эди.

– Қанақасига? – ҳайрон бўлиб сўради Турсун.

– Шунақасига! Иккинчи тур Ажинакўприкда!

Буни эшитган Эралининг сесканиб кетганини зимдан кузатиб турган Усмон мамнун бўлиб, ўрнидан турди.

– Майли, кетдик эмаса.

Эрали довдираб қолди:

– Йўқ... мен бормайман. Биз... биз бунга келишмагандик.

Собир ўз билганида туриб олди:

– Келишгандик. Қулоқни тозалаб юриш керак, жўра!

Эрали атрофга ночор аланглади:

– Мен... молга қарашим керак.

Усмон адирда таёққа суюниб ўтирган болакайга қараб қичқирди:

– Аваз!

Аваз кафтини соябон қилиб шу тарафга ўтирилди:

– Нима дейсиз?

– Яна бир соат қараб турсанг “кола”га кўшиб иккита морожний ҳам обераман.

Аваз хурсанд бўлиб жойида ирғишлади:

– Қоғозга ўралганиданми?

– Ўралганидан.

– Бўпти!

Собир Эралига қаради:

– Мана, масала ҳал бўлди. Энди борасан, а?

Эсанкираб қолган Эрали зўр бериб жўялироқ сабаб қидирарди:

– Э, йўқ... мен... ҳалиги...

– Сўқишда қочиш бўлмайди, жўра, мард бўлсанг охиригача туриб бер, – насиҳатомуз оҳангга ўтган жўрабоши тўсатдан болаларга кескин буйруқ берди. – Олдик!

Навбатдаги мусобақа завқини ўйлаб ҳаяжонга тушган болалар жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатишга уринаётган Эралини тоғ томонга судраклаб олиб кетишди.

Бир замонлар, аниқроғи бундан ярим асрча муқаддам ҳашар йўли билан тоғ ёнбағридаги кенг ва чуқур жарлик устига ёғоч-тахталардан омонат осма кўприк қурилган. Вақт ўтиши билан ёғочлари чириб, арқонлари қуруқшаб-мўртлаша бошлаган кўприк ҳар йилбошида оқсоқоллар раҳбарлигида амал-тақал таъмирлаб қўйиларди. Бироқ ўн беш йилча бўлиб қолди, беш-олти чақирим пастга замонавий темир-бетон кўприк қурилдию, бунисига эҳтиёж қолмади. Тубсиз жар устида лопиллаб қолган, тахта-ёғочларини ўт-ўсимлик босган, шамол эсган маҳаллари ожизона ғийқиллаб қўядиган кўприк катталарга болаларни кўрқитиш воситаси бўлиб қолди: “У томонга борма, ажиналар бор... Ажина йиглаб чақиради-да, кейин сени алдаб олиб кетиб қолади...” ва ҳоказо. Алал-оқибат унут кўприк шу ваҳимали гап-сўзларга мутаносиб тарзда “Ажинакўприк” деб атала бошланди.

Мана шу кўприк ёнида гердайган Усмон билан ранги қув ўчган Эралини қолдирган болалар икки-уч қадам ортга чекинишди.

– Диққат! – эълон қилди Собир. – У бошига биринчи бўлиб бориб келган ютади! Бир, икки, уч, етди... Кетди!

“ – Ўв, Иззат! Иззатинг битди. Тезда чойни янгила! Бўлмаса, ҳозир чойнак ўзи учиб боради, – дўқ қилди Анварали.  
– Кетяпман, шеф! – Рустамга сўроқ назари билан қаради, – бир қовурғасини санаб қўймайсанми? ”

Усмон биринчи қадамини қўйган палладаёқ кўприк ваҳимали лопиллаб кетди. У эҳтиёткорлик билан юришда давом этаркан, ортига ўгирилиб, Эралига мазахомуз қаради:

– Марҳамат, ўртоқ!

Кўзлари олайиб, пешонасига совуқ тер тошган Эрали ноилож кўприкка қадам қўйганини кўрган Усмон атай чайқалиб кетгандай бўлиб, кўприкни қаттиқроқ лопиллатди. Қўрқаётганини сезди-масликка уринган кўйи иккинчи, кейин учинчи қадамини босган Эрали беихтиёр куйига қарадию, тубсиз жарни кўриб, боши айланиб кетди.

Турсунали кўлларини кўвача қилиб бақирди:

– Жўра, пастга қарама! Қарама пастга...

Эрали шошиб бошини кўтариб ўзига ҳамон мазахомуз тикилиб турган рақибини кўргач, омонат кўприк четидаги арқондан маҳкам ушлаганча юришда давом этди.

Қадамини тезлаштирган Усмон Эрали масофанинг ярмига етганида кўприкни янада қаттиқроқ лопиллатиб юборди. Йиқилиб тушишига бир баҳя қолган Эрали жон ҳолатда чўккалаб ўтириб қолди, арқонга ёпишиб, даҳшат огушида куйига қаради.

Болалар чувиллашди:

– Ютқазди!.. Ютқазди!.. Тур!.. Пастга қарама...

Эрали ўрнидан туришга уринди, аммо оёқлари қалтираб, буни эпловмади. Бу орада жарнинг нариги лабига бориб қайтаётган Усмон унинг ёнида тўхтаб, энгашди-да, нафрат ва ғазаб билан, тишлари орасидан шивирлади:

– Агар яна бир марта Нафисанинг олдида кўрсам, ўлигинг шу ерда қолади! – Шу таҳдиддан кейин у жилмайиб, кўлини узатди, баланд овозда сўради: – Ёрдамлашворайми, ўртоқ?

Эрали кўлини чўзган маҳал Усмоннинг кескин ҳаракати боис кўприк яна лопиллади. Усмон дарҳол кўлини тортиб олиб, атрофга аланглади ва ваҳима билан эълон қилди:

– Ёғочлари чириб кетибди. Икки кишини кўтаролмайди-ёв.

Усмон чақонлик билан Эралининг ёнидан сирғалиб ўтди ва болаларнинг шовқинли далдалари остида илдам юриб кўприк бошига, жойларида сакраб “Ура!” деб бақираётган болалар ёнига келди.

Собир Усмоннинг кўлини баланд кўтарди:

– Усмон ютди!

Болалар жўр бўлишди:

– Усмон ютди!.. Ютди!.. – Кимлардир мағлуб томонни мазахлашга ўтди: – Эрали – қиз бола! Қиз бола!..

Собир кўлини кўтариб, ҳаммани жим қилди:

– Қизларни ҳақорат қилманглар! Мен аниқ билман, бу кўприкдан қизларам бемалол ўтади! Иккита отни кўтаради бу...

Турсунали жаҳл билан жўрабошининг гапини бўлди:

– Бўлдида-эй энди! – Сўнг Эралига ўгирилди: – Эрали, қайт энди.

Собир мағлубнинг устидан кулишда давом этди:

– Ё ёрдамлашворайликми, жўра?

Эрали аранг жавоб қайтара олди:

– Йўқ... ўзим...

Усмон кўзойнагини тўғрилаб олиб, баланд овозда эълон қилди:

– Мендан ҳаммага морожний! Иккитадан!

– Уре-е-е!.. Кетдик!

Болалар Усмон бошчилигида пастга чопишди. Ёлғиз ўзи кўприк ўртасида қолган Эрали шунча қарамайман деса ҳам барибир тубсиз жардан нигоҳини узолмас, нимадир, иродасидан, онг-шууридан ҳам кучлироқ бир куч уни пастга чорлаётгандек, авраб-имлаётгандек, мудҳиш хотирани кўз ўнгида намоён қилаётгандек эди.

Ушанда куз эди. Намозшом палла ота-бола тўйдан қайтишди. Тоғ ёнбағрига яқинлашганлари маҳал изғирин шамол эсиб, кўкда момоқалдироқ гумбурлади. Қашқа ҳуркиб кетди. Фани ака жиловни тортиб, уни тинчлантиришга уринди:

– Ҳа, жонивор-а... Ўзи шу тўйга оёғим тортмагани-я...

Тўсатдан жала куйиб берди. Ота-бола бирпасда ивиб кетишди. Тишлари такиллаётган Эрали базўр гапира олди:

– Оз қолди, ота.

Фани ака тоққа томонга ташвишланиб қараб кўйди:

– Ишқилиб, кўчки-пўчки кеп қолмасин-да... Йўлни кесиб чиқмасак бўлмайдиганга ўхшайди, улим.

Чақмоқ чақдию, унинг бир лаҳзалик ёруғида тоғдан шиддат билан тушиб келаётган қора кўчки кўринди. Фани ака ваҳимага тушиб:

– Эрали, маҳкам ушла! – дея бақирганча отига қамчи босди: – Чу! Чу, жонивор!..

Эрали отасининг белидан қучоқлаб олди. Қашқа сирпанчиқ йўлда елиб кетди. Навбатдаги чақмоқ ёруғида кўчки анча яқинлашиб қолгани кўринди. То бетон кўприкка қадар етиб боролмасликлари равшан эди.

– Ажинакўприкдан ўтамиз! – деган қарорга келди Фани ака. – Мени маҳкам ушла!

Эрали:

– Ота! – дейишга улгурди, холос. Фани ака Қашқани кўприк томон қайириб, қамчи урди.

От Ажинакўприкка етиб келган маҳал бирдан тўхтаб, аянчли кишнади, иккала оёғини юқорига кўтарди. Фани ака Қашқани бош-кўзи аралаш аёвсиз қамчилайверди:

– Чу! Чу дейман!

Бу зарбаларга чидай олмаган от ўзини Ажинакўприкка отдию, лопиллаётган осма кўприкдан тойиб-суриниб ўтаётиб, нариги қирғоққа етай деган маҳал мункиб кетди. Ҳалиям Фани ака Қашқадан учиб кетгудай бўлган Эралини жон-жаҳди билан ушлаб қолди. От гавдасининг бир қисми пастга, тубсиз жарга осилди.

Эрали чинқириб юборди:

– Ота!

– Ҳозир, болам, ҳозир. Қўрқма! Фақат сен қўрқма!..

Фани ака Қашқанинг гавдаси тобора жар томон силжиб бораётганлигини кўриб-сезиб турарди. Шу боис ота жон алпозда Эралининг биллагидан чангаллаб, улоқни рақибидан тортиб олгандай ўрнидан юлқиб олди ва қирғоққа қараб отди:

– Ё пирим!..

Эрали лой қирғоққа учиб келиб тушди. Бироқ бу ҳаракат отнинг гавдаси янада кўпроқ жар томонга осилишига сабаб бўлди. Фани ака оёғини узангидан чиқармоқчи бўлди, аммо иккинчи оёғини Қашқанинг гавдаси босиб қолганлигини кўриб уриниши бенаф эканлигини сезди.

Фани ака момоқалдироғу чақмоқ овозларини босгудай бўлиб бақирди:

– Қоч, болам! Қирғоқ ўпирилиб кетади! Қоч...

Қашқа гавдасини тутиб туролмади: тубсиз жарга қулади. Отга қўшилиб Фани ака ҳам пастга учди.

Отанинг тобора сусайиб бораётган овози эшитилди:

– Қоч, болам...

Ногоҳ чақмоқ чақди ва Эрали даҳшат ичида кўзлари олайиб қуйига шиддат билан учиб бораётган, аммо ҳамон зўр бериб ўғлини хавфдан қутқаришга уриниб бақираётган отасини аниқ-тиниқ кўрди.

– Ота-а-а!..

Ҳамон осма кўприк ўртасида, қалт-қалт титраганча чўккалаб ўтирган, баайни қандайдир афсун измида тубсиз жардан кўз узолмаётган Эралининг қулоқлари тагида “Ота-а-а!..” деган садо янгради. Ҳатто мана шу садода ҳам ўсмирни жарликнинг тубсиз қаърига, падари ҳузурига чорловчи мак-корона оҳанглар бордек эди. Бу истак, бу хоҳиш аста-секинлик билан унинг бутун қалбини, онгини ўргимчак тўридек эгаллаб кела бошлаган сайин ўзни қуйига отмоқ, ҳаммасидан бир йўла қутулмоқ, ҳаммасига бир йўла қўл силтаб кетмоқ, ҳаммасидан бир йўла мосуво бўлмоқ ва айни пайтда

барисига бирданига эришмоқликдек ғайритабиий, эҳтимолки қалбнинг қай бир олис пучмоғида, онг остида гимирлаб қолган, қўрқув-ваҳимага асосланган аҳд серҳосил заминга тушган уруғдек ниш уриб, барг чиқарди, оний сонияларнинг ўзида ҳосил ҳам бера бошлади. Бир қадам ва ҳаттоки қадам ҳам эмас, ўзи жон-жаҳди билан чангаллаб олган чирик арқонни қўйиб юбориб, салгина сурилса бас, жар узра бор-йўғи бир неча лаҳзалик парвоз ва сўнг ҳаммасидан қутулади... Ҳаммасидан! Ў, бу балким қанчалар манфур истак бўлиб кўринар, аммо унинг макрига, жилосига дош бермоқликнинг ўзи бўладими?.. Ўсмирнинг арқонни маҳкам чангаллаган қўллари ўз-ўзидан бўшаша бошлади ва айни шу лаҳзада қайдандир бошқа бир, хавотирга тўла таниш овоз эшитилгандай бўлди: “Қўрқма! Фақат сен қўрқма!..” Ҳа, бу Фани чавандознинг овози эди, отасининг овози эди. Ўзининг жонини бериб, унинг жонини қутқарган отасининг овози эди. Овоз тобора кучаярди. “Фақат сен қўрқма!” Бу тирикликка чорлов эди. Баайни қуёш нурлари қуюқ туманни тарқатиб юборгандай, акашак бўлиб қотиб қолган қўл-оёқларига аста-секин жон бахш этганча жумлаи жаҳонда фақат шу хавотирли чорловгина қолди. Овоз қулоқ пардаларни тешиб юборгудай даражага етганида Эрали ортиқ чидай олмади: хўнграб йиғлаганча нажоткор қирғоқ томон эмакларкан, кўз ёшларига фарқ бўлган кўйи тинмай нола қиларди:

– Ота... отажон...

\*\*\*

Бўйнига дурбин осиб, қўлтиғига альбомини қистириб олган Эрали қишлоқ йўлида тонгги шабадада эти жунжикибгина хаёл суриб кетаётганди, кутилмаганда қаршисидан ўроқ тутган синфдоши Нафиса чиқиб қолди. Салом-алиқдан сўнг қиз одатдаги:

– Йўл бўлсин? – саволини берди.

– Бир жойга борётгандим. Хоҳласанг, сениям обораман, – шошиб жавоб қайтарди Эрали.

– Қаерга, билсак бўладими?

Эрали аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

– Айтсам, қизиги қолмайди-да.

Қиз қўлидаги ўроққа ишора қилди:

– Ўт ўриб келишим керак.

– Кейин ўзим ёрдамлашвораман.

– Ҳм-м... – Нафиса бир зум ўйланиб қолди, кейин Эрали қўлтиғида тутиб турган альбомга ишора қилди: – Хотира дафтарими?

– Шунга ўхшашроқ, – мужмал жавоб берди Эрали.

– Кўрсатсанг, бораман.

– Кўрсатаман, – ваъда берди Эрали. – Фақат борган еримизда. Юр, Нафис.

– Майли...

Кунботар тарафда, қишлоқ ҳудудидан нарида кичикроқ аэродром жойлашганди. Эрали қизни ўша ёққа бошлади.

Икковлон аэродром чеккасида, тизза бўйи ўт-ўланлар орасига ётиб олиб кичик самолёт билан вертолётларни роса томоша қилишди. Эрали альбомига самолёт расмини чиза бошлади. Қизнинг қўлидан дурбин тушмасди:

– Вуй, зўр экан!

Эрали маъқуллади:

– Зўр, зўр...

Нафиса альбомга қаради:

– Ҳаммасини ўзинг чизганмисан?

– Йўқ, журналлардан олинганлариям бор.

Эрали альбомни варақлаб кўрсатди. Унинг саҳифаларига газета-журналлардан қирқиб олинган самолётлар, вертолётлар фотосуратлари ёпиштирилган. Кўплаб саҳифаларда эса рангли қаламлар, бўёқларда чизилган расмлар. Эрали шавқ билан самолётлар ҳақида билганларини гапира бошлади.

Тўсатдан альбом саҳифасига соя тушди. Эрали ажабланиб бошини кўтарди. Эллик ёшлардаги, қорни тўнтарилган қозондай семиз, юзи офтобда қорайиб кетган, сочи тақир олинган, кенг шляпа кийган шопмўйлов Фармон фермер ўз кўзларига ишонмаётгандай болаларга очган оғзини ёполмасдан, ажабланиб қарар турарди.

– Ҳой, бу нима қилганларинг, а? – ниҳоят забон битди фермерга. – Куппа-кундузи-я!

Эрали билан Нафиса илкис ўринларидан туришди.

– Уят-пуют борми ўзи сенларда? – Фармон фермер қизнинг гижим кўйлагига шубҳаланиб қаради. – Роса, а...бир-бирларингни, а...

Эрали тушунтиришга уринди:

– Фармон ака, биз...

– Гапирма-е, бадбахт! – ўшқириб берди фермер. – Ҳаммаси кўриниб турибди-ку. Сен болани танидим, раҳматли Ғани чавандознинг улисан! Бу қилигингни кўриб, отанг гўрида тик тургандир ўзиям...

– Фармон ака...

– Гапирма, дедим! Гапирма-е! Башарангга совораман! – Эралига мушт ўқталиб кўйган фермер энди Нафиса диққат билан тикилди. – Сен... сен келбатингдан Солиҳа момонинг неварасига ўхшаб турибсан. Ҳозир тўппа-тўғри момонинг олдига бораман-да, устларингдан чиқиб қолганимни айтиб бераман... Ўзиям терингга сомон тикар, уятсиз! Шу ёшингда эрсираб қолдингма, а?

Бу гапни эшитиб, юзи ловуллаб кетган Нафиса бир лаҳза каловланиб-анграйиб қолди, кейин ҳўнграб йиғлаб, кафтларини юзига босганча қишлоқ томон чошиб кетди.

Қиз ортидан қараб қолган Фармон фермер мамнун ишшайди:

– Қўрқиб кетди. Айби бор-да, айби. – У Эралига ўтирилди. – Қани, Ғани жўрамнинг ули, гапир-чи, пана-панада шуйтиб юрибсан экан-да, а?

– Фармон ака...

– Гапирма, дедим! Гапирма-е! Оғзингни очсанг совораман! Ҳозир туври милисага бораман-да, барисини айтиб бераман. Кейин нима бўлади? – Фермер бармоқларини панжара қилиб кўрсатди. – Туври мана бу ерга опкетишади! У ерда сенга ўхшаганларни нима қилишларини эшитганмиз, ҳа, эшитганмиз.

– Биз ахир...

Аммо фермер Эралини оғиз очгани кўймасди:

– Ўчир овозингни-е! – У майсалар устида ётган дурбинни кўлига олди. – Бу нима, видеога олади-ганми?

– Йўқ. Бинокль. Дурбин.

– Ҳа. Биламиз, биламиз. – Фармон фермер дурбинни кўзига яқин олиб бориб, қишлоқ томонга қаради. – Ҳали чошиб кетяпти бу энағар. Ёмон абжир эканда бунинг, а? Момоннинг олдига ўзим бормасам бўлмайди барибир. Билиб кўйсин кўйнида илон асраётганини.

– Фармон ака. Илтимос...

Фермер дурбинни бўйнига осиб олди:

– Буни жиянларинг ўйнар.

– Олаверинг...

Фармон фермер яна ўшқирди:

– Шу билан қутулмоқчимисан ҳали? Сен бола бу ёққа юр-чи...

Фармон фермер шоша-пиша альбом, ўроқни кўлига олган Эралини ғалла даласига бошлаб кетди. Дарвоқе, Эрали эслади: аэродромга туташ дала шу кишига қарашли эди.

Икки томонида дарахтлар бўй чўзган бетон нов бўйида дала шийпони жойлашган. Шийпон ёнида чала қурилиш: афтидан, алоҳида ошхона қурилмоқда.

Фармон фермер Эралини тупроқ уюлган ҳандақ ёнига бошлаб келиб, аввал бўш пақирларга, сўнг бетон новга ишора қилди:

– Сувни анов ердан ташийсан. Лойни шундай қориб ташлаки, хамирдай юмшоқ бўлсин. Ушлаган пайтинг, ҳи-ҳи-ҳи, қиз боланинг чочидай майин бўлсин. Тушундинг, а? Ўзим текшириб кўраман.

Эрали тупроқ уюмига қаради. Эҳ-ҳе... Аммо на илож.



– Бўпти, – деди у шимининг почасини қайириб, кўйлагини ечаркан.

Фермер писанда қилиб қўйди:

– Ҳалиям отангнинг хурматига индамадим, бола... Бу яхшилигимни унутмасан...

\*\*\*

Шу билан Эрали ярим кечаси уйга бурнидан тортса йиқилгудай аҳволда, қотиб қолган белини ушлаганча букчайиб кириб келди.

Она-бола кўрпа қавиб ўтиришган экан. “Тиқ” этса эшикка қараётган Ойгул хола сал энгил нафас олди:

– Вой, бормисан, болам? Куни билан қаёқда эдинг?

Эрали аранг гапира олди:

– Фармон ака... ҳашарга чақирганди. Гувала кўйишдим. Шунга...

Бармоғига игна санчиб олиб, аламини кимдан олишни билмай турган Гулзода тутаб кетди:

– Калланг ишлайдим сенинг? Ҳашар эмиш! Бу ёқда шунча иш турган пайти-я?! Сигирам оч қолиб, куни билан мўъради...

Ойгул хола қизининг гапини бўлди:

– Қорнинг очми, болам?

Гулзода баттар тутақди:

– Ойи, ўйлаб гапиряпсизми? Ҳашарга борган одам қанақасига оч бўлади? Заказ сомса билан ошни кўргандан кейин уйниям эрдан чиқарган-да бунингиз. Далада юрган мой ютади, уйда юрган қон ютади ўзи... – Ҳовли четидаги молхонага туташ усти ёпиқ айвонга боғланган ориқ ола сигир аянчли мўъради, унга бузоқчаси жўр бўлди. Гулзода шу тарафга ишора қилди: – Кўрдингми? Шуларнинг уволи тутади сени...

Опасининг ҳали узоқ жаврашини тушуниб турган Эрали шошиб орага гап қўшди:

– Мен ҳозир, опа. Икки боғ ўриб қўйгандим. Эсимдан чиқибди. Югуриб бориб олиб келаман.

Эрали қўлидаги Нафисанинг ўроғи билан қайтиб кетаркан, дераза раҳида турган нон бўлагини сездирмасдан олиб, чўнтагига солди. Ҳарна-да.

Ойгул хола ўғлига ачиниш қаради:

– Бир кун минг кун бўлмас, болам. Эртан боқиб келарсан.

Асабий Гулзода ойисини гап билан қайириб ташлади:

– Сиз ҳадеб эркатойингизнинг ёнини олаверманг! Оч сигир сутдан қолади... Бор, Эрали, орқанга қайрилмасдан кетавер. Овқатинг ҳам бироз ҳазм бўлади...

\*\*\*

Барибир бу “темир қанот”ларнинг бошқача меҳригиёси бор-да. Уларни кузатмаслик, улардан ҳайратланмаслик мумкин эмас. Ҳаётда битта игнани сувга ташласанг, чўқади-кетади. Бу ерда эса тонна-тонна темир ҳеч зўриқмасдан, укпар ми-соли ҳавога кўтарилади, булутлар бағрида сайр этади. Мўъжиза эмасми бу? Инсон ақл-заковати чўпчакни ҳақиқатга айлантиришининг исботи эмасми бу?.. Шуларни бошқараётган одамларнинг ҳам армони бормикан?..

Эрали аэродром чеккасида, тизза бўйи ўт-ўланлар орасида ётиб олганча самолёт-вертолётларни ҳавас билан томоша қиларкан, альбомига уларнинг расмини чизишга уринади.

Аэродром биқинидаги галла даласига яқин жойда яланг ўтлоққа арқонлаб қўйилган сигири бир силтанганида қозиқ ердан суғурилганинию, сигир галла даласига шошганини машғулоти-га берилиб кетган Эрали кўрмай-сезмай қолди. Аммо тасодифлар занжири бугун ўсмирга қарши ишлаётганди. Кун иссиқлигига қарамасдан қора костюм-шим кийган, энли бўйинбоғ таққан вакил қора хизмат машинасининг орт ўриндиғида чанг ва терга ботиб келаётган маҳали буғдойга тушган сигирни кўриб қолди-ку! Вакилнинг кўзлари ко-сасидан чиқиб кетгудай бўлди. Бу нима деган гап ахир?

– Тўхтат-чи.

Машина тўхтади. Вакил шошмасдан машинадан тушиб, чўнтагидан ёндафтарча билан ручкасини чиқарди. Бу иссиқда дала бошига вакилдан бошқа ким ҳам келарди? Машҳур машинани кўрган заҳоти Фармон фермер дала шийпонидан оёғини қўлига олиб чопиб келди. Юзидан дувилаб тер қуйилаётган, ҳарсиллаб нафас олаётган фермер иккала қўлини кўксига қўйганча, ним эгилди:

– Асса...

Вакил далага ишора қилди:

– Сеникимми?

Фермер вакил кўрсатган томонга қаради ва буғдой ичида бемалол юрган сигирни кўриб, жиноят устида қўлга тушгандай типирчилаб қолди:

– Йўқ-йўқ, ўлипманми энди, уполномочен акажон. Бу...

Вакил яна фермернинг гапини бўлди:

– Қайси валломатники бўлсаям гўштга топшириб юбор! Кечқурун лично ўзимга доложитъ қиласан!

Фармон фермер янаям эгилди:

– Хўп бўлади, уполномочен акажон!.. Келинг, бир пиёла...

Фермернинг гапи учинчи марта кескин бўлинди:

– Бу қайси контур?

– Етмиш иккинчи, уполномочен акажон...

Вакил дафтарчасига ниманидир қайд этиб қўйгач, машинага ўтирди, қудратини намойиш қилмоқчидай эшикни қарсиллатиб ёпди. Машина қуюқ чанг кўтарганча юриб кетди.

Машина анча узоқлашгандан сўнггина эгик қаддини ростлаган Фармон фермер тишлари фи- жирлаб, атрофга аланглади. Шундоққина тупроқ йўл ёнида худди буюртма қилингандай каттагина сўйил ётарди. Фермер сўйилни азот кўтарганча си- гирга отилди.

– Ҳа, ҳаром қотгур!

Самолёт-вертолётларни кўзлари ёниб томоша қилаётган Эралининг қулоғига ногоҳ сигирнинг аянчли мўърагани эшитилгандай бўлди. У учиб ўрнидан туриб, шу тарафга ўтирилди.

Дала бошида сўйил билан унинг сигирининг биқинига қарсиллатиб уриб, шийпон томон ҳай- даб кетаётган Фармон фермер кўринди. Гап нима- далигини тушуниб, юраги орқасига тортиб кетган Эрали шу томонга отилди.

Эрали қулочини кенг ёйганча Фармон фермер- нинг йўлини тўсиб, ялиниб-ёлворишга тушди:

– Жон ака! Фармон ака! Билмай қопман! Хаёлим кетиб қопти. Жон ака, қайтариб беринг сигиримиз- ни. Ўла-ўлгунимча хизматингизни қиламан!

Фармон фермер оғзидан тупук сачратиб бўкир- ди:

– Сен аҳмоқни деб Тошкентдан келган текши- рувчининг хатига тушдим! Ўтга тушдим, бола, ўтга тушдим! Еримни оп қўйса нима қиламан?! Ҳўкимат у, оғзининг бир ели: олади-қўяди! Еримга кўз олайтириб, менга тиш қайраб юрган қанча! Атаганини кимга берарини билмай юрган қанча! Шунга тушунасанми, сен эсипаст?! Мен мисқолаб йиққан обрўни ботмонлаб сочдинг-ку, тентак!..

– Жон ака! Мени тириклай ўлдирманг! Беринг қайтариб... Жон ака! Айтган ишингизни қила- ман... Қайтаринг сигиримни...

Фармон фермер бош бармоғини иккала бар- моғи орасига тикиб кўрсатди:

– Мана сенга сигир! Нима, кечқурунги нарядда ўзимни топшираманми гўштга?..

Фармон фермер сигирни ҳайдаб кетаётганини кўрган Эрали жон алпозда арқонига ёпишди. Фа- заби қўзиб турган фермер сўйил билан унинг ел- касига туширади. Эрали “вой” деганча елкасини чангаллаб букчайдию, тупроқ йўлга “гурс” этиб ўтириб қолди. У жон алпозда ўрнидан туришга уринди, аммо оёқлари унга бўйсунмасди.

Эрали тиззалаб бўлса ҳам фермерга етиб олиш- га жон-жаҳди билан ҳаракат қилди:

– Жон ака... жон ака... Ундан кўра мени ўлди- риб кетинг, жон ака... жон ака...

Фермер тезликда узоқлашиб борарди. Эрали ногоҳ тизза бўйи тупроққа “гуп” этиб қулади ва алам билан бошига муштлаганча ҳўнграб йиғлаб юборди:

– Ота... отажон...

Қоронғулик тушган маҳал ариқда оқаётган лой- қа сувга юз-қўлини чайиб олган Эрали уйга судра- либ кириб келди. Ҳовлидаги супада ёнига сут че- лакни қўйиб ўтирган Ойгул хола ўрнидан туриб, челакни қўлига олди. Эралини таниди чоғи, ҳовли четидаги бузоқча шодон маъради.

– Чарчамадингми, болам? – меҳрибонлик би- лан сўради Ойгул хола.

– ...

Ойгул хола бир ўғлига, бир дарвозага қаради, сигир негадир кўринавермасди.

– Говмиш қани, болам?

Эрали бош эгди. Ичкаридан чиқиб келган Гул- зода укасини гап билан ўйиб олди:

– Гапир, тилингни ичинга ютганмисан?

Чекинишга бошқа қўл қўймаган эди. Эрали очигини тан олди:

– Буғдойига... тушган экан... Фармон ака... Фар- мон ака гўштга... топширди...

Ойгул холанинг қўлидан пақир тушиб кетди, да- ранглаган овозни Гулзоданинг чинқириви босди:

– А?

Бу ёмон зарба эди. Телбавор аҳволга тушган, гапиролмасдан, негадир тинмай бош чайқаётган Гулзода пақирни ердан олиб укасининг устига ақдан озган калхатдай бостириб келди-да, пақир билан Эралининг бошига туширди. Пақир яна да- ранглаб кетди. Шундан кейингина энтикиб нафас олган, ранги кўкариб кетган опага забон битди:

– Фармон биттаю битта сигиримизни гўштга топширса, сен индамай туравердингми, гўрсўхта? Ҳеч бўлмаса ош-қатиғимизга шу яраб турибди, де- мадингми?

Эрали индамай бош эгиб турарди. Ваҳимадан адойи тамом бўлган Гулзоданинг бутун вужуди титрарди.

– Индамагансан! Чунки айб ўзингдан ўтган. Молга қарамагансан! Ўйнаб юргансан! Чўмилган- сан! Тўғрими? Тўғрими деяпман сенга?

Эрали яна индамади.

– Гапир, гапир деяпман сенга! Сигир қани? Қани сигир?

Гулзода бу сафар жон аччиғида пақир билан Эралининг бошига урди. Қаттиқ урди. Ўғлига жони ачиган Ойгул хола изиллаб йиғлаб келиб

қизининг қўлига ёпишди, уни маҳкам қучоқлаб олди:

– Қўй! Ўлдириб қўясан укангни!

Гулзода жунунваш қиёфада фарёд чекди:

– Ўлдираман! У аввал бошлаб бизни ўлдирди.

Энди уни ўлдираман!

Гулзода шу ҳолида онасининг қучоғидан чиқди ва бўш пақирни даранглатиб укасининг дуч келган жойига ура кетди.

Эрали чидаб туролмади – хўнграб йиғлаганча тиз чўкиб, бош эгди:

– Уринг! Ўлдилинг мени, опа! Мен айбдорман! Мен... мен... фақат мен... уринг мени, опа... уринг... ўлдилинг...

Туйқус Гулзода пақирни отиб юборганча, бўзлаб йиғлаётган укасини маҳкам қучиб олди. Опанинг кўзларидан ҳам шашқатор ёш оқарди. Болаларининг бошида карахт аҳволда туриб қолган Ойгул хола, ожизона маъраётган бузоқча бу манзарага янада алам, умидсизлик ва чорасизлик бағишлаётгандай эди...

Тун бўйи миужа қоқмай чиққан Эрали тонг саҳарда Ажинакўприкка ёлғиз келди. У кўприкка шахт билан қадам қўйгач, беихтиёр пастга, тубсиз жарга қаради. Кўз ўнгида ёмғирли тун, момоқалди роқ ва чақмоқлар, жар тубига оти билан қулаётган отаси пайдо бўлган Эрали яна бир қадам босганди, кўприк қаттиқ лопиллаб кетди. Йигитча жойида туриб қолди, сўнг аста пастга энгашди. Бир лаҳзадан сўнг у жар тубига учадигандек эди гўё...

Ногоҳ тепада ниманингдир овози эшитилгандай бўлди. Эрали бошини кўтариб кўкка қаради. Мовий осмондан самолётлар карвони ўтмоқда эди. Улар ортида эса пастлаб учаётган вертолётлар.

Эрали бу манзарага лол қараб қолди. Бу недан дарак? Бу ненинг аломати? Наҳот...

\*\*\*

Ҳаёт давом этарди. Яшаш керак эди.

Киши баъзан тасаллига муҳтож бўларкан. Ҳеч бўлмаса ўзинг ўзингга айтадиган тасаллига. Эрали мана шундай йўл тутди: “Сигир гўштга топширилиб кетди, аммо бу охирзамон бўлди, ҳаммаси тугади, деган гап эмас-ку. Яшаш керак...”

Буғдой ўрилди. Режасини ортиғи билан бажарганидан хурсанд бўлиб кетганиданми ёки Фани чавандоз билан эски жўрачилиги ёдига тушдими, балки гўштга топширилган сигирни эслаб хижолат бўлгандир, ҳайтовур, ҳеч қутилмаганда Фармон фермер “капсан ҳақи” дея қўярда-қўймай уйга

тўрт қоп буғдой ташлаб кетди. Унгача Гулзода билан Эрали буғдойи ўрилган даладан уч қанор машоқ териб келишганди. Бунча буғдой билан қишдан чиқиб олса бўлади.

Ишқилиб, ҳаёт давом этарди. Фурсат шу тарзда ўтиб борарди.

Коллежда ўқиш бошланган ҳафтанинг охирида Эрали туман марказига йўл олди. Албатта, опаси билан онасининг қишлоқдошларга кўрпа қавиб, кийим-кечак тикиб бериши эвазига топаётган уч-тўрт сўмини йўлга харжлаш ўзига ўтакетган ноинсофлик бўлиб туюлди. Аммо бормаса ҳам бўлмасди. Ички бир даъват, тушунтириш қийин бўлган ҳавас туйғуси уни сира тинч қўймаётганди.

Муаллимлар тўғри айтишган экан: туман марказидаги болалар ижодиёти саройида бошқа тўгараклар қатори авиамоделчилар тўгараги ҳам ишларкан. Эрали мана шу тўгаракка ёзилиб келди. Машғулотлар ҳафтасига икки марта экан. Эрали чамалаб кўрди: қишлоқдан туман марказигача нари борса ўн беш чақирим келади. Агар қичаб юрса, бемалол икки соатда пиёда босиб ўтса бўлади. Демак, йўлга пул сарфлаш ҳам шарт эмас.

Шу билан Эралининг тўгаракка қатнаши бошланди. Кузда-ку, унчалик билинмаганди, аммо қишга келиб туман марказига пиёда қатнаш анча оғир кечди. Айниқса қаҳратон совуқ бўлганида у бир-икки машғулотга боролмай ҳам қолди.

Ниҳоят кўкламнинг илиқ нафаси келганида Эрали анча енгил тортди. Ҳар қалай, энди бу ёғига чўчимаса ҳам бўлади.

Шундай кунларнинг бирида ўтган тўгарак машғулотида Баҳриддин ака топшириқни бергач, деразага суняганча ташқарига ўйчан тикилиб қолди. Столдаги турли қийқимлардан самолёт моделини йиғиш вазифасини биринчи бўлиб Эрали бажарди. У ўрнидан туриб:

– Бўлди, устоз, – деди.

Деразадан нигоҳини узган Баҳриддин ака яқин келиб самолёт моделини синчиклаб кўздан кечиргач, мамнун бўлиб Эралининг елкасига қоқиб қўйди:

– Баракалла, Фаниев! – Сўнг моделни қайтариб берди. – Энди бунга бир учириб келинг.

Эрали ҳайрон бўлди:

– Қаёққа?

Устоз кулимсиради:

– Ҳозирча шу атрофга.

Эрали моделни бир қўлда баланд кўтарганча самолётни ҳавода учираётгандек ҳаракатлар билан шошиб хонадан чиқди, йўлак орқали ҳовлига ўтаётган маҳал қарши тарафдаги “Инглиз тили тўгараги” деб ёзилган эшикдан папка қўлтиқлаган

Усмон устози билан чиқиб келди.

– Good bye, my teacher! – дея хайрлашди Усмон.

Устоз:

– Good bye, – деди.

Чиқиш эшиги томон юрган Усмон Эралини кўриб қолди.

– Ия, ўртоқ, ўзингмисан?

– Ўзимман, – деди бунақа учрашувни кутмаган Эрали ёқтирмасдан.

– Бу ерда нима қилиб адашиб юрибсан? – Усмон аввал ўртоғининг қўлидаги самолёт моделига, кейин эшикка қаради, яқин келиб тахтачадаги лавҳани ўқиди: – “Авиамоделчилар тўғараги”. – У хуштак чалиб юборди. – Ўҳ-хў! Гап бу ёқда дегин... Авиация... самолёт... осмон... Туя ҳаммомни орзу қилибди-да.

Эрали ўзини синфдошининг пичингини эшитмагандай тутишга ҳаракат қилди:

– Ўзинг нима қилиб юрибсан?

Усмон ҳар бир сўзни таъкидлаб жавоб қайтарди:

– Биз ўз имкониятимизни тўғри ҳисоблаган ҳолда тил ўрганаяпмиз, репетиторга қатнаяпмиз, айримларга ўхшаб осмонга сакрамаяпмиз.

Қовоғи уйилган Эрали йўлакдан ҳовлига чиқди, Усмон унга эргашди.

– Жўра, дарсинг тугаган бўлса юр, кетдик, қишлоққа олиб кетаман. – Усмон ҳовлида ўзини кутиб турган “Нексия”га ишора қилди. – Юрдикми? Ё кутиб тураими?

Эрали бош чайқади:

– Мен... ўзим қайтаман.

Усмон кулимсиради:

– Ҳарна автобус пули эконому, жўра.

– Ўзим қайтаман дедим-ку.

– Ихтиёринг. – Усмон машинага яқин борган маҳал ортига ўтирилиб, кўзойнагини тўғрилаб олди: – Сенга бир ақлли гап айтайми? Эмаклаб юрадиганлар ҳеч қачон учолмайдилар. Шунингдан чиқарма!

Усмон орқа ўриндиққа ўтирди, ҳайдовчи моторни ўт олди, машина оҳиста юриб кетди. Кайфияти бузилган Эрали машина ортидан термулиб тураркан, кабинет деразасидан утози ўзига қараётганини илғади. Эрали шиддат билан ҳовлини айланиб чопди, ҳолдан тойгунга қадар қўлидаги самолётни гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб ўзича уни учирди...

Кейинги машгулотга келаётгани маҳал Эрали узоқдан истироҳат боғида айланаётган улкан чархпалакни кўриб қолди. Кабиналарда ўтирган болаларнинг шўх қийқириқлари ҳатто шу ергаям

эшитиларди. Бир оз иккиланиб қолгач, Эрали боғ дарвозаси томон юрди.

Ҳа, бу ўша боғ эди. Бундан тўрт йил муққаддам бутун синф болалари Наврўз байрамида туман марказига айлангани келишганида кимнингдир таклифи билан ҳамма чархпалакка чиқадиган бўлди. Баландликдан кўрқишини ҳаммадан яшириб юрадиган Эрали сирим ошкор бўлиб қолмасин деган хавотирда баҳона устига баҳона тўқиб ташлаётганини кўрган, бундан шубҳаланган Усмон уни мажбурлаб ёнига ўтқазиб олганди. Кейин... нима бўларди, чархпалак тепага кўтарилган сайин пастдан кўз узолмаётган, тутқичга тобора маҳкамроқ ёпишиб олаётган Эралининг пешонасига совуқ тер тошиб, кўзлари олая бошлади, оёқ-қўллари қалтиради. Усмонга эса шу керак эди. Ўшандан буён у Эралининг кўзини очирмайди, ҳеч гап тополмай қолса атай Эралига эшиттириб аллақандай “фобия”лар мавзусида валақлай бошлайди...

Ўша боғ, ўша чархпалак. Фикридан қайтиб қолишдан чўчиётган Эрали илдам бориб оҳиста айланиб турган чархпалакнинг дуч келган биринчи кабинасига ўтирди. Унинг қаршисидан ўн яшарлар чамаси иккита болакай жой олишди. Кабина юқорига кўтарилаётган маҳал Эрали ҳар эҳтимолга қарши ўртадаги тутқични маҳкам ушлаб олди. Болакайлар эса хурсанд бўлиб ён-атрофга, пастга аланглашади. Жойида қотиб ўтирган Эрали секин қуйига қарай бошлагандаёқ боши айланиб кетди, пешонасига совуқ тер тошди. У кўзларини маҳкам юмиб олди. Болакайлар бир-бирига Эралини кўрсатишиб, пиқирлаб кулишди ҳамки у кўзларини очмади.

– Кап-катта бўлиб баландликдан кўрқаркан, – ўртоғининг қулогига қаттиқ шивирлади биттаси.

Иккинчиси ҳам шундай жавоб қайтарди:

– Биринчи чиқиши бўлса керак-да...

Иzza бўлган Эрали кўзларини очди, ўзини мажбурлаб баланд дарахтларга, осмонга қарамоқчи бўлади, аммо барибир нигоҳи яна пастга қадалди. Юраги орқасига тортиб кетган Эрали кўзларини яна маҳкам юмиб олди, тутқичга жон-жаҳди билан ёпишиб олди. Унинг ранги ўчганини кўрган болалар яна пиқирлаб кулишди. Ниҳоят улардан бири сўради:

– Мазангиз қочяптими? Дўхтир чақирайликми, ака?

Эрали кўзларини очмасдан бош чайқади:

– Керакмас, мен яхшиман.

Алоҳа Эралини баттар ваҳимага солган кўйи баланд нуқтада мангуликка қотиб қолгандай туюлган кабина аста-секин пастга тушди. Ранги

бўздай оқариб кетган Эрали кабинадан чиқасола ўзини кўчага урди.

\*\*\*

Умидсизликка тушган Эралини ваҳима босди: наҳотки бир умр бу лаънати қўрқувдан қутулолмайди. Унда орзулари нима бўлади?..

Дарсдан кейин йигитча ўз-ўзидан Ажинакўприкка келиб қолди. Ҳайтовур, яқин-атрофда ҳеч ким йўқ, демак, унинг шармандагарчилигига ҳам ҳеч ким гувоҳ бўлмайди.

Эрали бу сафар эҳтиёткорлик билан бўлса ҳам кўприкда бир неча қадам ташлагач, қандайдир куч измида барибир пастга қаради: одамнинг бошини айлантириб юборадиган тубсиз жар... У шошиб нигоҳини олиб қочди, ўзини мажбурлаб нариги қирғоқдан кўз узмаган кўйи олдинга юрди ва шу алфозда кўприк ўртасига етиб келди.

Тўсатдан кўприк даҳшатли даражада қаттиқ лопиллади. Чўчиб кетган Эрали салқи арқонга ёпишганча ортига ўгирилди. Кўприк бошида қўлларини белига тираб олган Усмон турарди.

– Мен сенга Нафисанинг ёнига яқинлашма, деганмидим? Дегандим! Агар яна бир марта олдига борсанг, ўлигинг шу ерда қолади, деганмидим? Дегандим. Шунча гапдан кейинам бугун ликиллаб ёнида юрибсан. Ваъда вафоси билан, жўра. Сен бу қисматни ўзинг ўзингга сотиб олдинг. Кўзингни қузғунлар чўқийди энди!

Усмон жаҳл билан кўприкни тепиб, осма арқонларини торта бошлади. Кўприк баттар лопиллади, нари бориб-бери келди. Эрали жон аччиғида ёпишган омонат тутқич синиб кетиб, йигитча йиқилиб тушди, оёқлари ҳавода осилиб қолди.

– Қўрқасан, а? Қўрқасан!.. – бўғилиб бақирарди Усмон. – Сенинг бу ерга келиб, машқ қилиб юрганингни кўрганлар бор. Ўзингча ботир бўлмоқчи бўлгансан-да. Лекин мана, кунлардан бир куни тап этиб қулаб тушдинг-у, жарга учдинг... Палакат-да, палакат... Нимаям қилардик...

Усмон пастга эниб кетди.

Гавдасини тубсиз жар ўзига тортаётган Эралининг тахталарга чангақдай ёпишган қўллари тобора бўшашмоқда эди. Шу пайт осмонда таниш овоз эшитилди. Эрали кўкка қаради. Мовий осмонда ёлғиз самолёт.

Эрали бир муддат эмин-эркин учаётган самолётни кузатди. Сўнг тиришиб-тирмашиб гавдасини ўнглагач, ҳансираб нафас олганча бир муддат узала тушиб ётди. Шундан кейин қирғоқ томон эмаклай бошлади...

Тинка-мадори қуриган Эрали кўчасига қайрилган маҳал йўл бошида турган таниш машинани кўрди. Рудда Усмоннинг ўзи эди.

Усмон ўшшайиб унга қараб турди-турди, сўнг жаҳл билан калитни буради ва машинасини Эралининг ёнидан катта тезликда, ҳаммаёқни чангга кўмиб ўтди-кетди.

Эрали кейинги машғулот учун баланд чўққини танлади. Аввалига чўққининг тик ёнбағридан қуйига каттароқ бир тошни ташлади. Тош узоқ учди, ахийри унинг пастда бошқа тошга бориб урилгани эшитилди. Эрали ўзи ясаган самолёт моделини қўлига олди ва учаётгандек ҳаракатлар қилиб чўққинда уёқдан-буёққа чопаверди, чопаверди.

\*\*\*

Эрали туман марказидаги беш қаватли уй ёнидан ўтиб бораётган маҳал томдан қора тутун кўтарилаётганини кўрди. Ишчилар сақич тўшашмоқда экан.

Ана, кексароқ ишчи том лабига келиб хотиржам ўтирди. У қоп-қора пақирни ёнига қўйиб, телефонда ким биландир гаплашаётган маҳал қўли тегиб кетди шекилли, пақир пастга тушиб кетди.

Бир ўт-ўланлар орасига “поп” этиб тушган пақирга, бир ишчига қараган Эралининг хаёлига бир ўй келди. У пачақ бўлган пақирни олиб подъезддан юқорига кўтарилди, охири қаватдаги нарвондан томга чиқди-да, тўғри кекса ишчининг ёнига борди.

– Ҳорманг.

– Бор бўл, болам, – деди телефонини ички чўнтагига жойлаётган ишчи.

Эрали пақирни тутди:

– Бу сизникими?

– Э, бу сабилни ташлаб юборсанг ҳам бўларди. Овора бўпсан-да. Лекин барибир раҳмат.

Эрали пақирни бергач, оҳиста юриб том четига келди, эҳтиёткорлик билан пастга қаради. Уни зимдан кузатиб турган кекса ишчи сарғайган мўйловини силаганча мийиғида илжайиб қўйди. Йигитчанинг ногоҳ чўчиб ўзини четга олганини кўрган ишчи унинг ёнига келди.

– Қўрқинчлими?

Эралининг тан олгиси келмади:

– Сал-пал.

Ишчи худди ҳовлидаги супага ўтиргандай хотиржамлик билан том лабига ўтирди.

– Эр йигит қўрқувини энгиши керак. Айниқса, – у юрагига ишора қилди, – мана бу ердагини эмас, – ишчи пешонасига ишора қилди, – мана бу ердагисини.

Эралининг ўзига ҳайрон бўлиб тикилиб қолганини кўрган кекса ишчи мулоим жилмайиб, дўстона кўз қисиб қўйди.

Эрали саҳар палла уйғониб кетди. Уфқ энди ёришиб келмоқда эди.

У спорт кийимларини кийиб кўчага чиқди-да, тоғ томонга бир маромда чопиб кетди. Бирпасда шудрингдан уст-боши ҳўл бўлган Эрали соф ҳаводан тўйиб нафас олганча тепаликка югуриб кўтарилгач, аввал тош отиб машқ қилди, кейин чўққи-га лабига келиб қуйига, тубсизликка қадалиб тикилиб тураверди.

\*\*\*

Коллеж битирувчиларига тантанали равишда диплом топширилган куни кечқурун уйда андаккина дилхиралик бўлиб ўтди.

Гапни Ойгул хола бошлади:

– Энди қайси фермердан илтимос қилиб кўрамиз, ўғлим? Қайси бири сени ишга олар экан?

Эрали ўйлай-ўйлай, охири кўнглидагини айтди:

– Ойи... мен аввал бир ўқишга уриниб кўрсам дегандим.

Она-ку, индамади, аммо Гулзоданинг жаҳли чиқиб кетди:

– Ўқишга? Уйда шунча иш турганда сен ўқиш баҳона қочвормоқчимисан? Айтиб қўяй, ҳозир иссиғида ишга кирсанг кирдинг, кейин сени бирон фермер олмайди.

Ойгул хола ҳам бу фикрга қўшилди:

– Августда далада иш ҳам қолмайди-да, ўғлим.

Укасининг мунғайиб бош эгиб қолганини кўрган Гулзода сал ҳовуридан тушди:

– Қўй, Эрали. Ўқиш бойнинг боласига ярашади. Биз икки аёл сенинг коллежни битиришинга кўз тикиб ўтирибмиз. Энди оғзимиз ошга етди деганда ўйинбузуқлик қилма.

Эрали ялинди:

– Ойи... опа... бир уриниб кўрай.

Гулзода азалдан жаҳли тез қиз. Ҳозир ҳам ўзини тутиб туролмай, бақириб берди:

– Ҳов, бола, бўлмайдиган ишга вақтингни кетказиб нима қиласан? Шаҳарга бориб келишнинг ўзи бўладими?! Қадаминг пул.

Ойгул хола орага тушди:

– Ўзи қайсинисига бормоқчисан, болам?

Эрали оғир тин олди:

– Учувчиликка... Узоқ эмас... Жиззахда ўқитишаркан.

Гулзода яна тутди:

– Эсинг кетиб қолибди ўзи сен боланинг! Сен қаёқда-ю, учувчилик қаёқда?!

Эрали ўзини оқлашга уринди:

– Нима қипти? Учувчи бўлсам, бир кун келиб сизларни самолётимда олиб юрсам ёмонми?

Гулзода бўш келмади:

– Ўпкангни босиб ол, бола. Осмонга сакрашдан бурун, йиқиладиган жойингга ҳам бир қараб қўй.

Ҳовлига сукут чўқди. Ҳамма ўз хаёли билан банд эди.

– Опа... – илтижо қилди Эрали.

– Бормайсан! Сенинг шаҳарда ўйнаб келишингга берадиган бир сўмимиз ҳам йўқ.

Яна сукунат. Ойгул хола аста ўрnidан турди, хонага кириб, тахланган кўрпалар орасидан нима-нидир олиб келди.

– Ма, болам. – Онанинг кафтида бир дона энли тилла сирға бор эди. – Биттасини... отангнинг қирқига ишлатгандим. Бунисини сенинг тўйингга деб асраб юргандим... Майли, ўқиш кўнглингда армон бўлиб қолмасин. Бунисот-да...

Гулзода чинқириб юбори:

– Ойи! Барибир киролмайди-ку. Осилган дорини қаранг.

Ойгул хола ўғлига ғурур билан боқиб, жилмайиб қўйди:

– Отасининг боласи-да... Бир уриниб кўрсин, кейин биздан домангир бўлиб юрмайди.

Гулзода барибир ўзини босиб ололмай, тўнғиллади:

– Бунинг пулига тўртта кўзи олсак...

Ойгул хола қўлларини дуога очди:

– Омин, отангнинг руҳи қўлласин сени, болам.

Учовлон кафтларини юзларига сийпашди.

Улар намозшом палла, йўл бўйидаги кекса дароҳ тагида, ҳар тарафга олазарак қараганлари кўйи бир неча дақиқага учрашишди. Қиз Тошкентга бораяпти экан. Эралининг ҳам уриниб кўриш ниятида эканлигини эшитган қиз хурсанд бўлди:

– Ишқилиб, ўтиб кетинг.

– Яхши бўларди. – Эрали кўнглидигани айтиб қолишга шошди: – Ўтиб кетсам... биласанми нима қилардим?

– Нима қилардингиз?

Йигит чуқур нафас олди ва сўзларни дона-дона қилиб, худди тантанали ваъда бераётгандай деди:

– Сени ЗАГСга самолётда оборардим.

Хижолатдан иссиғи чиқиб кетган қиз қўл силтади:

– Қўйинг-э...

Чорраҳа томондан шу тарафга яқинлашаётган одам қораси кўринган заҳоти қиз илдам йўлга тушди:

(Давоми 36–49-бетларда.)

# Adabiy do'stlik MUBORAK BO'LSIN!

Ўриклисойда 5-7 июль кунлари Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари юксак савияда ўтди. Уч кун давом этган семинарда эл-юрт кўнглидан жой олган таниқли ижодкорларининг маҳорат дарслари ташкил этилди. Бу адабиётимиз остонасида турган ўғил-қизларнинг онгу шуурига гўзал хотиралар бўлиб муҳрланди. Юртнинг турли ҳудудларидан келган ёш қаламкашлар

Зомин тоғлари бағрида тенгдошлари ижоди, шахси билан танишди, дўстлашди. Бу ҳолат халқ қаҳромонлари ога-ини киришган Муродтепани ёдга солади. Ёшларнинг адабий дўстлиги муборак бўлсин!

Сирасини айтганда, семинар бир неча янги номларни кашф этди. Фақат уларга Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, созию овози ўзиники бўлишини тилаймиз, холос.



Ҳамма бирдай кузатиш имконига эга бўлган ҳодисанинг ўзгалар илғай олмайдиған жиҳатларини кўра билиш – ижоднинг, ижодкорликнинг асосий шарти. Адабиётшунослик ва адабий танқид ҳам шундай. Муайян бадиий асарнинг оддий ўқувги англаши қийин бўлган инжа маъноларини, рамзлар замиридаги ҳақиқатларни айна адабиётшунос таҳлил ва талқин этади. Натижада асар ўқувги кўз ўнгида ўзгага рангларда намоён бўлади. Зомин семинарида адабиётшуносларнинг навқирон вакиллари билан ана шу хусусида суҳбатлашилди.

**Нурбой Жабборов,**  
профессор



Зомин семинари ёшлар угун ҳақиқий тажриба мактаби, изланишлар йўлида имконият майдони бўлди. Ишонамизки, иштирокчиларимиз келгусида Ўзбек миллий академик театри саҳнасида қайта-қайта қўйилса-да, эскирмайдиган асарлар ёзишади.

**Эркин Хушвақтов,**  
драматург

Бугунга қадар бир неча адабий анжуманларда қатнашганман, аммо бунақасида биринги бор. Назаримда, семинар юқори савияда ўтди. Устоз ижодкорларни кўриб, яшнаб кетдим. Яна уларнинг биз билан мулоқотларидаги самимийлик ва қувноқлик ҳам бизга куз берди. Оқшом мушоираларидан сўнг умримда кўп дилбарликлар борлигини билдим. Зомин диёрининг салқин ҳавоси, бепоён кенгликлари, шаршаралари-да бизнинг келишимизга кўнгил байрами угун ҳозирлангандек туюлди.

**Бахтинисо Маҳмудова,**  
Қашиқадарё вилояти







Ўриклисойда ўтган семинар адабиётга ҳавасманд баркамол авлод қалбида сўнмас хотира бўлиб қолиши аниқ. Ахир, юртимизнинг турли ҳудудларида яшайётган истеъдодларни атроф-жаво-ниби тоғу адирлар билан ўралган, зилол сувлар шарқираб оқайётган соя-салқин бир гўшага тўйлаб, ёзган-тизганларини катта адибу шоирларимиз муҳокама қилиб турса, бундан ортиқ бахт борми!

**Шохрух Абдурашулов,**  
Тошкент шахри



Семинарда тенгдошларимизнинг кўпчилиги билан биринчи марта кўришайётган бўлсак-да, бир-биримизни аввалдан танийдиган қадрдон дўстларга ўхшардик. Бизни олис манзиллар, тоғлару дарёлар ажратиб турса ҳам, ўртамизда ҳамфикрлик, ўй ва қарашларимизда уйғунлик бор эди. Аслида биз аллақазонлар дўстлашган, ижодий ишларимиз билан аллақазонлар танишган эканмиз.

**Азизхон Имомов,**  
Тошкент вилояти



Кутилганидан ҳам аъло!

Бу гап анжуманнинг хулосасида узтозлар ва иштирокчилар томонидан бот-бот айтилди. Аслида ҳам буни бошқага ифодалаб ҳам бўлмасди. Мана мисол, Болалар адабиёти шўъбасида қатнашайётган бир нега қаламкашлар ҳатто устоз Анвар Обиджонни ҳам ҳайратга солди. Ёш ижодкорлардаги интилувганлик, зукколик ва ҳозиржавоблик баргамизни (Ашурали Жўраев, Дилшод Ражаб ва каминани) қувонтирганиям рост.

Ижод хусусидаги мулоҳазаларимиз, тавсия этган асарларимиз, қолаверса, ижодий ўғитларимиз билан биз ҳам уларни ҳайратини ошира олдикми-кан?! Ҳамма гап шунда! Зеро, ҳайрат асл ижоднинг аввали ҳисобланади.

**Ориф Тўхташ,**  
шоир



Атрофимизга адабиётнинг ҳақиқий фидойилари ва мухлислари жам бўлди. Ижодкор ёшлар ўзининг ижоди билан бошқаларни яқиндан таништирди. Бу орқали биз кўплаб дўстлар, ҳамфикрлар орттирдик, шеърятнинг юкини теранроқ англадик. Бир сўз билан айтганда, Зомин таассуротлари юрагимизни ҳет қазон тарк этмайди.

**Айдос Муҳаммадияров,**  
Қорақалпоғистон Республикаси

## Tag'in qaytgan emish bog'larga bahor...

\* \* \*

Бу япроқлар бугун-эрта хазон бўлар,  
Кимнинг умри зар, кимники арзон бўлар.  
Бўлса, фақат шу тушларим сарсон бўлар,  
Менга ортга қайтмайдиган сойлар юбор.

Қай кун онам кўзида ёш олиб келди,  
Томгисида синган қуёш ёниб келди.  
Индамади. Лек қўллари нолиб келди,  
Доғ бўлса ҳам дилга ботмас ойлари юбор.

Бу фасллар юрагимни уриб олган,  
Ҳисларимни намозшомда кўриб қолган.  
Ҳам тўхтаган, ҳам озгина юриб толган-  
Ҳаётимга қадим-қадим куйлар юбор.

\* \* \*

Тагин қайтган эмиш боғларга баҳор,  
Тагин ўз сўзида турармиш дунё.  
Бугун кўзимизда муаллақ Сўз бор,  
Ёшларимиз надир, эй Румий бобо?

Бир умид ишқида девона ўтдик,  
Йиллар елкалади, ҳайрона ўтдик.  
Бизам дор остидан вайрона ўтдик,  
Лошларимиз надир, эй Румий бобо?

Умримиз уринган, диллар урилган,  
Улкан оғриқларда қайта яралган.  
Бизнинг бошимизга тегиб ёрилган  
Тошларимиз надир, эй Румий бобо?

Биз-ку кўникканмиз, йўқ зорларимиз,  
Лек биздан розими баҳорларимиз.  
Дардимиз, сабримиз, озорларимиз,  
Дошларимиз надир, эй Румий бобо?



**Бахтинисо МАҲМУДОВА**

1993 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. “Юрт келажаги – 2015” иқтидорли ёшлар танлови ғолибаси. “Ховучдаги юрак”, “Уфққа йўл” номли шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

2017 йил Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан «Йилнинг энг яхши ёш ижодкори» деб топилган. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари иштирокчиси.

Ёш ижодкорларнинг Зомин семинари менда катта таассурот қолдирди. Негаки, бу йилги адабий анжуманда қатнашган йигит-қизлар орасида ижодга тин маънода меҳр қўйган, сўзга ихлос билан қарайдиганлари талайгина экан. Шулар орасида ўзига хос шеърлари билан Бахтинисо Маҳмудова ва Асрорбек Солижоновлар эътиборимни тортди. Бахтинисо захматкаш қиз экан: Ҳазрат Румийдан бошлаб бутун Шарқ мумтоз адабиётини кўп мутолаа қилар экан. Шеърларида ҳам ўша сарғашмалардан озукланган юракнинг ўртанишлари бор. Сўзларни ҳам жиддий эътибор ва ҳафсала билан ишлатади. Шеърларида дард бор, дардки, ўзи англаган, кўнгли ва руҳини безовта қилаётган дард.

# Tush kabi jimirlar bu harir kunlar

## САРАТОН

Саратон аксирар тупроқзор йўлда,  
Ҳасадгўй хотиндай буеланар асфалт.  
Оёқлар галкашиб босолмай илдам,  
Энтиккан эпкинлар сангийди карахт.  
Бошидан сув қуяр сувтегирмонлар,  
Дарахтлар остига қозгар кўланка.  
Соҳилда тўхтаган кемадек шомлар,  
Қуёш солиб турар оламга лангар.  
Қушлар нафас ростлаб турар сездирмай,  
Туш каби жимирлар бу ҳарир кунлар.  
Номаҳрам йигитдан уялган қиздай  
Япрогин қайирар намозшомгуллар...

\*\*\*

Болға билан ойга мих урсам,  
Чўмиг солсам баҳри уммонга.  
Қояларни елкамда сурсам  
Ва қуёшни отсам осмонга.  
Кўйлагимдек ёйсам кундузни,  
Чопонимга тунни қамасам.  
Уруғ каби соғсам юлдузни,  
Дараларда олов қаласам.  
Қамгим бўлиб силтанса дарё,  
Бўронларни кафтимда тутсам.  
Мен барига тайёрман, аммо  
Қани эди сизни унутсам!



**Асрорбек СОЛИЖОНОВ**  
1990 йили Фаргона вилоятида туғилган. Фаргона давлат университети-  
нинг ўзбек филологияси факультети-  
ни тамомлаган.  
Республика ёш ижодкорларининг  
Зомин семинари иштирокчиси.

Асрорбек Солижоновнинг ҳам шеърга шунгаки кўнгили майли деб қарамаётгани яққол кўришиб турибди. Унинг ёзганларини ўқиб, юртни, тупроқни, заминни севишини англагандек бўлдим. Шеърларида сўзларни мажбурлаб ишлатмайди, шунинг узун ҳам сатрларида зўриқиш йўқ; содда, эркин ва самимий руҳ сезилиб туради. Мен шу иккала ижодкор қиёфасида адабиётимизнинг эртанги кунини кўргандай бўлдим. Улар барга устозлари ишонгини оқлаб, жиддий ижод қилиб, адабиётимиз ривожига ҳисса қўшадилар деб умид қиламан. Бу йўлда уларга қалбларини уйғоқ тутувги илоҳий бедорлик ёр бўлишини тилайман.

Зулфия МЎМИНОВА

№ 8 2018 (327)

35

(Давоми. Боши 20–30-бетларда.)

– Майли, мен кетдим. – Кейинги гапини Нафис йўл-йўлакай, аммо йигитга эшиттириб айтди: – Илойим ўтиб кетинг...

Юраги гупиллаб уриб кетган Эрали беихтиёр қиз ортидан талпинди, аммо дарахтга яқинлашиб қолган шарпани илғаб, шу томонда иши бордай қизга тескари тарафга юрди.

\*\*\*

Ҳолва деган билан оғиз чучиб қолмайди, деганларидай, бу билим юртига ўқишга киришнинг ўзи бўлмас экан. Аввал туман ҳарбий комиссариатида жанговар учувчи бўлишни истаган йигитларни тиббий кўриқда элаб ташлашди. Гоҳ у шифокор текширади, гоҳ буниси. Униси “ўтир” деса, буниси “тур” дейди; униси “гапир” деса, буниси “жим тур” дейди...

Хуллас, силласи қуриган Эрали барокамерадан чиқиб, кейинги кабинетга ўтганида кекса шифокор бир йигитчани айланма стулда чирпирак айлантирарди. Ниҳоят стулни тўхтатган шифокор йигитчага полга бўр билан чизилган оқ чизиқни кўрсатди:

– Шундан юринг.

Жойида гандираклаб кетаётган йигитча бир қадам босар-босмас чайқалиб, бошқа томонга оғиб кетди.

– Уф-ф... Бўлмади... Бораверинг. – Шифокор норози тарзда қоғозга белги қўйди. – Навбатдаги.

Шифокор Эралини ўтказган айланма стулни бир неча дақиқа айлантиргач, тўхтатиб, оқ чизиққа ишора қилди:

– Шу линиядан иложи борица узоқлашмай юринг-чи.

Эрали чизиқни тўппа-тўғри, ҳеч бир қийналмасдан, совуққонлик билан босиб ўтганди, шифокор анграйиб қолди.

– Ё тавба... Қани, болам, бери кел-чи. Яна бир синаб кўрсам бўладими?

Эрали елка қисиб қўйди:

– Бўлади.

Шифокор бу гал стулни тезроқ ва узоқроқ айлантирди. Бироқ Эрали яна чизиқни хотиржам босиб ўтди. Талабгорни гоҳ “сиз”лаб, гоҳ “сен”лаётган шифокор ҳовлиқиб уни ҳовлига олиб чиқди. Бу ерда оддий аргамчи бор эди, холос. Шифокорнинг ишораси билан икки бақувват йигит Эралини аргамчига чиқариб, унинг кўзини боғлашди-да, жуда тез учирди. Сўнг аргамчини тўхтатиб, Эралини пастга туширишганди, боғични ўзи ечган йигит шифокор кўрсатиб турган чизиқни ҳеч нарса бўлмагандай бир текис босиб ўтди: балонда

юмалайвериб, пишиб кетган йигит учун бу синов нима деган гап, ахир...

– Яшавор! – қичқириб юборди шифокор. – Ажойиб! Фамилиянг... фамилиянгиз нимаиди?..

Тиббий текширувлар шу билан тугаб қолмади: билим юртида ҳаммаси бошидан бошланди. Навбатдаги машаққатли чиғириқдан ўтганларгина тест имтиҳонлари топширишга киритилди.

Каттагина жомадонини кўтарган Эрали уйга жиддий тарзда, қовоғи уйилган ҳолда кириб келди. Деразадан бўйлаган Ойгул хола ҳовлига чопиб чиқди.

– Келдингми, болам!

Ойгул хола ўғлини қучоқлаб кўришди.

– Озиб кетибсан. Роса қийналибсан-ов.

– Йўғ-э... Опам қани?

– Даладайди. – Она ўғлига ачиниб қаради. – Болам, сен хафа бўлма, ҳамма ўқийверса, подани ким боқади. Ўн икки йил ўқидинг, етади...

Ниҳоят Эрали чидай олмасдан, баралла кулиб юборди:

– Ойи, мен ўқишга кирдим! Кирдим!

– А?.. – Ойгул хола аввал эсанкираб-довдиради, сўнг қуйилиб келган қувонч ёшларини тилмасдан Эралини маҳкам қучоқлаб олди, титраб-қақшаб шивирлади: – Минг шукр... минг шукр... Ўзингга шукр...

\*\*\*

Омад бир келса қўшалоқлаб келавераркан: Нафисанинг ўқишга кириб кетганини эшитиб, боши осмонга етгудай қувонган Эрали дарслар бошлангунга қадар Тошкентга бирров бориб келишга улгурди.

Улар Талабалар шаҳарчасида айланиб юришганлари маҳал Нафиса кўп қаватли бинога ишора қилди:

– Ётоқхонамиз. Шу ердан жой беришди.

– Яхши бўпти... – Эрали айтсамми-айтмасамми дегандай бироз иккиланиб тургач, очигига кўчди: – Нафиса. Бизда интизом сал қаттиқроқ.

Нафиса тушунгандай бош ирғади:

– Армия қаторими?

– Шунга яқинроқ, дейишяпти... Шунга... ҳар ҳафта олдингизга келолмасман...

Нафиса тўсатдан пиқирлаб кулиб юборди. Эрали гапидан адашиб, унга ажабланиб қаради.

– Биринчи марта... – ҳамон куларди қиз, – биринчи марта мени “сиз”лаяпсиз. Ғалати эшитиларкан-у, лекин шунинг ўзиёқ талаба бўлишга арзиркан.

Эрали қизариб кетди:

– Ҳа, энди, катта бўлиб қолдик.  
– Майли, майли... Дарров ўзингизга олаверманг-да. Ўқишми, ўқиш. Телефон бор-ку.

– Бор, бор... Энди сизни ётоқхонангизгача кузатиб қўйсам.

– Йўқ, шу ерда хайрлашамиз. Тагин кечикиб юрманг. – Атрофга аланглаб қўйган қиз худди муҳим сирни айтаёгандай Эрали томон сал энгашиб, паст овозда маълум қилди: – Суриштириб билдим, анави тарафда аэродром бор экан, шундай шаҳардан чиққан жойда.

– Аэродром? – гарангсиб сўради ҳеч нарсани тушунмаган Эрали.

Энди қиз дув қизарди. Афтидан, у йигит бир пайтлар берган ваъдасини аллақачон унутган деган ўйга борди, шу сабаб, ноқулай аҳволга тушганини яширишга уринган кўйи шоша-пиша:

– Шунчаки... Ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўйгандим-да. Мабодо... мабодо бирон кун самолётда келиб қолсангиз... Хайр. Яхши боринг, – деди-да, ётоқхона томон чопиб кетди.

Шундагина ҳамасини тушунган, аламдан пешонасига шапатилар деган Эрали қўлларини оғзига кўвача қилиб қиз ортидан бақирди:

– Келаман, албатта самолётда келаман! Самолётда!..

Йигитнинг назарида ётоқхона эшигидан киратган маҳал Нафиса ўгирилиб қарагандай, ҳаттоки жилмайиб ҳам қўйгандай туюлди.

\*\*\*

Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртида дарслар бошланди. Ўқув машғулоти билан жисмоний машқлар узлуксиз алмашиб туради, орада амалиёт: компьютерда самолёт-вертолёт бошқарувини таъминлаш; сал вақт қолса кутубхонага чоп. Булар-ку, майли, чидаса бўлади, аммо ўқув йилининг уч ойи ўтар-ўтмас баланд тепаликка олиб чиқиб, пастга ўқув парашютида сакратишлари ёмон экан.

Мактабдаги аччиқ тажриба ёдидан чиқмаган Эрали жон-жаҳди билан бировга сир бериб қўймасликка уринарди. Шу боис баъзан шошқалоқликка йўл қўярди: у тепаликка чиққан заҳоти қуйига қараб қўймаслик учун дарҳол ўзини пастга отар, натижада майор Жўрабоевнинг даккисини эшитарди.

Мана шундай кунларнинг бирида ётоқдаги икки кишилик хонада дарс қилиб ўтирган Эралини навбатчи-посбон чақириб қолди: .

– Фаниев! Сенга келишибди.

Эрали ҳайрон бўлди:

– Менга?.. – У учиб ўрнидан туриб, шоша-пиша

кийимларини текисларкан, ҳаяжон билан шивирлади: – Ойижон! Опа...

Эрали кириш дарвозаси ёнига учиб борди. Бу ерда одам гавжум эди: якшанба, курсантларни кўргани келишган. Ичкаридан чиқиб келаётган курсантларни яқинлари қучоқлаб олишган, сал нарида, дарахтлар тагига тўшалган дастурхонлар томон бошлашган.

Кўзлари чақнаб турган Эрали атрофга аланглади, аммо дарвозага кўз тикиб турганлар орасида онаси ҳам, опаси ҳам кўринмасди. Шу пайт йўлак ёнига қўйилган қора рангли “Мерседес” машинасидан олифта кийинган, қора кўзойнак таққан Усмон тушиб келди.

– Қалайсан, бўлғуси генерал!

Эрали қучоқ очиб турган собиқ синфдоши, гуруҳдошига ноилож қўл узатди. Бироқ Усмон барибир уни қучоқлаб олди.

– Унақа эмас-да энди, ўртоқ. Ҳар қалай, бегона эмасмиз-ку. Ё ҳарбийлар шунақа дийдаси қаттиқ бўлиб кетишадими?

Эрали аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

– Нега энди...

Усмон қўлидаги бошқарув калити тугмачасини “чиқ” этказиб босганди, машинанинг юкхонаси оҳиста очилди.

– Қисқаси, тандир-пандир, шашлик. Командирларингга тозасидан ҳам бор. Ҳаммаси сенга, ўртоқ.

Бунақа сахийликни кутмаган Эрали баттар ҳайрон қолди:

– Раҳмат-у, лекин бу ерда мумкин эмас.

Усмон бепарво қўл силтади:

– Иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ, ўртоқ. Агар ҳозир анави ғўдайиб турган соқчига тўрт сўм қистирсам, нарсаларни ўзи хонангга обориб қўяди...

Эрали қатъий туриб олди:

– Ростданам мумкин эмас. Тартиб-қоида шунақа.

Усмон ён берди:

– Бўпти, бўпти. Тартиб-қоида сенга ўхшаган лохларга чиқарилган ўзи. Қисқаси, оғайни, бир маслаҳатли иш чиқиб қолди. – У Эралини қўлтиқлаб чеккароққа олиб ўтаркан, одатига кўра йўл-йўлакай кўзойнагини тўғрилаб қўйди. – Энди гапни аччиқ ичакдай чўзиб ўтирмайман... Битта ақлли гап айтайми? Мен эркин тадбиркорман. Қўлида пул ўйнайдиган ишбилармонман. Мен бировнинг буйруғи билан тонг саҳарда ўрнимдан туришни, чопишни, машқ қилишни, ғўдайиб қоровулликда туришни, ҳожатхона тозалашни ўзимга раво кўрмайман...

Гап ўзани қаёққа кетаётганини тусмол қилган Эрали унга эътироз билдиришга уринди:

– Менга қара...

Усмон дарров шахтидан тушди:

– Бўпти, бўпти, фақат ватанпарварликдан маъруза ўқимай қўя қол. Ўзи шароитингни кўриб турибман. Ҳар якшанба тўрт соатга шаҳарга чиқишга рухсат, шунақами?

– Нима эди?

– Шунақа! Аллақачон сўраб-суриштирганман. Демак, беш йил умринг шу режимда ўтади. Бу ёқда эса гулдай бир қиз сени кутиб сўлиб ўтириши инсофданми? Хоҳлаган пайтинг олдига боролмасанг, хоҳлаганча бирга юролмасанг. Шуям ҳаётми? Қўлингдан келгани “алё... салом... хайр...” Шу, холос. Бир кун келиб генерал бўлганинга эса, ҳаёт аллақачон ўтиб бўлган бўлади.

Жаҳли чиқиб бораётган Эрали ўзини оғирликка солди:

– Тушунмадим.

– Ҳозир тушунасан. Қисқаси, – Усмон кўзойнагини олиб, Эралига тик боқди: – мен Нафисаникига одам юборяпман.

Титраб кетган Эралининг кўзлари қисилди:

– У сенга тегмайди!

Усмон хотиржам эди:

– Тегади. Бу ерга келганимнинг сабаби, мабодо телефон қилиб қолса, яна минғирлаб ўтирма демоқчиман. Эркақчасига келишиб олайлик. Яна кўзингнинг сувини оқизиб “Сенга ўзим уйланмоқчийдим...” деб ўтирма-я. Биласан, қиз боланинг кўнгли бўш бўлади. Бунинг устига “Йўқолган пичоқнинг сопи олтин” деган гапларам бор...

– У сенга тегмайди дедим! – тишлари орасидан такрорлади Эрали.

Усмон очикдан-очик мазахга ўтди:

– Нима, ваъдасини олиб қўйганмисан? Ё ихтиёри сендами?

Нимадир демоқчи бўлган, лекин лаблари титраб, гапиролмаган Эрали жаҳл билан қўл силтаганча, дарвоза томон юрди. Усмон унинг ортидан бақириб қолди:

– Ҳой жинни! Тандир-чи? “Тентак сув”-чи?

Эрали бу гапларни эшитмагандай ичкарига кириб кетди.

Йигит хонасига чошиб борган заҳоти телефонида қайта-қайта ўзига ёд бўлиб кетган рақамларни терди. Аксига олиб телефондан “Абонент хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида”, деган жавоб келаверди. Эралининг бўлари бўлиб, фигони фалакка чиқиб турганида хонага иккита катта-катта сумка кўтарган навбатчи терлаб-пишиб кириб келди.

– Фаниев, сенга берворишди. Ўртоғинг экан. Ҳидини қара, ҳидини... Сўлак безларим ишлаб кетди-я...

Навбатчи гапини тугатиб улгурмасидан бурун Эрали шартта сумкаларни унинг қўлидан юлқиб олди-ю, очик деразадан пастга отиб юборди. Сумкалар асфальт йўлакка гурсиллаб тушди, шилаларнинг шиқирлаб сингани эшитилди. Ётоқхона ёнидан ўтиб бораётган майор Жўрабоев тўхтаб, жаҳл билан тепага, иккинчи қават деразасига қаради.

– Ким бу? Қайси хона? Қирқ иккимми?

Энди барибир яшриниб бўлмасди. Тажрибали майор хоналарнинг жойлашини ёддан биларди. Эрали деразадан бўйлади.

– Курсант Фаниев! Ўзимам сиз бўлсангиз керак деб ўйловдим. Қани, тез бу ёққа тушинг-чи.

Эрали оёғини қўлига олиб югурганча бир дақиқада майорнинг қаршисида ҳозир бўлди:

– Ўртоқ майор. Биринчи босқич курсанти Фаниев буйруғингизга биноан...

Майор унинг гапини бўлиб, сумкаларга ишора қилди:

– Аввал мана бу ерни ёғ тушса ялагудай қилиб тозалайсиз, тушунтириш хати ёзиб, менга топширасиз, кейин эса уч суткага гауптвахтага равона бўласиз. Тушунарлими?

– Худди шундай, тушунарли, ўртоқ майор.

– Тушунарли бўлса, бажаринг.

Майор ҳавони ҳидлаб-ҳидлаб қўйгач, афсуслангандай бош чайқади-да, йўлида давом этди. Эрали энгашган маҳал бунинг сабабини билгандай бўлди: сумкалардан биридан ароқ сизиб оқмоқда эди.

\*\*\*

Сармоядорроқ оилада эркатой бўлиб ўсган, ўзи истаган нарсани доимо қўлга киритиб ўрганган Усмон совчиларнинг иккинчи гал ҳам қуруқ қайтишганини эшитиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Қанақасига? Биринчи сафарни-ку, онаси айтганидай, қизи борнинг нози бор, қабиладаги ҳикматга йўйганди, аммо иккинчисини-чи? Ҳатто “Ёшлар бир учрашиб кўрсин” ҳам дейишмапти. Уялмай-нетмай “Қизимиз кўнмади” дейишибди. Бу... бу унга нисбатан ҳақорат эмасми? Ким бўлибсанки... Ҳе ўша сенга тарбия берганларнинг...

Ҳа, айнан шундай: ким бўлибдики... Бир кўнгли шартта қўл силтаю, кет, дейди; ана, ҳаммаёқ сулувлару барнолар, дарахтни тепсанг камида тўртта маликаи Ҳуснобод ёғилади. Лекин, иккинчи томондан қараса, бу қилиғи билан қиз Усмон-

ни писанд қилмаслигини кўрсатмаяптими? Агар шунақа манманлик қилаётган экан, бу ўзига зарар: Усмон жимгина бўйин эгиб кетаверадиганлардан эмас. Илло, қайси бир муаллим айтганидай, қаршилиқ қаршилиқ туғдиради. Мана энди сен билан бошқача гаплашамиз, яхши қиз!..

Азалдан аён ҳақиқат бу: қасдлашган кўнгилда бадбин режалар патос бойлай бошлайди...

Усмон вилоят марказидаги шоҳбекатга бориб турди. Тошкентдан келиб тўхтаган автобусдан йўловчилар гуриллаб тушишди. Машинасини чеккароқда қолдирган Усмон сумка кўтарган Нафисанинг ёнига борди.

– Яхшимисиз, Нафисахон.

Нафиса йигитни кўриб хижолат чекди:

– Вой, Усмон, ассалому алайкум.

– Ваалайкум. Уйгами?

– Ҳа.

– Опкетай. Менам қишлоққа.

– Раҳмат. – Қиз бўйинини чўзиб, катта йўлга қаради: – Мен маршрутқада...

Усмон илжайди:

– Майли, жуда қўймасангиз маршрутқа пулини оларман. Ўзи бу ерга синглимни опкетишга келгандим, бир дугонасиникида экан, йўлга чиқиб тураман деди.

– Роҳилами?

– Ҳа. Кетдикми?

Нафиса иккиланиб туриб қолди.

– Ишонмасангиз Роҳила билан гаплашинг, у мени қайрилишда кутиб турибди. – Усмон телефонини узатди: – Номерини терайми?

– Йўғ-э, – хижолат чекди Нафиса. – Роҳила бўлса... майли. Бирга...

– Ҳа-да. Юринг. Манави ёқда аравам...

Нафиса орт ўриндиққа ўтирди. Катта йўлга чиқишгач, Усмон ўриндиқ ёнидаги термосдан чашкага шарбат қуйиб узатди.

– Марҳамат. Онам ўз қўли билан тайёрлаган. Самарқанд гилосидан.

– Раҳмат.

– Аввал ичиб кўринг, раҳматни кейин айтасиз. Чет элликларга бергандим, жинни бўлиб қолишди ўзлариям. “Бунақа ширин сокни умримизда ичмаганмиз”, дейишди. Табиий-да.

Нафиса чашкани олиб, шарбатдан ҳўплади.

– Бемалол “оқ” қилиб ташлайверинг. Қўрқманг, спирти йўқ.

Нафиса кулимсираб қўйгач, шарбатни ичди.

– Ростданам ширин экан.

Усмон кўтаринки оҳангда қизнинг гапини маъқуллади:

– Ширин ҳам гапми, асал, асал!

Нафиса минг истиҳола билан, узр сўраётгандай оҳангда деди:

– Усмон. Роҳила йўқлигида айтиб олай. Мендан хафа бўлгандирсиз. Лекин...

Усмон қизни гапиргани қўймади:

– Асли ўзим нотўғри иш қилдим. Аввал олдингиздан бир ўтишим керак эди. Бекорга шунча одамни овора қилиб... Қайтанга ўзим уялиб қолдим... Лекин, эшитишимча, уйдагиларингиз “Шундай одамлардан совчи келди”, деб роса хурсанд бўлишган экан.

Нафиса кулимсиради:

– Сиз уларга эмас, менга одам қўйгансиз шекилли...

– Бу гапингизам тўғри. – Кўзойнагини тўғрилаб қўйган Усмон тезликни пасайтириб, ортига ўгирилди: – Бир ақлли гап айттайми?

– Айтинг. – Жилмайиб турган Нафиса беихтиёр эснади, бундан хижолат тортди. – Вой узр.

– Ҳечқиси йўқ.

Йигитнинг яна ўгирилиб йўлга қараб олганини кўрган қиз сўради:

– Ақлли гап... айтмоқчи эдингиз.

– Айтманам! – мамнун илжайди Усмон. – Қўлга келиб қўнган қушни учириб юбориш ё бошқа бировга қўшқўллаб тутиш – ғирт нодоннинг иши.

Ҳеч нарсани тушунмаган Нафиса бўшашиб:

– Яъни... – деди, афтидан, ниманидир аниқлаштирмоқчи бўлди, аммо бошқа гапиролмади. Бунинг ўрнига кўзлари сузилиб, боши “шилқ” этиб тушди: қиз ухлаб қолганди.

Усмон машинани орқага қайириб олиб, бирдан тезликни оширди:

– Мана шунақа!

\*\*\*

Бир ҳафтача бўлиб қолди, Нафисанинг телефони ўчган. Кўнгил – душман; хаёлга нималар келмайди.

Эрали кечки овқатдан кейин кийим-бош ювиладиган хонага қамалиб олиб, рақамларни тераверди, тераверди. Аммо бундан нима наф?..

Эрали шу ҳолатда юраги сиқилиб ўтирганида хонага икки курсант кириб келди. Озгин, нимжонроқ Тоҳир билан ҳирсдай бақувват Носир деярли ҳамиша бирга юришади. Носирдай танқўриқчисига ишонса керакки, Тоҳир унча-бунча курсантни писанд қилмайди, бемалол осмондан келиб муомала қилаверади. Шунгами кўпчилик уни орқаворатдан “Чиранчиқ” деб атайди. Аммо Тоҳирнинг калласи балодай ишлайди, айниқса чет тилидан олгани “аъло”. Тоҳир биланларини ҳимоячисига ўргатса керакки, ҳозир ҳам улар ўзаро инглизча

гужурлашишарди. Тоҳир кўйлак-ёқаларни ичкарига ташлаб, махсус жойга кир ювиш кукунидан солгач, тугмачани босган эди, машина автомат гирллаб ишлаб кетади.

Носир тумтайиб ўтирган Эралидан ҳол сўраган бўлди:

– Тинчликми?

Эрали хушламайгина жавоб қайтарди:

– Тинчлик.

Носир тирғалишини қўймади:

– Ҳозир биз нима деганимизни тушундингми?

– Йўқ.

– Эртага учиш амалиёти дедик.

Тоҳир истехзоли илжайди:

– Шу оддийгина гапларниям тушунмадингми, нодон?

Эрали асабийлашди:

– Сенам менга ўхшаб мактабда тўрт йил немис тили, беш йил француз тили, коллежда уч йил инглиз тили ўқиганингда кўрардим аҳволингни.

Тоҳир мақтанди:

– Мен махсус мактабда ўқиганман.

– Шунга чулдираяпсан-да, – бўш келмади Эрали ҳам.

Тоҳирнинг авзойи бузилди:

– Менга қара, тушунмадим, сен менга дўқ уряпсанми?

Эралига барибир эди:

– Тушунганинг.

– Ҳов бола, – Тоҳир Эралига яқин келди, сал энгашиб, унинг иягидан тутди: – мен билан ўйнашма, бир урсам нақ қишлоғингга бориб тушасан-а!

Бу чиранчиқнинг ўзини қандай уришини тасаввур этиб, кулгиси қистаган Эрали ўрнидан турди:

– Ўзинг бирга бир чиқасанми, – дея у Носирга ишора қилди, – ё телехингни ўртага соласанми?

– Сени ўзим эзиб ташлайман!

Тоҳир ҳезланиб, Эралининг юзига мушт туширмақчи бўлди, аммо у ўзини чаққонлик билан четга олганди, мушти бўш ҳавога йўлланган чиранчиқнинг ўзи мункиб кетди. Бундан фойдаланган Эрали чап қўлда унинг иягига мушт солди. Тоҳир бўш қопдан орқага учиб кетди. Ниҳоят аралашмас бўлмаслигини тушунган Носир осонлик билан Эралини ўзи томон қайириб олиб, бир уришда уни эшикка қапиштириб ташлади.

Шовқинга навбатчи чопиб келди.

– Нима гап?

Носир кир ювиш машинасига диққат билан қараб турган ҳолда жавоб қайтарди:

– Негадир яхши ишламаяпти. Курсант Фаниев шуни сизга айтишга бораётиб, тойиб кетди. Шу.

Навбатчи аввал Эралига, сўнг иягини чангаллаб турган Тоҳирга қаради:

– Курсант Исомиддиновга нима қилди унда?

Носир Тоҳирга бир қаради, икки қаради, аммо нима дейишни билмасдан пешонасини қашлади.

– Ҳали ёлғон тўқиб улгурмадингизми?

Навбатчининг бу гапига жавобан Носир очиқкўнгиллик билан кулиб юборди:

– Тўғриси, улгурмадим. Жуда тез етиб келдингиз-да. – У навбатчининг ёнига борди: – Ўртоқ навбатчи. Эртага ҳақиқий самолётда биринчи учишимиз. Шунга болалар ҳаяжонланишяпти-да. Бўлиб туради. Бошингиздан ўтган-ку...

Носир навбатчини қўлтиқлаганча яна нималарнидир гапирган кўйи хонадан олиб чиқиб кетди.

Тоҳир Эралига ўқрайиб қараб, дўқ урди:

– Ҳали кунингни кўрсатаман! Менга қўл кўтарганингга минг пушаймон бўласан!

Аллақачон ўзининг ташвиш-хавотирли ўйларига фарқ бўлган Эрали лоқайд жавоб қайтарди:

– Қўлингдан келганини қилмайсанми!

Дарҳақиқат, бу кун курсантлар учун ўзгача ҳаяжонларга тўла кун эди. Улар эрталабдан ҳарбий машқлар аэродромида йўриқчи-учувчи бошчилигида самолётларда учишга тайёргарлик кўра бошлашди.

Сафни охириги марта кўздан кечириб чиқаётган майор Жўрабоев Эралининг бир томони кўқарган юзини кўриб қолди.

– Курсант Фаниев! Бу яна нимаси?

Эрали дарҳол жавоб қайтарди:

– Йиқилиб тушдим, ўртоқ майор!

Майор унга шубҳаланиб қаради, аммо гумонини айтиб ўтирмасдан, таъкидлаб сўради:

– Учоласизми ишқилиб?

– Худди шундай, ўртоқ майор, учоламан.

Майор ишонқирамасдан бош чайқаб қўйгач, сафни кўриқдан ўткашишда давом этди.

“Эркин!” буйруғи янтраганидан кейин курсантлар ҳаяжон билан самолётда учиш навбати келишини кутиб, уймалашиб туришди. Шу маҳал Эралининг телефони жиринглаб қолди. У шошиб чўнтагидан аппаратни олдию, экранчадаги “Нафиса” ёзувини кўриб, ҳаяжон билан чеккароққа чопиб ўтди. Эрали шовқинни босиш учун бақириб гапира бошлади:

– Яхшимисиз, Нафиса... Нега телефонни кўтармайсиз? Юз марта қўнғироқ қилдим ўзиям... Алё, эшитяпсизми? Алё... Нафиса...

Самога кўтарилган самолёт узоқлашди. Бирдан атрофга жимлик чўқди. Ва мана шу сукунат ичида Нафисанинг пичирлагани аниқ-тиниқ эшитилди:



– Бугун... бугун тўйим...

– А?

Қисқа гудоклар. Кўз олди қоронгилашиб, қалт-қалт титраётган Эрали қайта қўнғироқ тугмачасини босди. Телефон ўчган...

Аллақаяқдан, узоқ-узоқдан майорнинг овоз кучайтиргичда айтаётгани эълони эшитиларди:

– Курсант Фаниев!.. Фаниев! Кармисиз, нима бало? Сизнинг навбатингиз! Фаниев деяпман!

Эрали бирдан оғирлашиб қолган оёқларини базур судраб, маст одамдай чайқалган кўйи ҳарбий самолёт ёнига борди, судралиб кабинага чиқди, учувчи жойига ўтирди. Унинг ҳаракатларини энсаси қотиб қузатиб турган майор норози тарзда бош чайқади ва рўйхатга ниманидир белгилаб қўйди.

Қулоғи шангилаётган Эрали минглаб бўлакларга бўлиб ташланган, парча-парча бўлиб кетгандай туюлаётган танасини, энг муҳими, пароканда ўйларини бир жойга йиғиб олишга уринаркан, қаршисида ўзига мулоийим жилмайиб турган йўриқчи-учувчи Қўлдош акани кўрди. Эллик ёшлардаги, қўй кўзлари кулиб турадиган Қўлдош ака, курсантларнинг меҳрибон устози.

– Ҳаммаси жойидами? – деб сўради йўриқчи-учувчи.

Эрали бир амаллаб жавоб қайтарди:

– Жойида.

– Унда кетдик.

Паррақлар ишга тушди, улар тобора тезроқ айлана бошлади. Ниҳоят йўриқчи самолётни ўрнидан қўзғатиш рухсатини берди. Самолёт аэродром четига қадар шиддатли тезликда борди ва юқорига кўтарилди.

– Яхши. Биринчи парвоз муборак бўлсин, Фаниев!

– Раҳмат.

– Давом этамиз...

Парвоз бир маромда кечмоқда. Эрали неча йиллар интиқиб кутган парвоз қувончига қўшилган ногаҳоний айрилиқ алами унинг қалбини остин-устун қилиб ташлаган эди. Наҳот орзулари саробга айланган бўлса. Наҳотки...

Йўриқчи-учувчининг лўқмаси Эралини ўзига келтирди:

– Хаёлинг жойида эмасга ўхшайдими, Фаниев?

Эрали хўрсинди, беихтиёр тан олди:

– Юрагим куйяпти, Қўлдош ака.

Қўлдош ака жилмайди:

– Ерда дўхтирлар кутиб туришсинми?

– Шарт эмас... – Эрали чуқур нафас олди, пастга, қуйида қолган булутлар қатламига қаради. – Қизик, тепадан қаралса, булутлар... шудгорланган ерга ёққан қорга ўхшаркан, а.

Қўлдош ака бош ирғаб, бу ўхшатишни маъқуллади:

– Шундай.

– Ўртоқ йўриқчи-учувчи. Бошқаришни тўла зиммамга олишга рухсат беринг.

Қўлдош ака бир зум ўйланиб қолди, сўнг, йигитнинг овозидаги ҳазинлик, гусса таъсир қилдими, бош ирғаб, ёнидаги тугмачани босди:

– Рухсат.

Нимагадир аҳд қилган Эрали булутлар орасини ёриб ўтдию, курсни қишлоғи томон олди.

Қўлдош ака беозор тўнғиллаб қўйди:

– Оббо, сенинг юрагингни деб бошимиз балога қолмасайди ҳали.

Эрали бу гапни эшитмагандай самолётни пастлатаверди.

Қишлоқдан чиқиб келган тўй машиналари сафидаги қора “Мерседес”да келин-куёв ўтирарди. Олдинги ўриндиқда, ҳайдовчининг ёнида аллақачон кайф бўлиб қолган куёвжўра Собир.

Тўсатдан тиниқ осмонда пайдо бўлиб, шиддат билан шу тарафга учиб келган самолёт пастлаб, машиналар карвони устидан ўтди. Машинадагилар бақир-чақир қилиб ўз қувончларини изҳор қилишга шошишди. Аммо келинчакнинг ранги оқариб кетди, шошиб орқага ўгирилиб, самолёт изидан қараб қолди.

Собир ойнадан бошини чиқариб, шодон қўл силкиди:

– Эҳ-хе-хей!.. – У бошини ичкарига олиб, ортага ўтирилди, куёв йигитга ҳасад аралаш ҳавас билан қаради. – Самолётни ўзинг заказ қилдингми, оғайни? Соққаси қанча бўлди? Ё Эрали қарашвордими? Бира тўла бир эскадрилясини чақирмабсан-да. Осмонда “Усмон плюс Нафиса” деган ёзувни ёзишарди. Даҳшат бўларди ўзиям!

Усмон бу мақтовларнинг ўзига даҳли йўқдек йўлдан кўз узмай, миқ этмасдан кетаверди.

Самолёт айланиб, иккинчи бор келганида ваҳимали даражада пастлаб учди. Видеоочи камерасида, куёвжўралар эса қўл телефонларида жон-жаҳдлари билан самолёт томошасини суратга олишарди.

Самолёт машина қаршисидан учиб ўтаётганида Нафиса кабинада ўтирган Эралини кўрди. Аниқ кўрди. Йигит ҳам қизга кўз ташлашга улгурди.

Самолёт шиддат билан тепага кўтарилди. Келинчак орт ойнада оппоқ доғ мисоли кўкка термулиб қолаверди.

Усмон кўзойнагини тўғрилаб олиб, Нафисага ўтирилди:

– Бир ақлли гап айтайми?

Аммо келинчак уни эшитмаётгандек ҳамон мо-вий кўқдан, узоқлаб, нуқтага айланаётган самолётдан кўз узмасди...

Эралининг кўзлари жикқа ёш эди.

– Сал босилдими, ўғлим? – меҳрибонлик билан сўради Қўлдош ака.

Эрали бош чайқади.

– Ҳечқиси йўқ, ўзи шунақа бўлади, – уни юпатишга уринди Қўлдош ака. – Яра бир ловуллаб оғриб, кейин тузалади. Ҳар қалай, у энди бировнинг ҳасми. Бахтли бўлсин... Хўш, энди реал ҳаётга қайтайлик.

Йўриқчи-учувчи алоқани ишга туширди. Шу заҳоти майор Жўрабоевнинг фиғони фалакка чиқиб бақираётгани эшитилди:

– Йўриқчи-учувчи Жалилов! Жалилов! Жалилов!

– Ўртоқ майор, – айбдорона оҳангда изоҳ берди Қўлдош ака. – Кутилмаганда алоқа узилиб қолди денг. Мана, ҳозиргина тикланди.

– Шунинг учун курсни ўзгартирдингизми? Бу нима ўзбошимчалик? Тез базага қайтинг!

– Хўп бўлади, ўртоқ майор! Алоқа тугади. – Қўлдош ака Эралига қараб жилмайиб кўйди. – Рухсатингиз билан бошқарувни ўз зиммамга оламан, жигит.

Эрали унсиз бош ирғади. Самолёт кескин бурилиш ясаб, аэродром томон учди.

Бир муддат алоқа йўқолган самолётни курсантлар аэродромда шовқин-сурон билан қарши олишиб, экипажни саволларга кўмиб ташлашди: “Нима бўлди?.. Айб қаерда экан?.. Қўрқмадиларингми?..” Фақат қовоғидан қор ёғаётган майорнинг:

– Бу нима шовқин? Бозорми бу ер сенларга? – деган бақирғидан сўнггина ҳамма жимиб қолди.

Ҳатто телефонига қараб, бирдан ҳовлиқиб қолган, энди майорга мурожаат қилмоқчи бўлган Тоҳир ҳам тилини тишлади. Ҳамма ўз жойини эгаллади ва машғулот давом эттирилди.

Албатта, бу масала шундай қолиб кетиши мумкин эмас эди. Майор Жўрабоев ҳам амалдаги тартиб-қоидаларга бўйсунган ҳолда машғулотлар тугаб, билим юртига қайтишган заҳоти муассаса раҳбари полковник Расуловга мурожаат қилди.

– Ўртоқ полковник. Буларга нисбатан қатъий интизомий чора кўрмасак бўлмайди.

Йўриқчи-учувчини неча йиллардан бери яхши биладиган полковникнинг бу гапга ишонгиси келмади.

– Қўлдош ака тажрибали йўриқчи. Жуда тажрибали. Балки чиндан ҳам алоқа узилиб қолган дир.

Майор истехзоли илжайди:

– Шу арзимаган баландликда-я. Бўлиши мумкин эмас.

– Техника бу, ўртоқ майор. Ҳар нарса бўлиши мумкин.

– Унда бунга нима дейсиз? – Майор қандайдир қониқиш билан қўл телефонидаги видеоёзувни кўрсатди. Унда келин-куёвнинг машиналар карвони устидан шиддат билан, жуда пастликда учиб ўтаётган ҳарбий самолёт кўринди. – Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганлари шу-да. Алоқа узилган эмиш. Бизни аҳмоқ деб ўйлаганми булар... – Полковникнинг қошлари чимирилаётганини кўрган Жўрабоев бирдан жиддий тортди: – Бу уставни, барча йўриқнома-ларни ҳамда техника хавфсизлиги меъёрларини атай ҳамда қасдан бузиш ҳисобланади, ўртоқ полковник.

Полковник кумуш сочларини силаганча ўйла-ниб қолди. Сўнг қизиқиб сўради:

– Айтгандай, сиз бу ёзувни қаердан олдингиз, ўртоқ майор?

– Интернетдан, прямой репортаж қилиб кири-тиб юборишибди азаматлар.

– Ҳм-м... Нима, ўзингиз интернетга кириб тура-сизми? Иш пайтида.

– Йўғ-э, вақт қайда. Курсантларимиздан бири тасодифан кўриб қопти... Хуллас, мана менинг ра-портим. Мен курсантни билим юртидан ҳайдаш-ни, йўриқчини эса уч ойлик синов муддати билан механикликка ўтказишни талаб қиламан.

Полковник рапортни олди.

– Мен бир ўйлаб кўрай.

Майор ўрнидан турди:

– Кетишга рухсат беринг.

Полковник хўрсинди:

– Рухсат.

Полковник рапортга тезгина кўз югуртириб чиққач, дераза ёнига бориб, ташқарига қаради, курсантларнинг машғулотини бироз кузатган бўл-ди, сўнг қайтиб жойига келиб ўтирди-да, столдаги тугмачани босди.

– Жалилов келган бўлса, айтинг, кирсин.

Эшик оҳиста очилиб, Қўлдош ака кирди.

– Чақиртирганмидингиз, ўртоқ полковник.

Расулов шошиб ўрнидан турди:

– Келинг, Қўлдош ака, келинг. Сиз билан бир гаплашиб олай деб чақирдим-да... Марҳамат, ўти-ринг.

\*\*\*

Ҳаммаси тамом бўлди...

Эрали хонасида тушкун кайфиятда, ҳукми кутиб ўтирарди. Низомга кўра билим юртидан ҳайдашлари тайин. Ишқилиб, Қўлдош акага гап тегмаса бўлди эди. “Менинг касримга...”

Эшикдан бўйлаган Тоҳир ёш боладай тилини чиқариб, майна қилаётгандай бошини чайқади:

– Бай-бай, курсант Фаниев... Ие, нега ҳалигача нарсаларингни йиғиштирмадинг?

Мушт бўлиб тугилган бармоқлари қисирлаб кетган Эрали аста ўрнидан тура бошлади:

– Кир, ёрдамлашворасан.

Тоҳир ҳушёр эди – қочиб қолишга ўнғай бўлсин учун гавдасини сал орқароққа олди, аммо гапдан қолмади:

– Ўзлари баҳузур.

Энди мазах қилиш навбати Эралига ўтди:

– Ёнингда телехинг бўлса кирардинг-а.

Бунақа пичингларни эшитавериб, бети қотиб кетган Тоҳир пинагини бузмади:

– Сен яхшиси ўзингнинг келажакингни ўйла, нодон.

– Сенам мен ҳақимда қайғурмай қўя қол.

Тоҳир билагонлик қилди:

– Ўлибманми қайғуриб! Ҳаммаси кафтдагидай кўриниб турган бўлса. Сени мардикорлик, қора иш қучоқ очиб кутиб турибди, тўнка. Энди бундан кейин кимга сакрамаслик кераклигини билиб оларсан. Лекин кеч.

Кўзи қонга тўлган Эрали ичкарига таклиф қилди:

– Бу ёққа кириб гапир-чи.

Унинг вазоҳатини кўрган Тоҳир жон алпозда жуфтакни ростлаб қолди. Эрали эшикни маҳкам бекитди-да, нарсаларини йиғиштира бошлади.

Бу сафар эшикни навбатчи очди:

– Курсант Фаниев. Сизни сўраб келишибди.

Бу хабарни эшитган Эрали гарангсиб қолди. Ким экан? Наҳотки яна ўша аблаҳ... Нега келади?

Назорат-ўтказиш постидан не хаёлларда чиқиб келган Эрали дарахт баҳайбат эман дарахти ёнидаги ўриндиқда ўтирган онаси билан опасини кўрди.

– Вой, ўргилай болам...

– Укажон!..

Улар қучоқлашиб кўришишиб кетишди.

– Баттар озибсан-ку, болам.

– Қорайибсан. Энди ҳақиқий йигитга ўхшабсан.

Ҳаяжонли ҳол-аҳвол сўрашишлар, пича кўз ёши ҳам тўкиб олишлардан сўнг Ойгул хола ўгли-га диққат билан қараб туриб сўради:

– Кайфиятинг йўқми, болам?

– Йўғ-э, – шошиб жавоб қайтарди Эрали, – сал чарчаган бўлсам керак-да.

Ойгул хола енгил тин олди:

– Унда майли... Камандирларингга раҳмат айтиб қўй, бугун бозор бўлмасаям сени чақириб беришди. Биз ўзи Жиззах бозорига келгандик. Йўл-йўлакай сениям бир кўриб ўтайлик дедик.

Эрали ҳайрон бўлди:

– Бозорга. Тинчликми, ойи?

Ойгул хола мағрур тарзда, ҳаттоки қаддини сал ростлаброқ дедик:

– Опангга нон синдирдик. Худо хоҳласа, – она уялиб, ўзни четга олган қизига қараб, кулимсираб қўйди, – худо хоҳласа кўклам тўй. Шунга мато-чў-барак дегандай...

Эрали ҳам яйраб кетди:

– Почча ким?

– Яхши одамларнинг боласи. Олмалидаги Тиркаш муаллимнинг кенжаси. Сен танимасанг кераг-ов. Улар асли найман уруғидан...

КППдан чиқиб, атрофга аланглаган навбатчи шошиб Эралининг ёнига келди:

– Курсант Фаниев. Зудликда полковник Расуловнинг кабинетига кираркансиз.

Жазоланиш фурсати етиб келганини англаган Эрали бўшашиб ўрнидан турди:

– Хўп бўлади.

– Майли, болам, борақол. Бизни деб гап эшитиб юрма тагин. – Ойгул хола имлаб қизини чақиргач, ўриндиқ ёнидаги рўзгор сумкаларини ўглининг қўлига тутди: – Бу ерда озроқ туршак, майиз, чакки... Мумкинку, а?

Эралининг иккиланиб турганини кўрган навбатчи жавоб қайтарди:

– Мумкин, холажон, мумкин.

Эрали нарсаларни олди, ҳамон яқин келмасдан, нарироқда турган опасига қўл силкиб қўйди:

– Бахтли бўлинг, опа.

Гулзода ҳам бунга жавобан қўл силкиди.

Навбатчи билан маъмурий бино томон бораётган Эрали йўл-йўлакай сўради:

– Ҳаммасидан хабаринг бордир?

Навбатчи боши ҳам курсантга ачиниб қаради:

– Бунақа гаплар тез ёйилади.

– Демак ҳозир паттамни қўлимга тутқизишади, шундайми.

– Бўйруқни де.

– Нима фарқи бор... – Эрали сумкаларни навбатчига берди. – Ол. Эслаб юрарсан. Олавер...

Кенг-мўл кабинетда Расуловдан ташқари майор Жўрабоев, фуқаро кийимидаги йўриқчи-учувчи Жалилов ҳам бор экан.

Полковник ҳеч қандай савол-жавоб ўтказмади, воқеа тафсилотларини ижикилаб сўраб ўтирмади, гапни ҳам қисқа қилди:

– Юз берган ҳодиса юзасидан суриштирув ишлари олиб борилди. Йўриқчи-учувчи Жалилов ёзиб берган тушунтириш хатида ҳамма айбни ўз зиммасига олган.

Тумшайиб ўтирган Жўрабоев ажабланиб, ўр-нидан туриб кетди:

– Лекин...

Полковник майорнинг гапини бўлди:

– Жалилов ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзган. Биз бу илтимосни қаноатлан-тирдик. Курсант Фаниевнинг ҳали тажрибасизли-гини ҳисобга олган ҳолда унга огоҳлантириш эъ-лон қилинади.

Майор яна:

– Лекин... – дейишга улгурди, холос.

Полковник кескин оҳангда машваратга яқун ясади:

– Ҳаммага жавоб!

Воқеа бунақа яқун топиши мумкинлиги етти ухлаб тушига кирмаган Эрали маъмурий бинодан гарангиб чиққач, машқ майдони ёнида анча ту-риб қолди. Ниҳоят эшикда Қўлдош ака кўринди. Эрали чопиб унинг ёнига борди.

– Қўлдош ака! Нега бундай қилдингиз?

Собиқ йўриқчи-учувчи маъюс кулимсиради:

– Ўзи... ўзи пенсияга чиқсам деб тургандим.

– Қўлдош ака, – титраб-қақшаб ёлворди Эрали.

– Сиз кетманг. Мен ўртоқ бошлиқнинг олдига ки-раман, ҳаммасини тушунтираман.

– Бу энди ҳеч нарсани ўзгартирмайди, чунки буйруқ муҳокама қилинмайди, – дея Эралининг елкасига қоқиб қўйди Қўлдош ака. – Поезд кетиб бўлди, жигит. Энди бу ёғига ҳушёр бўл. Хайр.

Қўлдош аканинг ортидан анграйиб қараб қол-ган Эралини кимдир туртгандай бўлди. У шошиб ортига ўгирилди ва қаршисида ўзига қадалиб ти-килиб турган майорни кўрди. Жўрабоев надомат билан пичирлади:

– Қўлдош ака... осмон жинниси эди... Сен шу қурбонликка арзийсанми, курсант?

Овози титраб кетган майор жавоб ҳам кут-масдан ўқув биносига қараб тез юриб кетди. Оёқла-ридан мадор қочган Эрали деворга суяниб қолди.

\*\*\*

Биринчи имконият туғилиши биланоқ Эрали шаҳарга чиқиб, Қўлдош акани излади. Беш қават-ли уйнинг энг юқори қаватида яшаркан. Аммо эшик кўнғироғига ҳеч ким жавоб бермади. Эрали

қўни-қўшнилари суриштириб билди: уй эгаси аёли билан қишлоққа кетибди. Бунақа пайтлари табиий равишда айтиладиган “Бола-чақаси-чи?” деган савол ҳар сафар муаллақ қолаверди. Ахий-ри узоқ суриштиришлардан сўнггина Қўлдош ака ёши қирққа яқинлашганда укасининг қизчасини асраб олганлигини, қиз бўй етиб, тўрт-беш йил бу-рун ўша қишлоққа турмушга чиқиб кетганлигини аниқлади. Хуллас, ҳозир Қўлдош аканинг иккита суюкли невараси бор экан: бир ўғил, бир қиз.

Билим юртида эса машғулотлар давом этмоқда эди. Энди Эрали янада астойдил ўқиши, жони бо-рича машқ қилиши, спорт залида, тренажёрда тер-лаб-пишиб шуғулланиши шарт эди. У чарчаб-ҳо-риган маҳаллари ўзига майор Жўрабоевнинг из-тиробли саволини берарди: “Сен шу қурбонликка арзийсанми, курсант?” Жавоб... жавоб қандй ҳам бўларди! Бунақа маҳаллари Эрали сакраб ўрнидан туриб кетар ва дарсни қайта бошдан ўқишга ўзини мажбур қиларди.

Аммо ўзлаштириш осон кечмасди. Айниқса ёзма ишда саводи ҳаминқадарлиги яққол сезилар-ди-қоларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Майор Жўрабоев синов натижаларини эълон қиларкан, фақат курсант Тоҳир Исомиддиновнинг иши “аъло” баҳога арзийшини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Курсант Фаниев.

Эрали учиб ўрнидан турди:

– Мен.

– “Уч”. Минуси билан.

Курсантлар кулиб юборишди, ҳатто ҳазил аралаш чапак чалганлар ҳам бўлди. Эрали қи-зариб-бўзариб майорнинг қўлидан ёзма ишини олди, жойига ўтириб, варақлаб кўрди. Деярли ҳар бир жумлага қизил ручка теккан эди.

Шу тун Эрали мижжа қоқмади ҳисоб. У хонада кўзлари қизарганча ёзма иши матнидаги ҳар бир сўзни китобга қайта-қайта солиштириб чиқди. Ҳатто ҳамхонасининг ўрнида ағдарилиб:

– Сен ухлайсанми ўзи, бойқуш? – деб тўнғилла-ганига ҳам эътибор бермади.

Ҳа, тан олади: хатолари мўл эди. Ҳалиям май-ор аябди: бемалол “икки”, ҳатто “бир” қўйса ҳам бўларкан. Уят...

Баайни Эралининг эзилиб юрганини сезгандай эртаси куни курсантлар ясаган самолёт моделла-рини синчиклаб текшириб чиқаётган катта лейте-нант Довуоров кутилмаганда:

– Курсант Фаниев. Баҳойингиз “аъло”, – деб қолса бўладими!

Эрали қувончдан ўзини еттинчи осмонда ҳис қилди. Бўларкан-ку...

\*\*\*

Тез орада ҳарбий ўқув аэродромида амалий машғулотлар бошланиб кетди. Юраги така-пука бўлиб турган бўлса-да, Эрали қаттиққўл йўриқчилар кўмагида самолёт-вертолётларни хотиржам, совуққонлик билан бошқаришни ўрганди.

Навбатдаги амалиётдан кейин машғулот спорт залида давом этди. Кимоно кийган курсантлар мураббий раҳбарлигида шарқ яккакураши билан шуғулланишаётган пайт тасодифан Эрали спарингга Носир билан тушиб қолди.

Пайтдан фойдаланиб қолишни истаган Тоҳир зипиллаб келиб, Носирнинг қулоғига шивирлаб кетди:

– Бир таъзирини бериб қўй бу жўжаҳўрознинг!

Мураббий иккала рақибга қараб, ўзича уларнинг кучини чамалаб кўрдими, Эралидан сўради:

– Вазн категорияларинг тўғри келмаяпти. Ал-маштирайми?

Ҳаммининг қулоғи динг бўлиб, унинг жавобини кутаётганани сезган Эрали қатъий бош чайқади:

– Йўқ. Ҳаммаси жойида, сэнсэй.

“Ўзинг биласан” дегандай елка қисиб қўйган мураббийнинг рухсатидан сўнг татамида “жанг” бошланди. Носир бақувват, тажрибали спортчи. Бу унинг хотиржам, ўзига ишонч уфуриб турган ҳаракатларидан ҳам яққол сезилиб турарди. Эрали жон-жаҳди унга бўш келмасликка тиришди, ҳатто икки-уч марта аниқ зарба ҳам берди. Буни кутмаган курсантлар иккига бўлиниб, ишқибозликка, бақир-чақир қилиб далда беришга ўтишди:

– Урсанг-чи тузукроқ!.. Жонинг борми ўзи?.. Сол...

Рақибини саноқли сонияларда бир ёқли қилман деб ўйлаган Носир жаҳл билан ҳужумни кучайтирди, Эрали ҳимояни. Олишув янада қизиди.

Носирнинг кескин оёқ зарбаларидан бири кутилмаганда пешонасига қарсиллаб тегган Эрали татамига “гуп” этиб қулади. Тоҳир бадхоҳлик билан эълон қилди:

– Тамом!

Бу машъум ҳукмдан сўнг залга бирдан ўлик сукунат чўкди. Ҳатто ранги қордай оқариб кетган мураббий ҳам бир оғиз сўз айтишга ожиз эди. Эрали нафас олмасди. Ҳамма лол-ҳайрон.

Туйқус қоғоз устида қалам юрган каби нимадир қитирлагандай бўлди. Ер билан битта бўлиб ётган курсантга жон битмоқда эди. Ана, аввал у қўлларини йиғиштириб олди, кейин уларга таянганча қаддини ростлади. Сўнг оёқларида маҳкам турди-да, мушт қилиб тугилган қўлларини ёрилган лаблари ёнига олиб боргач, мураббийга қара-

ди, сўзларни дона-дона қилиб деди:

– Тайёрман. Давом эттирамыз, сэнсэй.

Лаблари пир-пир учаётган мураббий Эралини аста елкасидан қучиб олиб, шивирлади:

– Сен ютиб бўлдинг, курсант...

\*\*\*

Ўқишнинг қолган даври шувиллаб ўтди-кетди. Битирувчиларга тантанали равишда диплом топшириш маросимига курсантлар ўзларига қуйиб қўйгандай ярашиб турган лейтенант формаларида келишди.

Байрамга ота-оналар, қариндош-уруғлар йиғилишди. Улар орасида кўз ёшларини яшириб йиғлаётган Ойгул хола, эрининг ёнида катта гулдаста билан қаппайган қорнини яшириб турган Гулзода ҳам бор эди.

Жанговар ҳарбий учувчиларга қисмларга йўланмалар берилди. Бу тасодифми, Тоҳир Исомиддинов, Носир Тошбоев, Эрали Ғаниевлар бир қисмга тушиб қолишди.

Улар белгиланган пайтда қисмга етиб келишди, подполковник Раҳимов томонидан қисм жангчиларига таништирилди. Шундан сўнг ҳарбий хизмат бошланди.

Кеч кузнинг бадқовоқ кунларидан бири эди. Кутилмаганда ҳарбий учувчилар қисмида тревога янграб қолди. Учувчилар, экипажнинг бошқа аъзолари чопиб келишиб самолёт ва вертолётлар қаршисида саф тортишди.

Қисм командири подполковник Раҳимов буйруқ берди:

– Жанговар топшириқ! Зудликда десантчи аскарларни вертолётларимизда тоғли ҳудудга етказиб боришимиз шарт! Зудликда!.. Экипажлар, ҳарбий машиналарга!

Экипаж аъзолари вертолётлар томон чопишди. Усти ёпиқ машиналарда етиб келган десантчи аскарлар командирлар буйруғига кўра гуруҳларга бўлиниб, алақачон парраклари айлана бошлаган вертолётларга чопиб чиқишди.

Десантчилар ошиғич жойлашиб бўлишгач, самога учта ҳарбий вертолёт кўтарилиб, ёнма-ён учиб кета бошлашди.

Орадан чорак соат ўтар-ўтмас ҳаво кескин айниди. Қора булутлар ҳамма томонни қоплаб олди, момоқалдироқ гумбурлади, чақмоқлар чақди. Булар ҳам камдай кучли бўрон кўтарилди. Қудратли шамол забтида худди ўйинчоқдай гоҳ пастга тушиб, гоҳ тепага кўтарилаётган вертолётни бошқариш тобора қийинлашиб борарди.

Чап тарафдаги яшил чироқча пирпираганини кўрган Тоҳир радиоалоқага чиқди:

– База, биринчи эшитади! Қабул.

Учишни бошқариш марказидан навбатчининг ташвишли овози эшитилди:

– Биринчи! Ҳозиргина метеорология хизматидан шошилиш хабар олдик. Сизлар учаётган ҳудудда кескин ҳаво ўзгариши кутилмоқда. Жала, чақмоқ. Зудликда базага қайтинг!

– Тушундим. – Тоҳир қаршисидаги тугмачалардан бирини босди. – Иккинчи! Эшитяпсанми мени?

Қайдандир узоқдан Носирнинг таниш овози келди:

– Эшитяпман.

– База билан боғланингми?

– Ҳа.

– Орқага қайтиш керак.

Ташқарида шиддат билан жала қуя бошлади.

– Бошқа илож йўқ, – хўрсинди Носир. – Бўлма-са қулашимиз аниқ.

Қора булутлар бағрида чақмоқ, момоқалди роқ гумбурлади. Жала дўлга айланди.

Учинчи вертолётни бошқариб кетаётган Эралининг ёнига келган десантчилар гуруҳи бошлиғи, ёшгина лейтенант бақариб сўради:

– Нима гап, командир?

– Қайтишга буйруқ берилди. – Эрали ташқарига ишора қилди: – Хавф максимал даражада. Чақмоқ урса, бир ҳовуч кулга айланамиз.

– Чақмоқ урмаса-чи?

Эрали тушунтирди:

– Унда бўрон вертолётимизни суриб бориб тоққа уради.

Лейтенант афсусланиб бош чайқади:

– Эҳ, аттанг... Ҳеч иложи йўқми, командир?

– Озгина иложи бўлса ҳам жоним билан эди. Йўриқномага кўра ҳам ҳозироқ ортга қайтишимиз шарт! Шунча одамнинг ҳаётини хавф остига қўялмаймиз!

Лейтенант ҳаммасини тушунгандай бош ирғади-ю, бирдан ёлвориб илтимос қилишга тушди:

– Бир йўлини қилинг, ака. Биз етиб бормасак, у ёқда дўстларимиз ҳалок бўлишади.

Эрали ҳайрон бўлди:

– Нима гап ўзи, тушунтириб гапиринг.

Лейтенант оғир уф тортди:

– Тоғдан бир гуруҳ жангарилар ошиб ўтишга уринишмоқда. Уларнинг ҳужумини чегарачиларимиз қайтариб туришибди. Лекин агар улгурмасак... Эҳ, етиб борсак эдик...

Эрали қаршисидаги тубсиз зулматга, ора-сира чақнаётган чақмоқларга, дўл-жалага бир муддат тикилиб қолди, сўнг икки ёнига қаради. Иккала вертолёт чироқларидан уларнинг орқага қайрила-

ётгани равшан эди.

Радиоалоқа ишга тушди:

– Учинчи! Учинчи!

Эрали яшил тугмачани босди:

– Учинчи эшитади.

– Қайтишда ҳам эҳтиёт бўлинг. Бўрон кучаймоқда.

– Тушундим, база.

Вертолёт янада қаттиқроқ силкина бошлади. Дастакни бир амаллаб ушлаб турган Эрали ортида бошини чангаллаб ўтирган десантчиға ўтирилди.

– Ўртоқ лейтенант!

У бирдан жонланиб қолди:

– Нима гап, командир? Буйруқ ўзгардимми?

– Йўқ, буйруқ ўз кучида қолди... – Эрали икки ёнга қараб, тобора узоқлашаётган чизил чироқларни кўрди. – Етиб борсак, қанча одамни асраб қоламиз?

– Бир рота аскарни!

Негадир айна лаҳзада Эралининг кўз ўнгидан мудом мулойим жилмайиб турадиган йўриқчи-учувчи Қўлдош ака ўтдию, у шахт билан радиоалоқани ўчирди.

– Ўртоқ лейтенант, негадир алоқа ишламай қолди-я...

Лейтенант унга ҳайрон бўлиб қаради. Эрали давом этди:

– Шунга буйруқни яхши эшитолмай қолдим. Эшитсам ҳам англолмадим. Қайта сўрай десам, аҳвол бунақа.

Шундагина лейтенант ниманидир англагандай бўлди:

– Айтмоқчисизки...

Эрали ўзи ўзига буйруқ берди:

– Олға!

Лейтенант ҳаяжонланиб Эралининг елкасига қоқиб қўйди. Митти вертолёт жунбушга келган чексиз осмон бағрида ожиз хас мисоли учиб кетди.

Шу сонияларда ҳарбий учувчилар қисмининг бошқарув пультада вазият таранг эди. Зеро пулт ёнида ўтирган Раҳимовга навбатчи:

– Учинчи билан алоқа узилди, – дея рапорт берганди.

Подполковник ўрнидан илқис турди:

– Қанақасига узилади?

– Билмадим, аниқ бир нарса деёлмайман, – чайналди навбатчи. – Балки... балки ҳалокатга учрагандир...

– Ёмон нафас қилма! – жеркиб берди уни Раҳимов. – Нима қилиб бўлсаям алоқани тикла. Ҳозироқ!

– Хўп бўлади, – деган навбатчи овози хириллаб қолгунча микрофонга бақираверди: – Учинчи!

Учинчи! База гапиряпти! Қабул! Қабул...

Охири тоқати тоқ бўлган подполковник буюрди:

– Биринчига билан иккинчига хабар қилинг.

Навбатчи энди:

– Биринчи! Биринчи! – дейишга ўтди.

Тоҳир дарҳол алоқага чиқди:

– Биринчи эшитади.

– Учинчи билан алоқа узилди. Вазият ҳақида хабар беринг.

Тоҳир атрофга аланглаб, ўнг тарафида ўзига парралел равишда келаётган чироқни кўрди. Орқада эса узоқлашиб кетаётган митти ёруғ нуқта. Тоҳир жаҳл билан елка қисиб қўйди.

– База. Иккинчи ўнг ёнимда учиб кетяпти. Учинчи кўринмаяпти. Вазият: хавф максимал.

Раҳимов микрофонга эгилиб, ҳорғин овозда буйруқ берди:

– Биринчи, базага қайтинг... Нима қилиб бўлса ҳам эсон-омон етиб келинг!

– Ҳаракат қиламан, ўртоқ подполковник! – бийрон жавоб қилди Тоҳир.

– Ҳаракат қиламан эмас, бажараман денг, Исомиддинов!

– Худди шундай, ўртоқ подполковник, бажараман!

Навбатчи энди иккинчини алоқага чақириб, учинчи билан алоқа узилганини хабар қилди ва вазият борасида ҳисобот сўради.

Нодир ён-атрофга, орқага қараб олгач, рапорт берди:

– База. Биринчи чап ёнимда учиб кетяпти. Учинчи... ҳозир... учинчи ортимда, узоқда кўрингандай бўлди. Менимча у курсни ўзгартирмаган...

Подполковник микрофонни навбатчининг қўлидан деярли юлқиб олди, ҳовлиқиб сўради:

– Нима дедингиз, иккинчи? Учинчи омонми?

Носирнинг шовқин-сурон ичидаги овози аранг эшитилди:

– Узоқда кўрингандай бўлганди. Қани, яна бир қарай-чи... Йўқ, ўртоқ подполковник, ҳеч нарса кўринмаяпти. Ҳеч нарса.

Умид шами бир ёниб ўчган Раҳимов ноилож буйруқ берди:

– Иккинчи. Зудликда базага қайтинг!

– Хўп бўлади.

Пешонасига совуқ тер тошган подполковник стулга беҳол ўтириб қолди.

Яна бир муддат микрофонга:

– Учинчи!..Учинчи!.. Қабул!.. – деб қичқириб турган навбатчи ўзига ўзи гапираётгандай аста деди: – Менимча биз учинчини йўқотдик...

Бошқарув пульти марказига офир сукут чўқди.

Қалтираб-титраётган вертолётни аранг бошқараётган, ортига шунча тикилиб ҳам бирон ёруғ нуқтани кўрмаётган Носир ахийри биринчи билан алоқага чиқди.

– Эшитдингми, учинчи билан алоқа узилибди.

– Айтишди.

– Бир қараганимда курс бўйича кетаётгандай кўринганди. Энди ҳеч нарса кўринмаяпти.

Тоҳир гапни калта қилди:

– Демак етиб келган.

Носирнинг юраги шувиллаб кетди:

– Унақа дема, Тоҳир.

– Бу машқ эмас, Носир, нега тушунмайсан? – куйиниб гапирди Тоҳир. – Бу ҳақиқий жанг. Уруш эса қурбонсиз бўлмайди.

Носир иккиланган оҳангда сўради:

– Ё орқага қайтиб, хабар олайми?

– Тентакмисан? – бақириб берди Тоҳир. – Шунча одамнинг ҳаётини хавф остига қўясанми? Бунинг учун сени трибуналга беришади! Агар тирик қолсанг, албатта!

Носир очигига кўчди:

– Барибир кўнглим гаш.

– Кўнглингга эмас, буйруққа қулоқ сол! Қайт дейишдими, қайтиш керак! Тушундингми, иккинчи!

– Тушундим, биринчи!

Тоҳир тез ҳовуридан тушди:

– Бу бошқа гап...

Тим қора осмонда бўрону жала қўйнида ёнма-ён учиб кетаётган иккита миттигина вертолёт учувчилари то не машаққатлар билан, бир амаллаб базага етиб келгунларига қадар бошқа бир офиз ҳам гаплашишмади.

\*\*\*

Тим қора осмон бағрида, бўрону жала забтида қолган вертолёт учувчисига йўналишни аниқ олиш осон эмас. Эрали ҳам десант гуруҳи бошлиғининг харитасига қараб кўр-кўрона йўл танларди.

– Бўш келма, командир, – деб қўярди уям хари-тага дамо-дам қараб. – Яна бир соатча чидаб берсанг, объектда бўламиз.

Кутилмаганда бирдан мотор ўчиб, паррақлар айланиши тўхтадию, вертолёт бўрон измида номаълум томонга учиб кетди. Эрали жаҳл билан дастакни урди:

– Лаънати!

– Нима бўлди, командир? – хавотирланиб сўради лейтенант.

Эрали очигига кўчди:

– Мотор ишдан чиқди.  
– Энди нима қиламиз? Созлаб бўлмайдимиз?  
– Ҳавода-я. Йўқ... Иккинчи моторни ишга туширишга уриниб кўраман.

Эрали калитни буради. Бир неча уринишдан сўнг ниҳоят захира мотор ишлаб кетди, варраклар айланди. Вертолёт чайқалиб-қалтираб йўналиш бўйича учишда давом этди. Лейтенант хурсанд бўлиб кетди:

– Яшавор, командир!

Эрали бақириб тушунтирди:

– Бу мотор тинч ҳавода бир соат учишга чидаб беради. Бунақа бўронда эса... билмадим...

– Бир амалла, командир. Ахир у ёқда...

Эрали унинг гапини бўлди:

– Ортиқча юкларни ташлаш керак.

– Ҳозир.

Лейтенант бошчилигидаги аскарлар вертолёт эшигини очиб, зарур эмас буюмларни, юкларни пастга иргита бошладилар. Бир пасдан сўнг ёмғир-дўл ичкарига ҳам ура бошлади: вертолётни енгиллаштириш учун аскарлар оғир эшикни ҳам қўприб олиб, ташлаб юборишганди.

Ғарқ терга ботган Эрали ёнига чопиб келган лейтенантга қарамасдан ҳам гапирди:

– Ҳеч нарса кўринмаяпти. Бу аҳволда тоққа бориб урилишимиз мумкин.

– Чироқларни нега ёқмаяпсиз?

Эрали изоҳ берди:

– Моторга ортиқча зўриқиш керак эмас. Чироқларни қўниш олдидан ёқамиз. Харитани кўринг-чи, агар ростданам сиз айтган жойда бўлсак, қўнишга текисроқ жой бормикан?

Десантчи харитага қаради.

– Мана, мана бу ер яланглик экан.

– Етиб борармиканмиз...

Эрали шу сўзларни айтган маҳал вертолёт лапанглаб кетиб, мотор яна ўчди. Вертолёт пастга, зулмат қаърига қулай бошлади. Шунча уриниб ҳам захира моторни юрғаза олмаган Эрали жон аччиғида чироқларни ёқиб юборди. Уларнинг хира ёруғида қуйида тоғ чўққиси кўринди.

Вазият ўта қалтислигини, омон қолишга умид қолмаганини англаб турган бўлса-да, Эрали десантчиларга иложи борича хотиржамлик билан кўрсатма берди:

– Сакрашга тайёрланинглар!

Бўрон вертолётни ёнламасига суриб кетаркан, кутилмаганда ялангликда гулхан шуъласи кўзга ташланди. Лейтенант қичқириб юборди:

– Бизникилар!

Эрали бор кучи билан вертолётни шу ялангликка қўндиришга уринар, аммо бўрон вертолётни

жарлик томон суриб кетаверарди. Вертолёт ялангликка тахминан олти-етти метр яқинлашганида Эрали аскарларга ишора қилди:

– Сакранглар!

Бошлиқнинг буйруғидан сўнг десантчилар бирин-кетин ўзларини қуйига ота бошлашди. Вертолёт пастлаб бориб, яланглик чеккасига ғичирлаб қўнди. Бир қадам нарида тубсиз жар. Вертолёт яна озгина сурилди ва жар чеккасида лапанглаб туриб қолди.

Лейтенант Эралига:

– Сакра, командир! – деб бақирганча ўзини пастга отди.

Вертолёт жар лабида бир сония лапанглаб турди, сўнг қуйига қулади. У чуқур жар тубига шиддат учиб бориб, тошларга урилдию, ёниб кетди.

Жар лабига чопиб келган лейтенанат хирқироқ овозда пастга қараб бақирарди:

– Командир! Командир!

Вертолёт портлашидан ҳосил бўлган шуъла десант гуруҳи бошлиғининг юзини ёритди. У йиғларди...

Шу пайт жар лабига пастдан бир қўл ёпишди. Кейин иккинчиси. Буни кўриб десантчилар бошлиғи аваал қотиб қолди, сўнг шошиб тиз чўқди. Қўллар ортидан Эралининг боши кўринди.

Лейтенант жон алпозда учувчини тортиб олди.

– Омонмисан, командир!

Эрали ҳансираб, аранг жавоб қайтарди:

– Шунақага ўхшайди, лейтенант.

– Худога шукр-э! – Юзини енгига артган лейтенант шошиб ўрнидан турди. – Сен ўзингга келиб тур. Биз анави ярамасларнинг таъзирини бериб келайлик. Кейин бир отамлашамиз.

Гуруҳ бошлиғи аскарлари томон чопиб кетди.

Эрали эмаклаб жар лабига келди ва ёнаётган вертолётга узоқ тикилиб қолди...

\*\*\*

Ҳарбий учувчилар қисми майдонида байрам либосидаги ҳарбийлар саф тортишди. Одатдаги-дек, Тоҳир билан Носир ёнма-ён туришди.

Ҳалидан буён асабийлашаётган Тоҳир ғижиниб вишиллади:

– Нима, яп-янги вертолётни портлатиб юборгани учун мукофотлашяптими?

Бу гапни эшитиб сесканиб кетган Носир биринчи марта Тоҳирга қаттиқ, синчков тикилди.

– Ҳа, нима бўлди? – энсаси қотиб сўради Тоҳир.

– Ўшанда... ўшанда Эралининг орқасидан боришим керак эди, – деди Носир дабдурустдан.

Тоҳир баттар тутақди:

– Хўш, борганинда нима бўларди? Ўлар-



динг-кетардинг. Ҳалиям менга раҳмат де.

Носир бош чайқади:

– Эрали ўлмади-ку. Менам эплардим. Бу...  
қўрқоқлигим учун ҳеч қачон ўзимни кечирмасам керак.

Тоҳир майнавозчиликка ўтди:

– Ҳай-ҳай, ўзингни бос. Ювош, ўртоқ, ювош.

Носирнинг ранги ўзгарди, кўзлари нафратдан қисилди:

– Мен сенга ўртоқ эмасман. Сенинг ёнингда туришним истамайман!

Носир жаҳл билан нари кетди. Тоҳир ўнғайсизланиб атрофга аланглади, ўзига тикилиб турганларга қараб ночор кулимсиради.

Минбарга қисм командири подполковник Раҳимов кўтарилди.

– Азиз ҳамкасблар! Муҳтарам ҳарбийлар! Бугун бизнинг қисмимиз учун, ҳаммамиз учун жуда қувончли кун. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра ҳарбий операцияни амалга ошириш пайтида кўрсатган алоҳида жасорати учун жанговар учувчимиз, лейтенант Эрали Ғаниев “Жасорат” медали билан тақдирланди!

Эрали шахдам қадам ташлаб майдонга чиқиб келди. Подполковник унинг кўкрагига “Жасорат” медалини тақиб қўйди. Эрали ҳарбийлар томон ўгирилиб, честь берди:

– Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!

Гулдурос қарсақка ҳарбий оркестр ижро этаётган тантанали мусиқа садолари қўшилиб кетди.

Тантанали маросимдан сўнг ҳарбийлар трибуна қаршисидан саф-саф бўлиб ўта бошлашди. Кўкрагига “Жасорат” медали тақилган лейтенант Эрали Ғаниев уларнинг олдинги қаторида эди.

Шу куни Эрали бир эркалик қилди: қисм командирининг рухсати билан онаси, опаси, поччаси, жиянчаси ва устози, ўзи атай чақиртирган Қўлдош акани самолётга олиб чиқиб, уларни осмон бағрида роса сайр қилдирди.

-----  
(2017 йил)



*М*ехриноз  
АББОСОВА

1995 йили Наманган вилоятида туғилган. Ёш ижодкорлар кенгаши раиси. “Зулфия” номидаги давлат мукофоти соҳибдори.

**Mehrinoz  
ABBOSOVA**

**Tug'uldimu  
taqdirlandim,  
Ulug' O'zbekiston  
bilan**

\* \* \*

Менга қувват берар елкамдаги юк,  
Кўксимдаги дардлар тик тутар мени.  
Онамдайин содда, онамдек буюк,  
Отамдек сербардош халқ кутар мени.

Гоҳида тинганим, жим кетганим рост,  
Ўзимнинг дунёмга зим кетганим рост.  
Хайтга ўгакиб гап кўксимдаги  
Беозор қумримни ҳуркитганим рост.

Шу қумри эдику менинг тақдирим,  
Кўзим қамаштирди сўзлар бежирим.  
Ҳузурингга бориб, ўзимдан аввал  
Шеърларим сўрайди сендан кегирим.

Онагинам халқим, онажон халқим,  
Мен ерман, сен кўкда ой бўлиб балқи.  
Фақат севиш мумкин сени вассалом,  
Таърифингни қилиб бўлмайди талқин.

Бир бор ўзинг каби оғиб бағримни,  
Битта шеъримгалик қадрладимми,  
Юзига боқмайман, тан олмайман йўқ,  
Сени кўтармаган сатрларимни.

Онагинам халқим, онажон халқим...

## ШОИР ДЎСТИМГА

Шеър ўқийсан... тинглар ер-само,  
Қушлар тинглар сокин, беҳадик.  
Шеър бўлмаса етишимас ҳаво,  
Асли олам шеър билан тирик.

Шеър ўқийсан... тоғлар гўкар тиз,  
Боғлар унар гулли, дарахтли.  
Шоири йўқ миллатлар бахтсиз,  
Миллати йўқ шоирлар бахтли.

## САЙЛИ ХИРГОЙИСИ

Оловида қовурди ишқ,  
Кулим кўкка совурди ишқ,  
Бўронми ишқ, довулми ишқ,  
Уғиб кетди кўзларимай.

Умрим зулмат, нуринг маёқ,  
Таним муқим, руҳим саёқ.  
Игим ёнди, куйди томоқ,  
Бўзимдаги бўзларимай.

Кўп ўтиндим, руҳ келмади,  
Тик ҳақиқат букилмади,  
Шеър тўкилди, тўкилмади  
Ярамдаги тузларимай.

Қақнусмидир жоним қуши,  
Олов бўлдим гўққа тушиб,  
Боравердим гўкка тушиб,  
Қонаса ҳам тизларимай.

Дилинг Машираб, Мажнун кўйинг,  
Бўш жисмимга кўғиб кўйдинг.  
Мани майдек игиб кўйдинг,  
Энди йўқман, тугади май.

Руҳ саҳрода ёнаверсин,  
Ишқ илкимга хома берсин,  
Юрагимдан томаверсин,  
Қонли-қонли сўзларимай.

Кипригимни қанот қилиб,  
Уғиб кетди кўзларимай.

## БАТАНИМАЙ

Сени ким деб атай,  
Ёрим деб атайми,  
Дўстим деб атай,  
Сен билан туғилиб ўсдим деб атай,  
Кўзлари қуралай,  
Ватаним-ай.

Тоғларинг угун севмадим,  
Боғларинг угун севмадим.  
Омон-омон, даврон – даврон  
Тоғларинг угун севмадим.

Қандай бўлсанг, шундай севдим,  
Шоҳдай севдим, қулдай севдим.  
Париж, Амриқоларни ҳам,  
Ёнингда юпундай севдим.

Мадҳ этмайман, мақтамайман,  
Денгиздан сув ахтармайман.  
Ҳаммадан кўп севмоқ угун,  
Шоир бўлиб туғилганман.

Бу дунёда ҳар бир одам,  
Муҳаббатни туйсин дейман.  
Мени ёмон кўрганлар ҳам,  
Сени жондан суйсин дейман.

Меҳринг сезсин, қадринг билсин,  
Уволларинг тутмай туриб.  
Бағриндаги олов янглиғ,  
Икки кўзим қолди қуриб.

Бағринга бос, кўзи оғиқ,  
Ҳам юраги оғиқларни.  
Болам дема ўзингга эмас,  
Унврингга ошиқларни.

Ишим бордир мени фақат,  
Инсон деган унвон билан.  
Туғилдим тақдирландим,  
Улуғ Ўзбекистон билан.

Бундан ўзга бахт йўқ менга,  
Бундан ортиқ саодат.  
Ўзбекистон, сенинг исминг,  
Ҳаловатдир, ҳаловат.

Ҳаловатни асраганлар,  
Чин одамга айлангай.  
Тупроқ бўлиб қолар бир кун  
Ва ватанга айлангай!



*Маъмура Тўраева*  
2001 йили Қашқадарё вилоятида  
туғилган.  
Республика ёш ишодкорларининг  
Зомин семинари иштирокчиси.

**Ma'mura  
TO'RAYEVA**

*Mag'lubiyat*

Никола

**З**ўр томоша кўрамиз деб келганларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Биринчи даврадаёқ кураш “аланга олмай, чўғлигича” қолди.

Икки полвон ярим соатлардан бери бир-бирига суяниб томоша-бинларни зериктириб юборди.

- Ажратиб юборинглар, жуда лапашанг болалар экан!
- Нурали полвон чиқмаса, кураш қизимайди.
- Нурали чиқсин!

Нурали эндигина йигирма беш ёшга тўлган, аммо шу пайтгача елкаси ерга тегмаган полвонлардан эди. Эл бекорга уни майдонга чорламаяпти. Нурали даврада айландию, лекин талабгор топилмагани учун яна қайтиб жойига ўтирди. Курашаман деб келганларнинг кўпи ундан йиқилган, ҳаммасининг алами ичида...

Эл такрор-такрор талаб қилавергандан кейин баковул Нуралини яна даврага чорлади. Қўлидан ушлаб майдонда айлантириб юрди.

– Нурали полвонга талабкор борми? – деди у даврадагиларга юзланиб.

Ҳеч ким чиқмади. У билан бир курашсам, армоним йўқ, деб келганлар одоб сақлаб жим туришарди. Бир пайт орқа қаторда ўтирган йигитча ўрнидан қўзғалди.

Маъмура Тўраева Зоминда “кашф этилган” ёшларимиздан. Ўриклисойдаги нафис мажлислар тоғида наср йўналишидаги ҳакамлар бир овоздан шу қизнинг ҳикоялари алоҳида эътиборга лойиқ деган фикрга келишди.

Ушбу ҳикояга ҳам бунга тасдиқлаб турибди. Эл суйиб-ардоқлайдиган полвонларнинг ўнлаб-юзлаб фазилятлари ҳақида асарлар ёзилган, юз бирингисини шу қизимиз ҳикояга солибди. Мардлик, ҳалоллик деган эзгу қирраларни муҳаббат ёруғида тасвирлабди, ўсмирликнинг тиниқ нигоҳида айрига жилвалантирибди. Зомин мажлисларида иштирок этган устозлар номидан ёш ёзувгимизга бадииятнинг қийин ҳамда шарафли йўлларида зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Исажон СУЛТОН



– Мен курашаман!  
 Ҳамма унга қаради. У чайиргина, миқти бир йигитча, катта полвонларга хос белгилари сезилмасди.  
 Даврада кимдир ҳазил қилди:  
 – Вой-бў-ўй, Алпомиш-ку, бу!  
 – Полвонни ямламай ютади-ку, – дея яна биров хиринглади.  
 Нурали полвон ҳам нописанд қараб турарди. Унинг бепарво жилмайиши йигитчанинг гужурига тегди.  
 – Мен гўдаклар билан курашмайман, – деди Нурали баковулга эшиттириб.  
 – Ўз тенгини топиб беллашсин.  
 – Қўрқаяпсизми? Очигини айтаверинг, – деди ҳалиги талабгор Нурали полвоннинг нафсониятини оёқ-ости қилиб.  
 – Полвон ирғиб ўрнидан турди. Жаҳлдан бунун катаклари пир-пир учди.  
 – Бўпти, ўзингдан ўпкала, болакай.  
 Баковул уларни элга таништирди. Талабгор кўшни қишлоқлик Дилшод экан.  
 Кураш бошланди.  
 Талабгор Нурали полвоннинг белидан тутаркан, шивирлади:  
 – Қўшнимиз, Нафиса опа сизга салом айтди.

Эндигина рақибни силтаб отишга чўғланаётган полвоннинг билаклари бўшашди. Дилшод пайтдан фойдаланиб яна пичирлади:

– Мен учун йиқилиб беради, деб айтди.

Нурали полвон буткул саросимада қолди. У чиндан ҳам кўшни қишлоқлик, мактабда муаллима бўлиб ишлайдиган Нафисада кўнгли бор эди.

Рақибни ўша қизнинг исмини тилга оларкан, бутун аъзои баданида ёқимли титроқ кўзгалди. Нуралининг алланечук довдираб турганини сезган Дилшод дадил хужумга ўтди-да кутилмаганда рақибини “кўш чил”га олдию, чалпак қилиб ерга урди.

– Ҳалол! – деб юборди баковул.

– Ҳалол! дея давра денгиздай чайқалди.

Нурали полвон икки қулочини ёзганча ерда ётар экан, рақибига кўз қисиб қўйди: “Енгдинг укам, енгдинг!”

\*\*\*

Совчилар маҳзун, диллари хуфтон бўлиб қайтиб келишди.

– Нима гап, она? – деб сўради бетоқат кутиб ўтирган Нурали.

– Сенга тегмасмиш, ўша Нафисанг, – деди хола чуқур тин олиб. – Фирром полвон экансан.

Онаси Нуралига ачинганнамо тикилди.

– Менга қара, болам, сен қайси куни курашда, кимгадир йиқилиб берибсанми?

– Мен...мен... – чайналди Нурали.

– Қўйгин, кўп куйинма, – далда бўлди холаси – сенга ундан минг карра яхшисини топиб берман.

– Менга бошқаси керак эмас! – беихтиёр қичқириб юборди Нурали ташқарига отилар экан.

У тўғри Дилшод полвонни кига югурди. Полвон йўлда таянглашиб кетар экан, негадир ҳамма унга қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандек, барча унинг устидан кулаётгандек туюлди. Томоғига қандайдир аччиқ нарса келиб тиқилди.

Дилшодни чақиртирди. Кўп ўтмай ўша рақиб бепарво чиқиб келди.

– Алдадингми? – дея унинг ёқасидан ушлади Нурали газабланиб. – Айт, нега ёлгон гапирдинг?

– Полвон ака, сизни алдамасам бўлмасди. Карим аканинг қизи Сурайёда кўнглим бор. У агар сизни йиқитсам, менга тегишини айтди.

Нурали полвон беихтиёр кулиб юборди. Иккиси дарахт ёнига ёнма-ён ўтирди.

– Кўрдинг, – деди Нурали полвон атрофга ўғрича аланглаб. – Полвонмиз, деймиз, лекин ҳаммамиз муҳаббат олдида мағлубмиз...



*Анна ОУЛДФИЕЛД,*  
АҚШнинг Костал Каролина  
университети профессори.  
Жаҳон адабиёти, хусусан,  
славян ва Марказий Осиё  
халқлари адабиёти бўйига  
мутахассис.

Инглиз тилидан  
Гулҳаё МАҲАМАДАЛИЕВА  
таржимаси.

## Tarjima – ikki madaniyat ko‘prigi

*Мазкур мақола 7-8 август кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция уғун ёзилган.*

Америка Қўшма Штатлари университетларида жаҳон адабиёти фанининг вазифаси талабаларга классик ва замонавий жаҳон адабиётини ўргатишдан иборат. Америкалик талабалар учун, адабиёт – дунё халқларига йўл очувчи бир дарча, дунё халқларининг маданиятидан хабардор этувчи ва ўша халқларни англаш учун замин бўлгувчи туб воситадир. Таассуфки, яқин-яқингача жаҳон адабиёти дейилганда, юнон адабиёти (Хомер ва ҳоказо), Европа мамлакатлари ҳамда рус классик адабиёти (Гёте, Волтер, Толстой кабилар), шунингдек, XX аср Лотин Америкаси ва Осиё халқлари адабиётининг айрим вакиллари (Гарсия Маркес, Мураками Харуки) тушунилган. Ҳатто асарлари билан жуда кўп ўқувчилар қалбидан ўрин эгаллаган қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳам Жаҳон адабиёти антологиясига киритилмаган. Бу эса америкалик талабаларнинг таҳсил олиш жараёнида туркий тиллардаги адабиёт намуналаридан ақалли бирортасини ўрганиш имкониятига эга бўлмаганидан далолат.

Европа Марказий Осиё халқлари адабиётини ўрганишда биздан кўра анчайин устунликка эришган. Немис ёзувчи Иоганн Волфганг Гёте 1827 йилда адабиётга илк бор “Жаҳон адабиёти” истилоҳини олиб киради. “Шарқу Фарб девони”нинг муаллифи сифатида у “Жаҳон адабиёти” концепциясига Шарқ ва Фарбнинг занжир каби ўзаро боғланиши дея таъриф беради. 1801–1876 йилларда яшаб ўтган британиялик шарқшунос, “Минг бир кеча” эртақларининг таржимони Эдвард Лейн араб, форс ва турк тилларидан бир қанча асарларни инглиз тилига ўгиради. Бироқ бу таржималарни, асосан, мутахассислар ўқиган, холос. “Минг бир кеча” ва Умар Ҳайём рубоийларини ҳисобга олмаганда, америкаликлар Фарбий ва Марказий Осиё мамлакатлари адабиёти билан деярли таниш бўлмаган. Туркий халқлар адабиётига келсак, бизда улардан ҳатто бирор бир намуна ҳам таржима қилинмаган.

Америкада Марказий Осиё маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш XX асрнинг иккинчи ярмида, Совуқ уруш йиллари пайдо бўлди. Ўшанда Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқи таркибида экани ҳам бу қизиқишларнинг асосий сабаби бўлган. Марказий Осиё мамлакатларини ўрганган тарихчи Эдвард Олворс Совуқ уруш даврида ўзбек ва тожик адабиётининг айрим намуналарини инглиз тилига таржима қилади. Тадқиқотчи З.Мирзаевага кўра, бу таржималар адабиёт манфаатларига эмас, балки сиёсий мақсадлар йўлида, тор доирадаги мутахассислар учун хизмат қилган. Шу сабабдан бўлса керак, Костал Каролина университетидан маърузаларимга қатнашадиган талабаларнинг ҳеч бири туркий тилларда битилган асардан хабардор эмас эди. Улар, ҳатто, дунёнинг каттагина қисмига ёйилган туркий халқлар маданият, шу маданиятга дахлдор ўзбек, озарбайжон, қозоқ ва турк адабиётидан таниш эмасдилар.

Мен ўз маърузаларим бошланишида, аввало, талабалардан Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари ҳақида билганларини гапириб беришларини сўрай эдим. Аммо улар бу давлатларда қандай халқлар яшаши, уларнинг турмуши ва тили ҳақида деярли маълумотига эга эмасликларни тан олишди. Шундан сўнг улардан ўзбек адабиёти хусусидаги мулоҳазаларини сўрашнинг ҳожати ҳам қолмади.

Очиғи, бу ўринда талабаларни айблаб бўлмайди. Боиси, улар жаҳон адабиётидан билимлар чегараланган таълим тизимида ўқиган ўқувчилардир. Ҳатто университет даражасида ўргатиладиган “Жаҳон адабиёти антологияси” ҳам, асосан, Америка адабиёти вакилларини ўз ичига қамрайди, бу ҳам майлику-я, тўрт томлик “Жаҳон адабиётининг нортон антологияси” да на ўзбек халқ оғзаки ижоди, на мумтоз, на замонавий адабиётдан бирор намунани учратасиз. Бундай ҳолат талабаларнинг дунё тўғрисида эгаллаган билимларида жуда катта бўшлиқни пайдо қилган. Адабиёт эса бу бўшлиқни тўлдириш учун миллат ва мамлакат ҳаёти, тарихи билан таништиргувчи зарур манбадир.

Узоқ йиллик педагогик фаолиятимдан шуни англаб етдимки, ўзбек адабиётининг инглиз тилига ўгирилиши америка ва ўзбек халқи ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш учун том маънода калит вазифасини ўтовчи ҳодисадир. Аммо бунда бир муҳим жиҳатга эътибор қаратмоқ лозим. Яъни таржима учун ўзбек ва Америка маданияти ўртасидаги жуғрофий, тарихий, лингвистик омиларнинг нозик жиҳатларини инобатга олган ҳолда энг муносиб бадиий асар танланиши керак.

Зеро, уни ўз тилида ўқиган ҳар қандай америкалик китобхон худди Ўзбекистонга бориб, у ерда ўзбеклар билан яшаб, уларни яқиндан билган одамдек таассуротга эга бўлсин.

Ўзбекистон Буюк Ипак Йўли минтақасининг марказий мамлакатларидан бири эканидан ташқари, бутун дунё таниган Алишер Навоийдек шоири ва жуда машҳур шаҳарлари билан Марказий Осиёда алоҳида ўрнига эга бўлган давлатдир. Ўзбек мумтоз адабиётини, масалан, Алишер Навоий асарларини тушуна олиш учун америкаликларда ўзбек маданияти ва ўша даврдаги эски туркий тил борасидаги билимлар етишмайди. Туркий, форсий ва араб тилларининг бир-биридан қандай фарқ қилишини ажрата олмайдиган америкаликлар Навоийнинг туркий адабиёт учун қўшган улўф ҳиссасини, шубҳасиз, тасаввур қила олишмайди. Негаки, уларда на туркий шеърият фалсафаси, на тасаввуф, на газал хусусида, оз бўлсин, тушунча йўқ. Шунинг учун ҳам америкаликлар Навоий ижоди мағзига махсус изоҳларсиз ета олмайди. Жуда озчилик ўқитувчилар, ҳатто университет профессорлари ҳам бу шеъриятни тушунтириб бера олиши учун, аввал ўзлари махсус ўқиб-ўрганиб, тайёрланиб олишади.

Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда, ўз ечимини кутиб турган қатор лингвистик муаммолар мавжуд. Яъни, бунда таржимон асарни инглиз тилига маҳорат билан таржима қилишга, унинг аслияти билан таржимаси бир-бирига мос келишига эришиши керак. Яна бир муҳим жиҳат: ўзига хос ўзбекона бадиий тасвир усуллари, уларнинг турмуш тарзини очиб берувчи воқеалар ҳамда уларнинг сўзлашув маданиятини айнан ўзбекона тарзда етказиб беришда беҳад эътиборли бўлиш зарур. Шеъриятдан қилинадиган таржима алоҳида маҳоратни талаб этади-ки, бунинг ўзи бир мавзудир. Юқоридагиларни хулосалаб айтиш мумкин-ки, таржима учун бадиий асарлар, авваламбор, ўзбек ва америка маданиятининг бир-бирига ўхшаш жиҳатларини эътиборга олиб, икки халқнинг ҳамжиҳатлигини таъмин этган ҳолда танланиши лозим.

Америкалик адабиётшунос олим, таржима назариясининг етук мутахассиси Ловренс Вентути “Таржима, жамият, утопия” номли мақоласида сарлавҳадаги “утопия” сўзи билан боғлаб муҳим бир фикрни илгари суради. Яъни, у таржимон таржима қилинаётган асарга нисбатан “утопик” муносабат билан унда рўй бераётган жамики воқеаларни хаёлан кўриб, ҳис этиб яшаши керак эканини таъкидлаб, шундай ёзади: “Таржима қилиш ма-

софаларни ортада қолдириб, асар билан бирга яшаш, унинг ичига тушишдир. Ичкарида (асарда) қатъий мақсад сари ўзга тилдаги сўзлар билан учрашсан, сўзлар эса сенинг қошингда тизилишиб ўз навбатини кутади... Таржима қилиш бу реал ҳаётда мавжуд бўлмаган асарнинг воқеалари ичида хаёлан яшаш, унинг билан қовушиб кетиш демакдир”.


Демак, Венутининг таржима назариясидаги “утопик” қарашига кўра, бадий таржима тили ва маданияти бошқа-бошқа халқларнинг келажигини ўйлаб дунёга келади. Дарҳақиқат, таржима икки халқни бадий тафаккур орқали бирини-бирига жипслаштирадики, ўзга ҳеч қандай восита бунга қодир эмасдир. Тафаккур оламида ўзаро муносабат ўрнатган ушбу “жамиятлар” бири-бирига ҳамдард бўлади, қўллаб-қувватлайди. Чет эл адабиётини ўз тилимизда мутолаа қилар эканмиз, биз тасаввуримизда илгари ҳеч қачон кўрмаган, яшамаган, олам ичра кезамиз. Бунда гарчи таржима асарлар аслиятдан тафовут қилса-да, маданиятлар ўртасида улкан фарқ бўлса-да, барибир, бадий таржималар бизга бутун дунё халқлари келажакда бир-бирини англаб етади деган ёрқин умид бахш этади. Таржима асарларини ўқиб чиқиш оддий бир зарурият эмас, балки инсониятни янада чуқурроқ англашни талаб этадиган муҳим бир фаолиятдир.

Шундай экан, биз таржимонлар биринчидан, америкалик ўқувчилар учун бу вазифаларни ўтай оладиган бадий асарларни танлаб олиш, иккинчидан эса, адабиёт ёрдамида талабаларда ўзбек халқи маданияти ва тарихи ҳақида соғлом қарашларни пайдо қилиш йўлида қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоғимиз керак.

Мана шундай мақсадлар йўлида Зулхумор Мирзаева ва бир гуруҳ таржимонлар билан биргаликда замонавий ўзбек ҳикояларининг инглиз тилидаги тўпламини туздик. Бу антология ҳозирда АҚШнинг Сиракюс университети нашриёти томонидан нашрга тайёрланмоқда. Нега биз шеърият ёки қисса, ёки роман эмас, айнан замонавий ҳикояларни танлаб олдик? Биринчидан, аксар талабалар кўп воқеа-ҳодисаларни қамраб олган романлардан кўра, тезда ўқиб чиқиладиган кичик ҳажмдаги ҳикояларни мутолаа қилишади; иккинчидан, талабалар вазият ва қаҳрамонларнинг ўзлари яшаётган замон билан ҳамнафас эканидан ҳам замонавий адабиётни ёқтиради; учинчидан, талабалар одатда назмдан кўра насрий асарларни маъқул топишади. Антологияга киритилган ҳикоялар америкалик китобхонга ўзбек ҳаётида оиланинг муҳим ўрни ва қариндошчилик муносабатларидаги муаммолар, давлатдаги сиёсий ва тарихий ўзгаришларнинг инсонга берган зарбалари, халқнинг ўзига хос эзгу орзу-истаклари ҳамда ғам-ташвишлари, уруш етказган оғир руҳий заҳматлар кабиларни баён этади. Шунингдек, антология ўзбек насрининг модерн ва постмодерн йўналишидаги намуналаридан баҳраманд бўлишга имкон беради. Мутолаа жараёнида талабалар ўзбек халқи билан танишади ва уларнинг ҳаёлидаги ўзбеклар асли қандай миллат эканини англаб етади.

Мен, илк тажриба сифатида, талабаларимнинг қўлига бу ҳикояларни тутқазиб: “Буларни ўқиб чиқинг-да, менга хулосаларингизни айтинг”, дедим. Қарангки, талабаларимнинг баридан, ҳа, баридан фақат ижобий фикр эшитдим. Яна бир адабиётшунос танқидчи эса: “Кимдир, ҳа, бу машҳур ўзбек ҳикояларининг инглиз тилидаги таржимаси экан, дейиши мумкин. Бироқ мен, бу антология ҳар қандай китобхонни, ҳар қандай ҳикоя мухлисини ўзига ром эта олишга қодир ўнта бетакрор ўзбек ҳикоялари деб айтаман”, дея тўпламга баҳо берди. Тўпламни нашрга тайёрлаш чоғида биз ҳам айни шунга – ҳикоялар кенг китобхонлар оммасининг меҳрини қозонишига умид қилган эдик.

Ҳозирда АҚШ ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида илиқ сиёсий алоқалар ўрнатилгани қувончли ҳол, албатта. Бироқ биз, адабиётшунослар, таржимонлар икки халқ бир-бирини ҳақиқий маънода тушунишлари, бир-бири билан ҳамжиҳат бўлишида “кўприк” бўладиган адабиётни, бадий асарларни таржима қилишда изланишдан асло тўхтамаслигимиз лозим.





## USLUBIY VA G'UYAVIY HAMOHANGLIK

Bibi Robi'a  
SAIDOVA



Бибӣ Робиъа  
САИДОВА

1991 йили Хоразм  
вилоятида туғилган.

Ўзбекистон Миллий  
университетининг ўзбек  
филология факультетини  
тамомлаган. Ўзбекистон  
Ёзувчилар уюшмаси  
томонидан “Биринчи китобим”  
руқнида “Парвоз”  
номли ҳикоялар тўплами  
нашр қилинган. “Ақл  
ва руҳ” номли адабий  
мақолалар китоби чоп  
этилган.

Аҳмад Аъзам “Рўё ёхуд Гулистонга сафар” романининг бош-ламасида “...қанақа асар бўлиб чиқишидан қатъий назар, қисса дейманми, рўмонми ё кузатувларми, балки сафар таассуротларидир, ўқиб чиқсангиз, ундаги воқеалардан воқиф бўлсангиз кифоя”, деб асар жанрини хоҳлаганидай белгилаб олишни ўқувчининг ўзига қолдиради. Гарчи биз асарда юқорида тилга олинган жанрларнинг синтезини кузатсак-да, унинг бадиий кўлами, шахс ва жамият муносабатларининг вақт нуқтаи назаридан катта бир даврни қамраб олганлиги ва ниҳоят гоъвий-фалсафий жиҳатидан роман деб қабул қиламиз. Қолаверса, мазкур асар адабиётшунослиқда роман жанри учун истифодада бўлган бироз умумий ва анъанавий ўлчамлар талабларига ҳам жавоб беради.

Дастлаб, бу роман бадиий адабиётнинг қайси адабий услубига мансуб, у романининг қайси типига киради, деган саволларга тўхталиб ўтсак. А.Камью “Исён ва услуб” мақоласида: “Воқелик ва хаёлот – бир бутунликнинг ажралмас қисмларидир. Санъаткор воқелиқдан танлаб олган унсурларни бадиий тил ёрдамида хаёлот билан уйғунлаштирувчи ва у яратган бадиий дунёнинг тугал бўлишини таъминловчи восита – услуб деб аталади”, дейди. Адабиётшунослиқда мактаб, йўналиш, ҳатто жанр деб турли хил номланадиган романтизм, реализм, модернизм, постмодернизм, детектив, фантастика каби услублар қаторида утопик ва антиутопик услублар ҳам мавжуд.

Утопия йўналиши адабиётга Томас Морнинг 1516 йили ёзилган “Утопия янги ороли ва олий давлат қурилиши ҳақидаги фойдали ҳамда қизиқарли олтин китоб” асари билан кириб келган. Утопия юнонча “мавжуд бўлмаган жой” деган маънони англатади. Луғатларда бу йўналиш илмий фантастикага яқин, муаллиф нуқтаи назарига кўра олий жамият шаклининг тасвири, хаёлий уйдирма, амалга ошмайдиган орзуларни ифода этувчи асар деб таърифланади. Утопик асар муаллифнинг ўзи яшаб турган жамият аҳволидан, қонун-қоидаларидан, ижтимоий муносабатлардан қониқмаслиги ва уларни идеал даражада кўриш истагидан пайдо бўлади.

Шарқда эса утопик асар унсурларини одил шоҳ, доно вазир ҳақидаги эртак ва афсоналарда кўрамиз. Шу маънода, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” китоби мазкур йўналишдаги шоҳ асардир.

Антиутопик асарларда эса шахс ва жамият манфаатлари айро, шахснинг орзу-умидлари, ҳатто, ҳаёллари бўйсундирилган. У руҳий озодлик ёки индивидуал фикр деган тушунчалардан мосуво, мустабид жамият ва унинг тутумларини бахт деб қабул қилишга кўниктирилган. Қизиғи шундаки, утопик йўналишга пародия сифатида юзага келган антиутопик асарлар ҳам инсонни ўзидан, яшаётган муҳитидан огоҳ қилади, кўрқувни енгишга, комил шахс ва жамият ҳақида тафаккур қилишга ўргатади. “Антиутопияда эркисизлик ва зулм ҳукмрон бўлган жамият олами, шу жамиятнинг қонунларини ўзида синаб кўрган инсоннинг ҳис туйғулари орқали очиб берилди, антиутопиядаги энг муҳим хусусият шахс ва тоталитар жамият ўртасидаги конфликт ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шўро адабиётида бу жанр таъқиқланган эди”, деб ёзади адабиётшунос олим М.Черняк.

Жаҳон адабиётида Евгений Замятиннинг “Биз” романи антиутопик йўналишдаги энг машҳур асарлардан бири ҳисобланади. 1920-1921 йилларда Петроградда ёзилган бу асар 1988 йили нашр қилинган. Роман сюжети бир қараганда фантастик саргузаштга ўхшаб кетади. Воқеалар узоқ XXVI асрда Ягона Давлат деган утопик мамлакатда содир бўлади. Уларнинг мақсади бутун сайёраларни забт этиб, ёввойиларча озодликда яшаётганларни беҳато математик “бахт”га эриштириш бўлган. Фуқаролар шу даражада шахсидан маҳрум қилинганки, уларнинг исмлари йўқ, рақам билан белгиланган. Одамларнинг вақти соатма-соат тақсимланиб жадвалга солинган, бир вақтда уйғонишади, бир вақтда овқатланишади ва бир вақтда ишлашади. Инсонда руҳ, юрак, илҳом мавжудлиги, санъат, адабиёт, илм-фан, муҳаббат ва озодлик ҳақида тасаввурларнинг бўлиши тутқаноқ сингари касаллик ҳисобланади.

Роман қаҳрамони Д-503нинг ҳаётида 1-330 номли қиз пайдо бўлади. Қиз Яшил деворни бузиб бутун инсониятни бирлаштирадиган бўлган “фитначи” эди. Д-503 “севги туйғуси”ни ҳис қилиб, қизнинг уйига кўчиб ўтади. Аммо сотқин чиқиб севишганлар қўлга олинади. Жарроҳлик йўли билан ақл-идрокидан маҳрум қилинган Д-503 собиқ севгилиси 1-330ни қийноққа солишларини бефарқ кузатади... Тадқиқотчилар романни социалистик жамият келажакининг башорати деб

баҳолашган. Дарҳақиқат, шўролар даврида шахс – “Мен” романга номи берилган “Биз”га, тўдага, қиёфасиз оломонга айлантирилган. Асардаги “Сақловчилар” Бюросида НКВД, КГБ қиёфасини кўриш қийин эмас. Шиша уйлар – қамоқхона казармалари, рақамланган фуқаролар – ГУЛАГ маҳбуслари билан, Яшил девор – шўро фуқароларини ташқи дунёдан ажратиб турган “Темир парда” билан икки томчи сувдек ўхшаш.

Ўзбек адабиётида шахс ва жамият масаласи реалистик, дедектив, тарихий, саргузашт асарларда қай бир даражада акс этган бўлса-да, аммо XXI асрга қадар соф антиутопик услубда қаламга олинмаган. Антиутопия назариячиларининг ишларида ва адабиёт лугатларида таърифланган қоидалар ҳамда антиутопик асарлар намуналаридаги олға сурилган ғоялар, сюжет қурилиши, образларнинг вазифаларидан келиб чиқадиган бўлсак, Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Фулистонга сафар” романи ҳам антиутопик услубда ёзилган асар дейиш мумкин. Аммо баъзи жузъий тафовутлар бор, албатта. Масалан, одатда антиутопик асарларда мавжуд тузумга қарши курашган қаҳрамонлар ҳалок бўлади. “Рўё...” да эса ровий-қаҳрамон уйига қайтиб кетади. Иккинчи тафовут – аксарият антиутопик асарлар узоқ келажакда юз беради, “Рўё...” да эса бугунги кунда қаҳрамон ҳаёлий мамлакатга ўтиб қолади, аммо у ердаги вақт мавҳум. “Рўё ёхуд Фулистонга сафар” романига қадар фақат Эркин Аъзамнинг “Чапаклар ёки чалпақлар мамлакати” қиссасида антиутопик услубнинг баъзи хусусиятлари мавжуд эди. Аммо “Чапаклар ёки чалпақлар мамлакати” антиутопик асар элементлари нуқтаи назардан тадқиқ қилинмаган. Антиутопия услуби ҳақидаги назарий ва амалий тадқиқотлар асосида Аҳмад Аъзам ва Эркин Аъзамнинг бу икки асарини келажакда жаҳон адабиёти тажрибаси билан, айниқса, Е.Замятиннинг “Биз” романи билан қиёслаб ўрганиш зарурати бор деб ўйлайман.

Аҳмад Аъзам романидаги ҳар бир воқеа, образ, диалог ва мамлакат тасвирларини ҳам худди “Биз” даги каби қиёслар билан шарҳлаш, тушунтириб бериш мумкин.


Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Фулистонга сафар” романи Тошкентдан йўлга чиққан ровий-қаҳрамоннинг Жиззах йўлидан ихтиёрсиз равишда бурилиб бориб қолган мамлакат тасвири ва ўзининг ташрифи билан юз берган воқеаларга қурилган. Мамлакатнинг номи Фулистон “ғул” – занжирдан олинган. Шунинг учун: “Амалдори ҳам, ҳайдовчиси ҳам, қўриқлаб юрган каттаю кичик аскарлари ҳам, хуллас ҳаммаси занжирга

чулганган... Шу қадар кўникиб кетганларки, усиз юрмайдилар, юрмаганлар ҳам, юришни тасаввурларига ҳам келтирмайдилар”. Одамларнинг исми йўқ, бир-бирларини “Ғулий” деб аташади. “Ғулия” деб аталадиган мадҳияларини ҳамма бирваракайига куйлайди. Болаларини ҳам юра бошлаганидан бошлаб занжирга чулғайдилар. Одамларнинг нафақат ҳар бир қадами, ҳатто нигоҳлари ҳам занжир манфаати учун хуфиялар ва энг замонавий кўрув-эшитув ускуналари билан назорат қилинади. Бу қуллик салтанатини бошқариб турувчи кўринмайди, аммо унга ва занжирга Худога топингандай топинадилар: “Бир куни Холдор Ғулийдан сўрадим: – Энг каттангиз ким? У мен шу пайтгача деворда қанча кўрган бўлсам, шунча эътибор қилмаган расмга ишора қилди. Аммо расм мени тушунмас, табиийки, менга ҳам ҳеч нарса тушунтирмас, нуқул буюриб турган эди холос”. Мамлакат ҳаёти қатъий тартиб-интизомга ва ёлғонга қурилган. Электрон бўёқ мўъжизаси билан ҳар лаҳзада ўзгартириб туриладиган газета-журналлар, қомусий китоблар занжирга эътиқодни мустаҳкамлайдиган ёлғонлар билан бойитиб турилади. Ғулийларнинг олма етиштиришдан олий мақсадлари организмда темирни кўпайтириб алал оқибат болаларни ҳам занжир билан туғиладиган бўлишига эришиш: “Ғулистонда занжирбанд бола олиш борасида жуда кенг кўламда иш олиб борилади, бутун ғулий халқи бугун бўлмаса, эртага, жилла қурса, яқин келажақда шундай намуна зурёд дунёга келишига ишончи комил ва шу йўналишда илҳом билан ижод қилади”. Фуқароларга занжирсиз юртларда яшаётганлар ёввойи, ҳайвон қатори махлуқлар эканлиги уқтирилади. Ўзгача фикрлайдиганларга занжирдан маҳрум қилинишдек олий жазо берилади.

Ниҳоят ровий-қаҳрамоннинг Ғулистонга нима мақсадда келганлигини аниқлаш учун машинасидан топиб олинган китобини ўқиб кўришади ва занжирсиз яшаш мумкинлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиб эътиқодларига путур етади. Ровий-қаҳрамон бош назоратчи Холдор ғулий билан гаплашгач, айтади: “Қисса, ҳикоя, новелларимда мен тасвир, кечинма, ҳаракатларни бериш учун эътиборсиз ёзиб кетган шунақа сўзларни айтдики, уларда ғулийетни таъсирлашга қаратилган замонавий тилсимлар бўлиб, ҳаммаси муайян шифрлар билан кодланган экан. Мана, “осмон”, “булут”, “қушлар”, “кенг дала”, “сўлим маъво”, “тизгинсиз ўйлар”, “парвоз”, “югуриш”, “интилиш”, “талпиниш”га ўхшаган ўнлаб, балки юзлаб сўзлар ғулийнинг қатъий кўнглига, ҳозир айтганимдек, тубдан, тағлама таъсир ўтказиб, ўз ҳаёти-

ни яна бир марта танасига ўйлаб кўришга ундаб юборар экан. Шунинг учун ҳам китобимни ўқиганларни тозалаш сабоғидан ўтказиш учун навбатлар тузилган, сабоқдан ўтган ва ўтмаганлар орасида катта ихтилоф чиқиши хавфи етилиб келаётган экан”. Ҳақиқатан ҳам фуқаро тарафдорлар ва қаршиларга бўлинади. Ҳатто давлат топшириғи билан ровий-қаҳрамонни севиб қолган ғулия қиз ҳам бош назоратчига “Энди қайтмайман, дастурни бажариш баробарида мен кўнглимдек кўнгил топдим”, дейишгача боради. Китобни ўқиганлар тозалаш сабоғидан ўтказила бошлайди. Ғулистон раҳбарияти ровий-қаҳрамонга ишора билан қайтиб кетишига изн беришади. У Жиззахга манзилига етиб келганда машина йўл ўлчагичи ҳам, орадан ўтган вақт ҳам унинг Ғулистонда бўлганлигини, неча ойлаб қолиб кетганлигини тасдиқламайди.

Кўриниб турибдики, хаёлий мамлакатдаги тузум тасвири, сюжетларнинг моҳиятига кўра тузилиши, муаллиф ғоясининг бўрттирилган ғайриинсоний ҳолатлар воситасида берилишида бу асарларда ҳамоҳанглик бор. Антиутопик услуб анъаналарига вақт-макон, ғоя нуқтаи назаридан, насрий асар анъаналарига масалани қўйилиши, мотив, тугун,



конфликт, кульминация ва ечимнинг қурилиши жиҳатидан амал қилинган. Аммо Аҳмад Аъзам романи тасвир услубининг батафсиллиги, ҳолатлар ва фикрларни далиллаш учун кўплаб ҳикоя ичида ҳикояларнинг берилишига кўра юқоридаги асарлардан фарқ қилади. Аҳмад Аъзам романида иккита умидбахш шуъла қолдиради. Биринчиси – муаллиф-ровийнинг машинасидан топилган китоб ва китобдан Ғулистон фуқароларига юққан занжирсиз юриш туйғуси, шунингдек, Ғулистоннинг кейинги тақдири очик қолдирилиши. Иккинчи шуъла – занжир тақишга олиб келинган болалардан бирининг дўконга кириб қолган ровий-қаҳрамонга кўзи тушиши:



“Онаси уни қўлидан етаклаб бораётганда бола, феъликкина экан, йиғламади. Эркак ходимнинг тиззасига ўтирганда менга қараб олди, бўйин тасмани қотираётганда ҳам, қўл-оёғига кишан тақилаётганда ҳам мендан кўзини узмай, миқ этмай тураверди. Ҳатто занжирчалари тақилиб, ота-онаси, икки акаси қийқириб, бошқалар чапак чалганда ҳам болакай менга бот-бот тикилди. Шунча издиҳомнинг ичида менга кўз тиккан фақат шу болакай эди! Бола нигоҳида у нима демоқчи бўлди, “Озод одамсиз-ку, қаранг, булар мени нима қилди?”, деб сўраяптими ёки: “Манави одамга қаранглар, занжири йўқ экан”, деб айтмоқчимикан, билмадим, лекин унга қараб кўзимни қисиб қўйган эдим, кичиккина жилмайди, жилмайиши болаларча беғубор, катта ғулийларга сира ўхшамас эди”.

Агар Аҳмад Аъзам жамият ва шахс ўртасидаги зиддиятни, тоталитар тузум қиёфасини антиутопик йўналишда кўрсатиб берган бўлса, худди шу мавзунини грузин ёзувчиси Нодар Думбадзе “Абадият қонуни” романида адабиётнинг энг оммавий ва анъанавий – реализм услубида қаламга олади. Реализм юқорида тилга олинган утопик ва антиутопик услубларнинг ўртасида турадиган услуб дейиш мумкин. Нодар Думбадзе ҳақиқатан ҳам “ўз даврининг илғор ғоявий позициясидан четда турган ёки унга ётсираган” реалистлигини шўро жамияти ёзилган, ёзилмаган қонунлари билан шахсни маънан, керак бўлса, жисмонан маҳв этиши масаласини кўтариб чиққанлигида кўриш мумкин. Қаҳрамонлар – ёзувчи Бачана, руҳоний Йорам, этикдўз Булика касалхонанинг юрак хасталиклари бўли-

мида ётишининг ўзи билан ёзувчи жамиятнинг шахсга тазйиқи оқибатига ишора қилади. Роман сюжети палатадаги воқеалар ва қаҳрамонларнинг, асосан Бачананинг ҳикоялари, хотиралари, тушлари чизиқларини туташтириш асосига қурилади. Бачана ҳаётини бағишлаган ҳалоллик ва адолат, руҳоний умрини тиккан иймон ва эътиқод мавжуд жамият томонидан иллат сифатида қабул қилингани, уларнинг ҳамма қатори ёлғон, товламачилик, нафс занжирларини тақиб юрмаганлари учун жазоланганлиги очиб берилади.

Агар роман воқеалари мавҳум макон ва мавҳум замонга кўчи-

рилса, романда тасвирланган жамиятнинг амалдаги ва қоғоздаги қонунлари сал бўрттирилса, қаҳрамонларнинг қиёфалари нореал шахсларга кўчирилиб тасвирланса антиутопик асарга айланади қолади. Муаллиф роман сюжетига Бачана Рамишвилининг олдида келиб кетувчи одамлар қиёфаларини киритар экан, уларнинг кўтариб юрган масалалари, ички дунёси, ақидалари орқали жамиятнинг қиёфасини, руҳий аҳволини акс эттиради. Масалан, Бачанага ўзини узоқ бир қариндошининг қўшнисининг ўғли Нугзарман, деб таништириб касалхонага келган одам билан бўлган суҳбат бунга яққол мисол бўла олади.

– Ўтинаман сиздан, ҳурматли Бачана, бошлиқларга илтимоснома ёки райкомимиз секретарига икки энлик хат ёзиб берсангиз...

– Менинг нима алоқам бор? – деди ҳайрон бўлиб Бачана.

– Нега алоқангиз бўлмас экан! Сиз инсонпарвар ёзувчисиз, депутатсиз, Марказий Комитет аъзосисиз! Дардимни сизга айтмай, кимга айтаман? – ўз навбатида Дарахвелидзе ҳам астойдил таажжубланди.


- Қаерда ишлайсиз?
- Абхазияда, тамаки тайёрлаш соҳасида.
- Бошлиқларга нима деб ёзишим керак?
- Секретаримиз билан қалин дўстсиз, мактабда бирга ўқигансизлар, буни ҳамма билади.
- Менинг олдимга сизни ким юборди?
- Секретаримизга фақат яхшиликни раво кўрадиган одам юборди... Битта конверт сизга, иккинчисини хоҳлаган одамнингизга беришингиз мумкин... – Дарахвелидзе чаққонлик билан иккала конвертни ёстиқнинг тагига тиқиб қўйди”.

Шундан сўнг у тамакига хашак ва сув қўшиб сотганликда айблашаётгани, унинг ўрнини бошқа одамга ярим миллионга сотишаётганини айтади. Бачанадан райкомга айтиб, қамоқдан олиб қолишини сўрайди.

Албатта шўро замонида яшаб шўронинг асл қиёфасини чизиб кўрсатиш осон эмас эди. Ёзувчи тоталитар жамият маҳсули бўлган ана шунга ўхшаган образларни романга киритиш, уларнинг диалоглари, хатти-ҳаракатлари орқали Бачанани қабул қилолмаган жамият манзарасини чизиб беради. Биргина ана шу лавҳанинг ўзидан ўқувчи шўро жамиятнинг бир қанча хос хусусиятлари ҳақида ҳулоса чиқариши мумкин: 1) ҳар қандай даражадаги мансабдор учун ўғрилиқ турмуш тарзига айланган; 2) райком, яъни давлат вакили ўз ҳудудида ҳокими мутлоқ, ҳатто давлатга қарши қилинган жиноятни ҳам ёпа олиш қудратига эга, буни Нугзарманлар ҳам яхши билади; 3) пора олиш ва бериш жамиятда ўрнатилган урфга айланган; 4) жамиятнинг ёзилган қонунларидан гўё қўрқишади, яъни ревизия, қамоқ, аслида ҳаммаси учун чиқиб кетиш йўллари ҳам қуриб қўйилган; 5) жамият жиноятчи фуқаролар занжирини ўзи тайёрлайди – ўғри ишонч билан депутатга келяпти, у райкомга боғланади, сўнгра ревизорга ва терговчигача занжир узайиб бораверади; 6) бу жамиятда мансаблар инсоннинг иқтидори ва фазилатига қараб эмас, поранинг қанчалигига қараб тақсимланади. Албатта жанр талаби ва реализм тамойиллари ёзувчидан ўз гапини айтиш, гоёсини илгари суриш учун реал ҳаётнинг лавҳаларни тасвирлашни талаб қилади. Аммо бу ҳаётнинг лавҳалар рамзий деталлар, хаёлий воқеа-сюжетлар билан иш кўрувчи адабий йўналишлардаги асарлардаги барча бадиий функцияларни бажара олади.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Гулистонга сафар” романи ўзбек адабиётида антиутопик услубда ёзилган, шахс ва жамият муносабатлари лейтмотив қилиб олинган дастлабки асарлар намунасидир. Романда тоталитар давлат шахсни ички озодликдан маҳрум қилиши, руҳан қул даражасида бошқариб туриш учун мудом кўрқувда ушлаб туриши – зулм қиёфаси очиб берилган. Романнинг Аҳмад Аъзам прозасига хос “биров билан ўтириб гурунглашгандай” услубда ёзилганлиги, шу аснода шўро даврига ҳам, ўз ҳаётидаги воқеаларга ҳам эркин ўтиб кетиб яна романга қайтиши жанр имкониятларидан кенг фойдаланганини кўрасатади. Файриинсоний қонун-қоидаларга қурилган жамият шахснинг бахт ва бахтсизлик, эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва қуллик борасидаги тушунчаларининг ўрнини алмаштириб юбориши очиб берилган. Бу жиҳатлари билан “Рўё...” Евгений Замятиннинг машҳур “Биз” романига жуда яқин туради. Нодар Думбадзе реалистик услубда ёзилган “Абадият қонуни” романидаги воқеалар ҳаётнинг ҳаққоний манзараларига қурилган эса-да, гоёвий жиҳатдан юқоридаги икки романга ўхшайди. Уларнинг муаллифлари турли хил адабий услубда шахс ва жамият муносабатларини, руҳий қуллик фожиаларини, инсон юрагидаги илоҳий мукаррамлик ва ҳайвоний тубанликларни тадқиқ қилар экан, одамзоднинг бир-бирига меҳр-шафқатли, маънан бой бўлишини, юксак, гўзал гоёлар билан яшашини, ўз аъмоллари, бир-бирларига муносабатлари билан ҳайвондан устун туришини орзу қиладилар.

“  
**Аҳмад Аъзам ва  
 Эркин Аъзамнинг бу  
 икки асарини келажакда  
 жаҳон адабиёти тажрибаси  
 билан, айниқса, Е.Замятин-  
 нинг “Биз” романи билан  
 қиёслаб ўрганиш зарурати  
 бор деб ўйлайман.**  
 ”





## Азиза ЛАЛАЕВА

1986 йили Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида туғилган. Боқу давлат университетининг фалсафа факультетини татмомган. “Мактуб” номли ҳикоялар тўплами нашр қилинган.

“Юлдуз” журнали, “525-газет” газеталарида ҳикоя ва мақолалари чоп этилган. Озарбайжон иқтидорли ёшлари ташиклотининг раҳбари, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Озарбайжон тилидан  
Рустам ЖАББОРОВ  
таржимаси.

Aziza  
LALAYEVA

Sarxush

Никола

У кичкина телевизорнинг тугмасини босди. Телевизор бироз хириллаб, хонага кўкиш шуъла таратди. Бунақаси ҳозир ҳеч кимда йўқ, ўйлади ўзича. Қаерданам бўлсин? Бундан йигирма йил илгари чиқарилган оқ-қора рангли матоҳнинг кимга кераги бор?

Лаблари буришиб пичирлади:

– Ё раббий, ўзинг мадад бер!

Ўзини тошдек қаттиқ, эски диван устига ташлади. Стол тагида бир неча кундан бери турган ярим шиша ароқнинг оғзидаги тиқинни тишида очиб, икки-уч қултум ютди-да, тамшаниб қўйди. Кичик болишни буклаб, бошига қўймоқчи бўлганида димоғига ўели Тўғрулнинг сут аралаш ҳиди урилди.

Хотини Судоба боласини қўлтиқлаб, отасиникига кетиб қолганида, бугун унинг етти ойлигини нишонлаган бўлишарди.

Роппа-роса етти ой илгари Судоба унга оталик бахтини раво кўрганди. Исмини ҳам Судобанинг ўзи қўйган. Эри ҳам бунга қаршилик кўрсатмади. Эр бўлиб унга нима қилолдим, ҳеч бўлмаса, ўғлига ўзи истаган отни қўяқолсин, деди.

У бир пайтлар ўғил кўрсам, отамнинг исмини қўяман, деб юрарди. Судоба бир гал: “Отангиз нима иш кўрсатган ўзи?” дея кесатганидан кейин, дами ичига тушиб кетди. “Бир етимнинг пешонаси шўр бўлса, шунчалик бўлар-да!”, дея хаёлланди ва вақтни билиш учун қўл соатига қарамоқчи бўлди. Шу чоқ икки кун илгари соатин ўн кундан бери йиғилиб қолган беш минг манат қарзидан қутулиш учун нон дўконига топширгани эсига тушди. Кулгиси қистади. Тўғриси, уни ҳамма телбага чиқариб қўйган. Бунга юзига айтмасалар ҳам, орқаваротдан “Савдойи” деб айтишларини биларди.

“Ростдан ҳам шунақадир?”, деган хаёлга борди.

Нақ сувнинг ичида ётиб-туриб юрган одамни ким ҳам жинни демасин Тошқини бутун қишлоқни фарқ этаёзганди. Кундан-кунга кутарилиб бораётган сув сатҳи у яшаётган ғариб кулбани кичик бир оролчага ўхшатиб қўйганди. Тўрт ойдан бери сув ўртасида қолиб кетган, хомғишдан тикланган бошпанаси бир пайтлар унинг кўзига ҳашаматли қаср бўлиб кўринарди. Ҳозир эса, зах тортиб, ивиб кетган деворлар йиқилишга махтал турарди.

Ўзимам ғалатиман, ўйлади у, бу ерда Судоба қандай қилиб яшаши мумкин эди? Уч ойлик чақалоғи-чи? Уйда егулик йўқлиги, пул

йўқлиги учун она шўрликнинг сийнасида сўт қочиб кетгани рост-ку?

Шўрлик Судоба, ҳозир нима қилаётган экан-а?”.

Тўғрулни эшлашга тиришди. Юзини кўз олдига келтиролмади. Фақатгина кўзлари юмуқ гудакнинг тили билан оғзидаги сургични чиқариб ташлагани ёдида қолган. Бечоар чақалоқ шунақа чинқириб йиғлардики, эшитган одам ҳозир жигари ёрилиб кетади, деб ўйларди. Кейин ёдига Судобанинг қарғишлари тушди.

– Ҳамманг, сенам, отанг ҳам қирғинга учрасаларинг бўлмасмиди?

Бу гап қулоғи остида жарангларкан, юзига совуқ сув сепилгандек бўлди. Жойидан ирғиб турди. Диванда ўтирганича, телевизор сари эгилиб, унинг овозини кўтарди. Жини суймайдиган бир аёл қўшиқчи куйлаётган эди.

– Падарингга лаънат, манжалақи! Атайин гашимга тегиш учун ҳар куни телевизорга пул бериб чиқадими, дейман!

Бу фикридан ўзининг ҳам кулгиси келди: “Қара-я, сени таниркан-да, гашингни келтирмоқчи бўларкан”.

Эҳтимол, таниши ҳам мумкин эди. Агар мактабни битирган йили пойтахтга бориб, ўқишга кирганида, ана шундай машҳур қизларни кўриши, улар билан танишиши мумкин эди.

Эх, етимлик қисмати шу бўлганидан кейин, у қаерда-ю, Бокуга бориб, институтда ўқиш қаёқда?

Яна нималар ҳақида фикр юритиши мумкин?.. Бошқа мавзу қолмадимикин? Тўрт ойдирки, мана шу диван устида, шу ойнаижаҳон қаршисида яккаю ёлғиз ўй суриб ётишдан бошқа иши йўқ эди.

– Кеча Нефтчала туманидаги Кура дарёсидан қайиқда кесиб ўтмоқчи бўлган 16-22 ёшлардаги икки киши сувга чўкиб кетди. Ҳали уларнинг жасадлари сув тубидан қидирилмоқда.

16-22 ёшли... Сухандон қиз бунча совуққонлик билан гапирмаса? Тўғри-да, чўккан бўлса унга нима? Ўзи бир тарафда тошқинлар, бир тарафда қочқинлар миллатни қийин вазиятга солиб қўйди.

Шу чоқ ич-ичидан азобли оғриқ турганини ҳис этди. Оғриқ кураги томон ўрмалади. Турмоқчи бўлди, мажоли етмади. Қўлини дивандан пастга тушириб, эски шолча устига тиради. Бор овози билан қичкиргиси келди, овози чиқмади. нафаси етмаётганини ҳис килди. Ё раб, бу қандайин оғриқ бўлди?


Ўғли, ҳатто юзи ҳам хотирасидан сидирилиб кетган жигарбанди эсига тушди. Кейин хотини...

Узоқдан эса онасини кўргандек бўлди. Бор кучини тўплаб онаси тарафга интилди. Аммо онаси унга яқинлашиш ўрнига тобора узоқлашиб борарди. Судрала-судрала айвонга чиқди. Ҳаво етишмаётганини сезди. Ҳовлига узанган зинапоёга яқинлашди. Погоналар устидан думалаб, бир неча ойдан бери ҳовли юзини босиб ётган кўлмакка қулади. Бир зумда унинг бадани сув тагида қолди.

...Эртаси куни ойнаижаҳонда, жумладан, Судобанинг ота уйидаги оқ-қора телевизордан ҳам ушбу хабар таркатилди:

– Ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги кишининг жасади ўз ҳовлисидан топилди. У кўп миқторда спиртли ичимлик ичганлиги аниқланди.





# Bir kuni Mark Twen...

## Имзонинг ўзи келди

Марк Твен газетада муҳаррир эди. Кунлардан бир кун таҳририятга, чамаси, муҳаррирдан норози бўлиб юрган кимсдан бир оғизгина “Чўчқа” деб ёзилган хат келади. Эртаси куни газетада муҳаррирнинг ўша хатга ёзилган шундай жавоби эълон қилинади:

“Таҳририятимизга кўпинча имзосиз хатлар келиб туради. Аммо куни кеча биринчи марта фақат имзонинг ўзи келди”.

## Шеър кўтариб келдимикин?

Марк Твен ишлаётган таҳририятга бир куни қуролланган босқинчи кириб, таҳдид қилади:

– Қўлингни кўтар! Ё пулни берасан, ё ўласан! Қани, тезроқ қимирла!

– Ҳайрият-ей! – дейди муҳаррир кулиб, – яна кимдир шеър кўтариб келдимикин деб қўрқувдим.

## Қароқчининг узри

Марк Твен оқшомда уйига қайтаётган эди. Пастқам бир жойда номаълум киши уни тўхта-тиб, кўксига тўппонча тирайди:

– Соатни чиқар!

Ёзувчи қароқчига синчиклаб тикилади:

– Соатни ўтган ҳафта олгансиз!

– Кечирасиз, – дейди қароқчи, – бу орада янғисини олган бўлсангиз керак деб ўйловдим.

## Жавоб хат

Марк Твен бир газетада муҳаррир эканида таҳририятга келган яроқсиз қўл-лёмалардан роса безор бўлади. Шунақа қўлёмани юборган муаллифга бир куни галати жавоб юборади: “Азиз дўстим! Минг афсуски, газетамиз саҳифаларида жой етишмаганлиги учун асарингизни босолмадик. Аммо сиз умидсизланманг. Яқин орада таҳририятимиз кераксиз қоғозлар солиб қўйиладиган бир неча катта қоп сотиб олмоқчи. Ўшанда ба-жонидил асарларингизни ўша қопларга жойлаб қўямиз”.

Шодмон ОТАБЕК таржимаси.